ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НУТҚ ЎСТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ
модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Касбий қайта тайёрлаш йўналиши:	**Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари**
Тингловчилар контингенти:	**Олий таълим муассасаларини нопедагогик йўналишларини битирган мутахассислар**

Тошкент-2018

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НУТҚ ЎСТИРИШ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ
модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент – 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув режаси асосида тайёрланди.

Тузувчи Бабаева Д.Р. - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси доценти педагогика фанлари номзоди

Тақризчилар: Сайдалиходжаева Н. - Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди.

Аккулова С. - Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси катта педагоги.

Қайта тайёрлаш курсининг ўқув-услубий мажмуаси Низомий номидаги ТДПУ Кенгашининг 2018 йил 16 февралдаги 6/1- сонли баённомаси билан маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

М У Н Д А Р И Ж А

I.	ИШЧИ ДАСТУР	5
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	17
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	30
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	139
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	165
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ	171
VII.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	180
VIII.	ГЛОССАРИЙ	180
IX.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	184

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

XXI аср бошларида кечаётган глобал ижтимоий-иқтисодий ва геосиёсий жараёнлар дунёнинг ғоявий-мафкуравий қиёфасини ўзгартириб, янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни тақозо этмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

2017 йилнинг 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш ҳамда мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги - фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори қабул қилинди.

Модулнинг ишчи ўқув дастури мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларини касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, мактабгача ёшдаги болаларни оғзаки нутқини ривожлантириш тамойиллари, унга қўйилган талаблар, усуллари, шакллари, нутқни ривожлантириш муаммолари, мактабгача ёшда бўлган болаларни оғзаки нутқини ривожлантиришнинг мазмун моҳиятини очиб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади: мактабгача ёшдаги болаларни оғзаки нутқини ривожлантириш тамойиллари, унга қўйилган талаблар, усуллари, шакллари, нутқни ривожлантириш муаммолари, мактабгача ёшда бўлган болаларни оғзаки нутқини ривожлантиришга тайёрлашдан иборатдир.

Модулнинг вазифалари:

- мактабгача ёшдаги бола нутқига таъсир кўрсатишнинг энг самарали йўлини тўғри танлаш ва боланинг нафақат ёшини, балки унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро биргаликда харакат қилиш ҳамда олинган натижани таҳлил қилиш;

- болалар нутқининг турли жиҳатларини ривожлантириш, аниқ услублари ва усуллари хақидаги билимлар ўзлаштирилишини ҳамда уларнинг дидактик нутқ мулоқотлари пайтида қўллай олинишини таъминлаш;

- услубий адабиётларни мактабгача ёшда бўлган бола нутқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усуллари ва услубларини яратишга интилишни рағбатлантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- болаларда нутқни ривожлантириш методикасининг назарий асосларини; болаларни она тилига ўргатишнинг психолингвистик, лингводидактик асосларини ***билиши;***

- ҳозирги она тилини (ўзбек, рус тили ва бошқа тиллар), болаларнинг мактабгача бўлган давридаги нутқини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини, она тилини ўқитишнинг психолингвистик, лингводидактик асосларини билиш асосида уларни амалиётда қўллаш методикасини ўзлаштириш;

- ўқиш ва нутқнинг мантиқий, ҳис-ҳаяжонли ва образли ифодасини ўзлаштиришлари; бадиий асарларни таҳлил қилиш ва уларни ижро эта олишни билиш; болаларда нутқ фаолиятини йўлга қўйиш ***кўникмаларига***;

- мактабгача ёшдаги бола нутқига таъсир кўрсатишнинг энг самарали йўлини танлаш;

- болаларни мулоқот маданиятига ўргатиш ***малакаларига***;

- машғулотларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва ўтказиш;

- машғулотнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш ***компетенцияларига эга бўлиши лозим.***

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотларда Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари, мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантиришга доир ишлар тизими, болалар нутқини ўстиришнинг вазифалари, равон нутқни ривожлантириш, диалогик ва монологик нутқнинг аҳамияти, болалар билан луғат ишини олиб боришнинг, товушларнинг тўғри талаффузи юзасидан олиб бориладиган ишлар мазмуни, тўғри талаффузга ўргатиш, грамматик қурилишни шакллантириш методикаси, кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар, болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш, теварак-атрофни билиш жараёнида нутқни ривожлантириш технологиясига оид маълумотлар берилади.

Машғулотларда техник воситалардан, катта ва кичик гуруҳларда ишлаш, экспресс-сўровлар, “Ҳар ким ҳар кимга ўргатади”, “SWOT-таҳлил” ёки

“ФСМУ”, методлари билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа блоклар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий асослари”, “Умумкасбий тайёргарлик” блоки модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Мазкур модул “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий асослари”, “Умумкасбий тайёргарлик” блокларидан кейин “Мутахассислик бўйича тайёргарлик” блоки доирасида ўрганилади.

Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар назарда тутилади.

Модулнинг таълимдаги ўрни

Тингловчиларни мактабгача таълимда Нутқ ўстириш назарияси ва методикасини амалда қўллаш кўникмаларини шакллантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

	Фан мавзулари	Умумий	Жумладан			Мустақил таълим
			Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	
1.	Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари	6	2	2		2
2.	Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантиришга доир ишлар тизими	4	2	2		
3.	Турли ёш босқичларида болалар нутқини ўстиришнинг вазифалари	6	2	4		
4.	Равон нутқни ривожлантириш вазифалари	4	2	2		
5.	Боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланишида диалогик ва монологик нутқнинг аҳамияти	8	2	4		2
6.	Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб боришнинг мазмуни	8	2	4	2	
7.	Товушларнинг тўғри талаффузи юзасидан олиб бориладиган ишлар мазмуни.	8	2	4		2
8.	Грамматик қурилишни шакллантириш методикаси	6	2	2	2	
9.	Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар.	8	2	4		2
10.	Болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш	6	2	4		
11.	Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билиш жараёнида нутқни ривожлантириш технологияси.	8	4	2	2	
12.	Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш йўллари.	8	2	4		2
Жами:		**80**	**26**	**38**	**6**	**10**

1-мавзу. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари (2 соат маъруза)

«Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси» фаннинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси, Умумий педагогика, Нутқ маданияти, Болалар психологияси, Мактабгача таълим педагогикаси, Этика, Эстетика, Физиология, Гигиена фалсафаси, Болалар адабиёти ва адабиётшунослик асослари, Маданиятшунослик, Тиббий фанлар,

Ижтимоий педагогика фанлари билан узвий боғлиқлиги. Болалар нутқини ўстиришнинг предмети мақсади ва вазифалари. Болалар нутқини ривожлатиришнинг ташкилий педагогик ва методик ишлари.

2-мавзу. Мактабгача тарбия муассасасида нутқни ривожлантиришга доир ишлар тизими (2 соат маъруза)

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш қонуниятлари. Болалар нутқини ўстириш бўйича ишларни режалаштириш.

3-мавзу. Турли ёш босқичларида болалар нутқини ўстиришнинг вазифалари (2 соат маъруза)

Кичик, ўрта ва катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш вазифалари. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари.Мактабгача ўрта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари.Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш вазифалари.Мактабгача катта ёшдаги болалар билан мулоқот.

4-мавзу. Равон нутқни ривожлантириш вазифалари
(2 соат маъруза)

Равон нутқ тушунчаси ва уни ривожлантириш вазифалари. Равон нутқ моҳияти. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни равон нутққа ўргатиш.Тил тафаккур қуроли ва муомала воситаси.

5-мавзу. Боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланишида диалогик ва монологик нутқнинг аҳамияти (2 соат маъруза)

Мактабгача ёшдаги бола нутқининг грамматик тўғрилигини ўстириш. Мактабгача ёшдаги бола нутқнинг шаклланишида диалогик нутқнинг аҳамияти. Диалогик нутқни ривожлантиришга доир махсус машғулотларнинг аҳамияти. Монологик нутқини шакллантиришнинг назари асослари.

6-мавзу. Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб боришнинг мазмуни (2 соат маъруза)

Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб бориш вазифаси. Луғатни бойитиш ва фаоллаштириш.

7-мавзу. Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг асосий вазифалари
(2 соат маъруза)**.**

Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг мазмуни ва моҳияти. Талаффузга ўргатишнинг асосий босқичлари. Болаларни тўғри талаффузга

ўргатишнинг асосий вазифалари.Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган турли органларнинг аҳамияти.

8-мавзу. Грамматик қурилишни шакллантириш методикаси
(2 соат маъруза)

Мактабгача ёшдаги бола нутқининг грамматик тизимини шакллантириш. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантириш мазмуни. Грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари

9-мавзу. Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар
(2 соат маъруза)

Мактабгача таълим муассасаларида таълимий ўйинлар ва уларнинг аҳамияти. Луғатни бойитиш учун ёрдам берадиган таълимий ўйинларнинг турлари. Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар.Болалар луғатини бойитишда таълимий ўйинларни танлаш, ўтказиш ва таҳлил қилиш.

10-мавзу. Болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш
(соат маъруза)

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш мазмуни. Болаларда ўқиш, ёзиш ва мавзуга қизиқиш уйғотиш.Болаларни турли фаолият йўналишларида саводга ўргатишга тайёрлаш. Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик.

11-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишида нутқни ривожлантириш технологияси (4 соат маъруза)

Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш. Мактабгача ёшдаги болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва англашга ўргатиш.

12-мавзу:. Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш йўллари. (2 соат маъруза**)**

Болаларнинг катталар меҳнати ҳамда соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, билимларини кенгайтириш. Теварак-атрофни билишда болалар нутқини ривожлантириш машғулотлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-амалий машғулот. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари **(2 соат)**

Болалар нутқини ривожлантириш методикаси фанининг ташкил топиши ва ривожланиши. Болалар нутқини ўстиришга оид назарий ишлар. Мактабгача

таълим меъёрий хужжатлари асосида болаларни тарбиялаш. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг илмий-педагогик шарт-шароитлари.

2-амалий машғулот. Мактабгача таълим муассасасида нутқни ривожлантиришга доир ишлар тизими **(2 соат)**

«Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси» фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.Болалар нутқини ўстиришнинг предмети мақсади ва вазифалари. Болалар нутқини ривожлатиришнинг ташкилий педагогик ва методик ишлари.

3-амалий машғулот. Турли ёш босқичларида болалар нутқини ўстиришнинг вазифалари**. (4 соат)**

Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари. Мактабгача ўрта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш вазифалари. Мактабгача катта ёшдаги болалар билан мулоқот.

Кичик, ўрта ва катта ёшдаги болалар учун машғулотлар ишланмаси. Машғулот – мактабгача таълимда ўқитишнинг асосий шакли. Дидактик мақсадлар бўйича қуйидаги машғулотлар турларини ажратиб кўрсатиш:янги материални маълум қилиш машғулоти;билимлар, маҳорат ва кўникмалар мустаҳкамлашга оид машғулотлар;билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга оид машғулотлар; якуний машғулотлар ёки ҳисоб-текширув (назорат) машғулотлари.

4-амалий машғулот. Равон нутқни ривожлантириш. **(2 соат)**

Равон нутқ тушунчаси ва уни ривожлантириш вазифалари. Равон нутқ моҳияти. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни равон нутққа ўргатиш.Тил тафаккур қуроли ва муомала воситаси.

5-амалий машғулот. Болаларнинг тилни мулоқот воситаси сифатида ўзлаштиришлари; диалогик ва монологик нутқни, нутқий мулоқотни шакллантириш (коммуникатив жиҳати). (4 соат)

Болаларни диалогик нутққа ўргатиш муаммолари. Болаларга диалогик нутқни ўргатиш усуллари. Бола ҳаётининг иккинчи йилида нутқий ривожлантириш вазифалари.Бола ҳаётининг учинчи йилида нутқий ривожлантириш вазифалари. Монологик нутқини шакиллантиришнинг назари асослари. Болаларга монологик нутқни ўргатиш ишининг мазмуни ва вазифалари. Монологик нутқини шакллантириш усуллари.

Монологик нутқини шакллантириш усуллари. Болаларга кенг ёйилган фикр тузишни ўқитишда тарбиячи уларда матн тузилмаси (боши, ўртаси, охири) ҳақидаги энг оддий билимларни, гап билан фикрнинг таркибий

қисмлари ўртасидаги алоқалар ҳақидаги тасаввурни шакллантириши зарур. Айнан ушбу кўрсаткич (гаплар ўртасидаги алоқа воситаси) нутқий фикрнинг равонлигини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида иштирок этади.

6-амалий машғулот. Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб боришнинг мазмуни. (4 соат)

Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб бориш вазифаси.

Луғатни бойитиш ва фаоллаштириш. Мактабгача ёшдаги болаларнинг луғат заҳирасини бойитиш, кенгайтириш ва фаоллаштириш.Нутқий ва луғатни ривожлантиришнинг билиш жараёнларини ривожлантириш билан ягоналиги (қабул қилиш, тасаввур қилиш, фикрлаш).

Грамматик қурилишни шакллантириш. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантириш мазмуни. Грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари.Болаларнинг бирон-бир нарса, ҳодиса ҳақидаги билимлари қанчалик чуқур ва хилма-хил бўлса, уларнинг фикр билдиришлари ҳам шунчалик кенг бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантиришда машқ ва ўйинлардан фойдаланиш.

7-амалий машғулот. Товушларнинг тўғри талаффузи юзасидан олиб бориладиган ишлар мазмуни. Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг асосий вазифалари (4 соат)

Нутқнинг товуш маданияти тушунчаси. Нутқнинг товуш маданиятига доир ишлар. Боланинг ҳар бир ёш босқичида нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқининг функциялари.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш она тилидаги товушларни аниқ айтиш, уларни тўғи талаффуз қилиш, сўзлар ва ибораларни аниқ талаффуз қилиш, тўғри нутқий нафас олиш, шунингдек, овоз кучидан етарли даражада фойдалана олиш қобилияти, нутқнинг нормал суръати ва ифодалиликнинг турли интонацион воситалари (нутқ мусиқаси, мантиқий сукут, урғулар, нутқ суръати, ритми ва тембри)ни шакллантиришни ўз ичига олади. Товуш маданияти яхши ривожланган нутқни тинглай олиш қобилияти асосида шаклланади ва ривожланади.

8-амалий машғулот. Грамматик қурилишни шакллантириш методикаси (2 соат)

Мактабгача ёшдаги бола нутқининг грамматик тизимини шакллантириш. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантириш мазмуни. Грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари

9-амалий машғулот. Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар (4 соат)

Луғатни бойитиш учун ёрдам берадиган таълимий ўйинларнинг турлари. Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар. Болалар луғатини бойитишда таълимий ўйинларни танлаш, ўтказиш ва таҳлил қилиш.

Болаларнинг ўз ташаббусига кўра ёки катталарнинг таклифига кўра ҳикоя қилиб беришга қизиқишини қўллаб-қувватлаш, эртаклар, суратлар ва ўз шахсий тажрибасига оид таассуротларнинг сўздаги мазмунини қисқа ҳикоя, мулоҳаза, тавсифлар ёрдамида ифодалашни ўргатиш.

Дабдурусдан туғилган сўз ижодкорлигида, товушлар ва қофиялар билан ўтказиладиган ўйинларда, сўзлар билан амалга ошириладиган синовларда, уларнинг жарангдорлиги ва аҳамияти, сўзлар мазмунини талқин қилишда кўзга ташланадиган сўзларга қизиқишни қўллаб-қувватлаш зарур.

10-амалий машғулот. Болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш (4 соат)

Замонавий талаблар асосида машғулот ишланмасини яратиш. Мактабгача ёшдаги бола боғланишли нутқини шакллантириш. Болага бир турдаги тузилмалардан фойдаланмаган ҳолда сўзларнинг тўғри тартибини қўллашни ўрганишда ёрдам берадиган машқларга алоҳида эътиборни қаратиш.

Ижодий ривожлантирувчи муҳитнинг самараси кичкинтойнинг умумий тараққиётига, ижодий тафаккурига, мустақиллигига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитгагина боғлиқ эмас, балки тарбиячининг бола билан бўладиган мулоқотига, вазиятга, бериладиган топшириқларга, уларни бериш усулларига ҳам боғлиқ. Болаларга таълим-тарбия бериш бир тартибда ўтмайди. Тарбиячи болаларнинг тараққий этиш динамикасини кузатиб бориши, лозим бўлса, ёрдам кўрсатиши лозим.

11-амалий машғулот. Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билиш жараёнида нутқни ривожлантириш технологияси (2 соат)

Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантириш аҳамияти. Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантириш мазмуни.

12-амалий машғулот. Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш йўллари (4 соат)

Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш. Болаларни теварак-атроф билан таништиришда, луғат бойлигини фаоллаштириш. Боланинг теварак-атрофдаги воқеликни билиб бориши, унинг гўзаллигини, битмас-туганмас мураккабликларини ҳис этиши, ижтимоий муносабатлар ва катталар дунёсига кириб бориши, унинг ҳар томонлама камол топиши.

Мактабгача таълим муассасаларида нутқни ривожлантиришга оид педагогик кенгаш ўтказиш. “Мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусида педагогик кенгашни тайёрлаш ва ўтказиш. Педагогик кенгашни мактабгача таълим муассаса услубчиси, мактабгача тайёрлов гуруҳ тарбиячиси ва тарбияланувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари, бошланғич синф ўқитувчилари иштирокида ўтказиш.

Кўчма машғулот (6 соат).

Кўчма машғулот мавзуси: Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш (6 соат).

Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш, замонавий машғулот ўтишнинг метод ва усуллари, ишланмаларидан фойдаланиш. Мутахассислик модулларидан очиқ машғулотларни кузатиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, муҳокама қилиш ва баҳолаш. Очиқ, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилиш.

Мазкур машғулотлар талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-педагоглар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа муассасаларда ҳамда мактабгача таълим муассасаларида кўчма машғулот (очиқ машғулотлар) тарзида ўтказилади. Унда ўтказилган машғулотни тегишли мезонлар асосида таҳлил қилиш орқали тарбиячиларнинг илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш ташкил этилади. Бу жараёнга кўчма машғулот ташкил қилинган таълим муассасаси тарбиячиларини жалб этиш, уларнинг машғулотларини таҳлил қилиш орқали уларга методик ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилади. Машғулот натижаси сифатида очиқ машғулотни кузатиш ва таҳлил қилиш варағи тўлдирилади ва малака ишига илова қилинади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида: “Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш машғулотларини ўтказиш технологиялари” мавзусида мустақил иш бажарилади ҳамда уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза машғулотлар (маълумотларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (таълим соҳасидаги ислоҳотлар бўйича таклиф бериш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (мактабгача таълим тизимида ҳуқуқий таълим-тарбияни амалга оширишнинг асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Танишув” тренинги

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг бир бири билан яқиндан таништириш, назорат қилиш, текширишга йўналтирилган. Мазкур тренинг орқали таълим олувчиларнинг муносабати, жамоада ишлаши, маҳорати, ақл-идроки,билими бўйича ташхис қилинади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Танишув” тренинги дарснинг бошида янги гуруҳ ташкил этилганда ўтказиш тавсия этилади. Шунингдек, педагогнинг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, қўшимча топшириқлар ёки саволларни киритиш мумкин.

Намуна:

1.Сиз ким ва нима учун бу ерга тўпландингиз?

2. Сизнинг мақсадингиз!

3. Ким билан ҳамкорлик қиласиз?

4.Кимга ғамхўрлик қиласиз?

5.Сизнинг кучсиз томонларингиз!

6.Сизнинг кучли томонларингиз!

7.Педагогик технология ҳақидаги тушунчангиз?

8.Инновацияга таъриф беринг?

9. Фан хакидаги фикрингиз!

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи

Таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.

Кичик гуруҳларда ишлаш методининг тузилмаси

Кичик гуруҳларда ишлаш методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунининг яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;

- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

“Давра суҳбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.



“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Баҳс-мунозара” методи.

Бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-

мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, рухсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

“Муаммоли вазият” методи.

Таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

“Концептуал жадвал” методи

Концептуал жадвал методи - турли ғояларни, қарашларни ўзаро таққослаш ва уларни турли тоифалар бўйича таққослаган ҳолда баҳо беришга қаратилган органайзер ҳисобланади. Метод таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда кечади:



Тингловчилар эътиборига қуйидаги намунани тавсия этиш мумкин:

Ўрганилаётган мавзу моҳиятини ёритувчи жиҳатлар	**Муҳим белгилар, тавсифлар**		
	1-белги (тавсиф)	**2-белги (тавсиф)**	**3-белги (тавсиф)**
1-жиҳат			
2-жиҳат			
...			

“Т – схема” методи

Педагог:

–янги мавзуни баён қилади ва таълим олувчиларга икки қарама-қарши жиҳат ҳақида бошланғич маълумотларни беради;

–топшириқни якка тартибда бажаришларини сўрайди ва 10 дақиқа вақт ажратади;

–вақт тугагач таълим олувчилардан изоҳларсиз ўз фикр – мулоҳазаларини ўқиб эшиттиришларини айтади;

–барча хулосалар тинглангач, умумлаштирилади ва якуний хулоса шакллантирилади.

Таълим олувчи:

– мавзуни диққат билан тинглайди;

–ўзи учун зарур бўлган маълумотларни дафтарига қайд қилиб боради;

–берилган схема асосида тушунчага нисбатан ўзининг мустақил фикрини билдиради;

–якуний хулосаси билан ўтирганларни таништиради;

–регламентга риоя қилади.

Кутиладиган натижа: таълим олувчилар мавзу юзасидан зарурий билимларни ўзлаштиради, курснинг моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлади.

“Т” схема асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш.

+ (ҳа, ижобий)	- (йўқ, салбий)

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг моҳияти. Ушбу услуб ўқув предмети мавзуларини ёдга олиш, бирон - бир мавзу бўйича педагог, томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратишга йўналтирилган.

Методнинг мақсади. Машғулотда ўтилган мавзуни эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, якка ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан караш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга келтира олишга ўргатиш.

Методнинг қўлланиши: ўқув машғулотларининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзуни бошлашдан олдин таълим олувчиларнинг-билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида якка, кичик гуруҳ ҳамда жамоя шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

• тингловчиларни гуруҳларга (шароитга караб) ажратади;

• тингловчилар машғулотни ўтказишга қўйилган талаб қоидалар билан таништирилади;

• тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.

• тингловчилар якка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар;

• тингловчилар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгаллаган (ёки ўзларининг) билимлари асосида (берилган тушунчаларни қандай тушунган бўлсалар шундай) изоҳ ёзадилар (якка тартибда);

• педагог тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага тўғри изохни

белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали (имкони бўлса) таништирилади;

• ҳар бир тингловчи тўғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларини аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз-ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шунингдек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

“Тушунчалар таҳлили” методидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзуни такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича таълим олувчиларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгаллаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин

Тушунчалар	**мазмуни**
грамматика	
ўзлаштириш	
бола	
луғат	
нутқ	
мулоқат	

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Бу метод 1963 йилда Гарвард университетининг профессори Андрюс томонидан бизнес сиёсати муаммоларига бағишланган халқаро конференцияда биринчи марта таклиф этилган. Дастлаб бу метод мавжуд вазият ҳақидаги билимларни тизимлаштириш мақсадида қўлланган. У ўрганилаётган объект, вазият ёки жараённинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, шунингдек,

объектни ўраб турган ташқи муҳит билан боғлиқ хавф хатарларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу методни таълим жараёнида қўллаш таълим олувчиларда таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Методни қўллашга қўйиладиган талаблар - SWOT –универсал таҳлил методини умумтаълим мактабларида қўллаш учун педагоглар ҳам, таълим олувчилар ҳам маълум бир тайёргарликдан ўтган бўлиши, яъни бу методнинг мақсади, қўлланилиш ҳолатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Бунда ўрганилаётган объект ёки масалага тааллуқли бўлган ички ва ташқи факторларни ажратиш, ижобий ва салбий омилларни ажрата олиш малакалари шакллланган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, таҳлилини ўтказиш жараёнида ижтимоий, сиёсий, маданий муҳитдаги ўзгаришларни ҳисобга олиш талаб этилади.

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- дарс мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, педагог томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

«ФСМУ» методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ методининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

ВЕНН ДИАГРАММАСИ

Венн диаграммаси- 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1) кичик гурҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида ривожланган давлатлар таълим тизимига оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар;

2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар;

3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади;

4) иш натижаларининг тақдимоти.

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари

Таянч тушунчалар: *боғланишли нутқ, дидактика, дидактик нутқ, эҳтиёжмандлик, эмоционал мулоқот, назария, нутқ маданияти, умумий педагогика.*

1. «Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси» фаннинг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлиги.

Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароит яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлаш ота-оналарга ёрдам беради. Сўнги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни, шакли восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 11- моддасида: «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, мактабгача таълим муассасаларида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади»[1], - дейилган.

Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, муассасаларни замонавий билимларга эга тарбиячилар билан тўлдириш ҳамда уларда касбий малака, фаолиятга нисбатан ижодий ёндашув ҳиссини қарор топтириш, узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилганидек, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича малакали тарбиячи ва педагог кадрлар бугунги кунда узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, шунннгдек, Мактабгача таълим муассасаларида ҳам инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорида; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яҳшилаш, таълим –тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интелектуал, ахлоқий, естетик, жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди[2]. Бу қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларига, жумладан, унинг мактабгача таълим босқичига эътибор ортиб бориши билан

---

[1] O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni // Barkamol avlod - O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: Sharq, 1998. – 23-b.

[2] **Туркистон рўзномаси 2017 йил 1-феврал 3-бет

бир қаторда мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш улуши камайиб бориши бу борада мақсадли тадқиқотлар олиб бориш, мамлакатимиз илмий-техникавий дастури, устувор тадқиқотларга йўналишларининг бир қисми сифатида қаралиши лозим. Зеро, таъкидлаб ўтганимиздек, узлуксиз таълим босқичларининг нечоғлик самарали ишлаши маълум даражада мактабгача таълим сифатига боғлиқ: бу даврда боланинг дунёқараши, тасаввурлари шаклланиб бўладиб, унга тўғри мазмун ва йўналиш бериш педагогика фани, таълим амалиётининг долзарб муаммосидир. Илмий тадқиқотлар ва йўналишлар таҳлили мактабгача ёшдаги болалар нутқининг турли томонларини ривожлантириш хусусиятлари ҳамда уларнинг илмий адабиётда ўрганилганлик даражасини аниқлаш имконини беради.

Барча тадқиқотчилар бола нутқини ва унинг ривожланишини алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки катта ёшли кишининг болага педагогик таъсири билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқадилар. Инсон тажрибасининг тарихан шаклланган мазмуни сўзли шаклда умумлаштирилган, уни баён этиш ва ўзлаштириш эса ушбу жараёнда нутқнинг ҳам иштирок этишини назарда тутади. Нутқ болага инсон маданиятининг барча ютуқларига йўл очади. Умуман, шахснинг ва барча асосий психик жараёнлар (қабул қилиш, фикрлаш ва бошқ.)нинг шаклланиши ҳам болада нутқнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Боланинг психик жиҳатдан шаклланишида нутқнинг алоҳида ўрин тутиши унинг турли босқичларда ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва омилларни билишни жуда муҳим қилиб қўяди. Нутқнинг ривожланиши билан ҳаракатланувчи кучлар ҳақидаги масала шиддат билан сакраш тарзида рўй бериши туфайли ҳам, муҳим аҳамият касб этади. Болаларда нутқ ривожланишини рағбатлантирувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи кучларни аниқлаш ушбу жараёнга аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда педагогик таъсир кўрсатишни ташкил этиш калитидир.

Болани ҳар томонлама ривожлантириш унинг инсоният тажрибаси, билимлари, қобилияти ва маданиятининг сақловчиси бўлган катталар билан мулоқоти туфайли инсониятнинг кўп асрлик тажрибасини ўзлаштириш асосидагина амалга оширилади. Бу тажрибани фақат инсоний мулоқотнинг энг муҳим воситаси - тил орқалигина бериш мумкин. Тил – ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, биз унга ўз-ўзидан бўлиши шарт бўлган нарса сифатида қараймиз. Тилнинг ўзи нима, биз унда қандай сўзлаяпмиз, биз қандай қилиб сўзлашни ўрганишимиз ҳақида эса унчалик кўп ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Билимни уюштирувчи бошланғич босқич сифатида чиқадиган назария тилда шаклланади, бу эса билиш жараёнида тилга алоҳида ўрин беради ва шу билан тил ҳақидаги фан олдида янги илмий уфқларни очади, уни ўзининг гуманитар моҳияти ҳақида орзу-хаёлларга берилган ҳолда доимо тинч-осуда ва жимгина ўтирадиган бурчагидан чиқишга мажбур қилади.

Ана шу нуқтаи назардан «Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси» фани билан қуйидаги фанлар ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд:

1. **Умумий педагогика** - ижтимоий тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан.

2. **Нутқ маданияти** - бу тўғри сўзлай олиш, яъни нутқий мулоқот шартлари ва фикр билдиришдан кўзланган мақсадни ҳисобга олган ҳолда ҳамда барча тил воситаларидан (тил воситаларидан, шу жумладан интонация, лексик заҳира, грамматик шакллардан) фойдаланган ҳолда баён қилинаётган мазмунга мос ҳолда гапиришдан иборатдир.

3. **Болалар психологияси** – шахсда маънавий-ахлоқий, руҳий-интеллектуал, ҳиссий-иродавий сифатларни таркиб топтириш учун замин яратади.

4. **Мактабгача педагогика –** мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

5. Э**тика** – шахс маънавиятини шакллантириш, унда энг олий инсоний сифатлар, ахлоқий онг ва маънавий-ахлоқий маданиятни тарбиялашда муҳим ўрин тутувчи назарий ғояларни педагогик жараёнга татбиқ этишда алоҳида ўрин тутади.

6. Э**стетика** – шахс томонидан гўзалликнинг ҳис этилиши, унга интилиши, шунингдек, унда эстетик дидни тарбиялашда муҳим йўналишларни аниқлашга хизмат қилади.

7. **Физиология** – ўқув-тарбия жараёнида болаларнинг физиологик, анатомик хусусиятларини инобатга олиниши учун бошланғич асосларни беради.

8**. Гигиена** – болаларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларни жинсий жиҳатдан тўғри шакллантиришда назарий ва амалий ғоялари билан ёрдам беради.

9. **Фалсафа** – шахс ривожланиши жараёнининг диалектик хусусиятлари, муайян педагогик ғоя, қараш ҳамда таълимотларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларни таҳлил этишга имкон беради.

10. **Болалар адабиёти ва адабиётшунослик асослари** – таълим-тарбия жараёнларини ривожлантириш, халқ мактабгача педагогикаси ғояларини келгуси авлодга узатиш учун йўналтирилади.

11. **Маданиятшунослик** – болаларда инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий маданият асослари ҳақидаги тасаввурни шакллантириш, уларда маданий хулқ-атвор хислатларини таркиб топтириш учун хизмат қилади.

12. **Тиббий фанлар** – шахснинг физиологик-анатомик жиҳатидан тўғри ривожланишини таъминлаш, унинг организмида намоён бўлаётган айрим нуқсонларни бартараф этишга амалий ёндашув, шунингдек, нуқсонли болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш муаммоларини ўрганишда кўмаклашади.

13. **Ижтимоий педагогика** – ижтимоий муносабатлар мазмуни, уларни ташкил этиш шартлари хусусида маълумотларга эга бўлиш асосида таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш учун имконият яратади.

Шахснинг шаклланиши кишилик жамияти томонидан яратилган ижтимоий-таркибий тажрибани ўзлаштириш, таълим-тарбия бериш орқали амалга оширилади. Бу ҳар хил фаолиятларда юзага келади. Болалар эгаллашлари лозим бўлган мазмунни танлаш, унинг эгаллаб олишига раҳбарлик қилиш катталар томонидан таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади. Тарбия ва таълимнинг мазмуни, воситалари, методлари, боланинг ривожланиш жараёни уларнинг ёши билан изоҳланади. Жумладан, кичик ёшдаги болалар билан иш олиб борилганда уларнинг мустақил ҳаётга бутунлай мослашмаганлиги ҳисобга олинади.

2. Болалар нутқини ўстиришнинг предмети мақсади ва вазифалари. Инсоннинг яна бир ўзига хос хусусияти, ўзига хос инсоний эҳтиёжи мавжуд, бу – бошқа одамлар билан мулоқотга эҳтиёжмандлик, «эмоционал мулоқотга эҳтиёжмандлик»дир (К.Обуховский). Айнан шу эҳтиёж туфайли дастлаб тил пайдо бўлган. Мулоқотга эҳтиёжмандлик доимо тилни эгаллашга олиб келади. Боланинг сўзлашни ўрганишининг сабаби шуки, унга катталар билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этишга тўғри келади, бунинг учун эса боланинг унга нималар дейишаётганликларини тушуниши ва ўзи ҳам сўзлаши лозим. Бу ўринда тилнинг уч сифати (тажрибани жамлаш ва синтез қилиш – фикрга жамлаш – мулоқотни амалга ошириш) ҳақида сўз юритиш мумкин (В.А.Звегинцев). Тилни тадқиқ қилиш мустақил, умумилмий қизиқишдан ташқари кўплаб долзарб амалий вазифаларни ҳал этишда улкан аҳамиятга эгадир.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси мактабгача таълим-тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ва руҳий камолотини тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Барча тадқиқотчилар бола нутқини ва унинг ривожланишини алоҳида ажратилган ҳолда эмас, балки катта ёшли кишининг болага педагогик таъсири билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқадилар. Ушбу ёндашув ўринлидир, зеро фандаги замонавий тадқиқотлар нутқни ўзлаштириш ва ижтимоий ўзаро ҳамкорлик – ўзаро боғлиқ жараёнлардир, нутқни ривожлантириш эса – ижодий жараён, бироқ у стихияли жараён эмас, деган фикрга асосланади. Инсон тажрибасининг тарихан шаклланган мазмуни сўзли шаклда умумлаштирилган, уни баён этиш ва ўзлаштириш эса ушбу жараёнда нутқнинг ҳам иштирок этишини назарда тутади. Нутқ болага инсон маданиятининг барча ютуқларига йўл очади. Умуман, шахснинг ва барча асосий психик жараёнлар (қабул қилиш, фикрлаш ва бошқ.)нинг шаклланиши ҳам болада нутқнинг ривожланиши билан

боғлиқдир. Боланинг психик жиҳатдан шаклланишида нутқнинг алоҳида ўрин тутиши унинг турли босқичларда ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва омилларни билишни жуда муҳим қилиб қўяди. Нутқнинг ривожланиши билан ҳаракатланувчи кучлар ҳақидаги масала шиддат билан сакраш тарзида рўй бериши туфайли ҳам, муҳим аҳамият касб этади. Болаларда нутқ ривожланишини рағбатлантирувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи кучларни аниқлаш ушбу жараёнга аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда педагогик таъсир кўрсатишни ташкил этиш калитидир.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фани етти ёшгача бўлган болаларга ҳар томонлама таълим - тарбия бериш қонуниятларини ўрганади. Мактабгача таълим муассасаси шароитида таълим-тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалар ҳамда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашга қаратилган шарт-шароитларни ишлаб чиқади. Нутқ ўстириш методикаси мактабгача педагогиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, методологик асоси, ташкилий шакл, метод ва воситаларига таянади. Нутқ ўстириш назарияси ва амалиёти мактабгача таълим ёшидаги болаларга яхлит тарбия беришнинг мақсади, боланинг ёш имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбиялашнинг роли, мактабгача таълимни ҳаёт, амалиёт ва замонавийлик билан боғлиқликда олиб боришнинг зарурлиги, бола шахсининг шаклланишида муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигига асосланилади. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фани бола шахсини ривожлантиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эътиборни қаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Дидактика (таълим назарияси, юнонча дидактикос – «ўргатувчи», дидаско – «ўрганувчи») таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, педагог ва педагог фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари каби муаммоларни тадқиқ этади. Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг *объекти* – яхлит мактабгача таълим жараёни.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг *предмети* – мактабгача таълим-тарбия жараёни, мазмуни, қонуниятлари, шакл, метод ва воситалари.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсади – мактабгача ёшдаги болаларда оғзаки нутқни ривожлантириш тамойиллари, унга қўйилган талаблар, усуллари, шакллари, нутқни ривожлантириш муаммолари, баркамол авлод тарбиясида нутқни тўғри шкллантириш йўллари ва иш самарадорлиги. Замонавий педагогик технология. Таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ва унинг тамойиллари, қонуниятлари. Мактабгача ёшда бўлган болаларда оғзаки нутқни ривожлантириш ишига тайёрлашдан иборатдир.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг вазифалари:

- мактабгача ёшдаги болаларда турли ёш босқичларидаги нутқ ривожини кўра олиш ва тушуниш қобилиятини шакллантириш;
- бола нутқига таъсир кўрсатишнинг энг самарали йўлини тўғри танлаш ва боланинг нафақат ёшини, балки унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро биргаликда харакат қилиш ҳамда олинган натижани таҳлил қилиш;
- болалар нутқининг турли жиҳатларини ривожлантириш, аниқ услублари ва усуллари хақидаги билимлар ўзлаштирилишини ҳамда уларнинг дидактик нутқ мулоқотлари пайтида қўллай олинишини таъминлаш;
- услубий адабиётларни танқидий таҳлил қилган ҳолда мактабгача ёшда бўлган бола нутқига таъсир кўрсатишнинг ўзига хос усуллари ва услубларини яратишга интилишни рағбатлантириш.

Нутқни ривожлантириш методикасининг асосий мазмуни - болаларда оғзаки нутқни, унинг атрофдагилар билан нутқий мулоқоти кўникмаларини шакллантиришдир. Нутқни ривожлантириш методикаси қуйидаги асосий саволларга жавоб топиш имконини беради: нимани ўқитиш (болаларда қандай нутқий кўникмаларни тарбиялаш), қандай ўқитиш (болалар нутқини шакллантиришда қандай шароитларда қайси метод ва усуллардан фойдаланиш лозим), нега энди айнан шундай ўқитиш зарур (нутқни ривожлантиришнинг таклиф этилаётган усуллари назария ва амалиётнинг қайси маълумотларига асосланмоқда).Нутқни ривожлантириш методикаси ҳар қандай ривожланишнинг умумий шакллари, томонлари ва ўзаро боғлиқлигини акс эттирадиган диалектика қонунлари ва тоифаларига таянади.

Тил – тарихий ва ўзгарувчан ҳодисадир. Ҳар бир халқ, миллат, элат ва одамлар қабиласи ўз тилига эгадир. Ҳар бир халқнинг тилида мазкур жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёни, унинг турмуш шароити, ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, ижтимоий-меҳнат фаолиятидаги янги кашфиётлар ва эришилган натижалари акс этган.

3. Болалар нутқини ривожлатиришнинг ташкилий педагогик ва методик ишлари. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда нутқни туза билиш даражасини кўтариш мактабгача таълим тизими методистлари олдидаги асосий вазифалардандир. Шуни ҳисобга олган ҳолда теварак-атрофни ўрганишда мактабгача тарбия ёшидаги катта болаларнинг нутқини ривожлантириш муаммосига оид тадқиқотни нутқни ривожлантиришни таъминлайдиган омилларни аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.



Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг юқори даражасига қуйидагилар эвазига эришилиши мумкин экан:

- тилнинг адабий меъёрлари ва қоидаларидан хабардорлик;
- ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён эта олиш;
- мулоқотга кира билиш, катталар ва тенгдошлар билан муомала қила олиш;
- суҳбатдошни тинглай билиш, сўраш (саволларни тўғри бера олиш), жавоб бериш, эътироз билдириш, зарур бўлганда эса тушунтириш, изоҳлаш.

Маълумки, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш фаолиятнинг ҳар хил турларида амалга оширилади:

- табиат объектлари билан таништириш машғулотларида;
- бадиий асарлар билан таништириш машғулотларида;
- савод ўргатишда;
- ўйин фаолиятида;
- ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида турли ишларнинг бажарилишида.

Тадқиқотчилардан Л.П.Федоренко ва Г.А.Фомичевалар методик жиҳатдан муҳим ғояни илгари сурадилар: «Болани нутқга ўргатиш, - деб ёзади улар, - унга тил материясини (нутқ органларини машқ қилдириш) тил белгилари, лексик ва грамматик белгилар (интеллектни машқ қилдириш) маъносини тушунишни осонлаштириш, лексик ва грамматик белгилар ёрдамида (эҳтирос ва туйғуларни машқ қилдириш) борлиқни баҳолашни ифодалашни ўргатиш, адабиёт меъёрларини эслашни осонлаштиришга кўмак бериш демакдир».

Нутқ ўстиришни таъминлайдиган омиллар



Бола томонидан нутқни ўзлаштиришга асосли ёндашув билан келишган ҳолда биз шунга эътиборимизни қаратдикки, қўлланма муаллифлари тез-тез «ёрдам бериш», «машқ қилдириш» ва бошқа ибораларни қўллайдилар-у, бироқ қай тарзда ёрдам бериш, машқ қилдириш мумкинлигига кам эъибор қаратадилар.

Нутқ ўстириш бўйича аниқ мақсадга қаратилмаган машқлар болаларнинг боғланишли нутқини ўстиришга ижобий таъсир кўрсата олмаслиги мумкиндир.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва уларга она тилини ўргатиш соҳасидаги психолого-педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- Нутқни ривожлантириш – бу боланинг индивидуал ривожланишида марказий ўринни эгалловчи ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштиришига оид ўта мураккаб ва кўп омилли жараёндир.
- Бу стихияли жараён эмас, балки педагогик раҳбарликни таклиф қилувчи ижодий жараёндир.
- Боланинг нутқий ривожланиш жараёнини бошқарувчи педагог ушбу жараён қонуниятлари, механизмлари ва унинг турли ёш босқичларидаги хусусиятларини билиши, нутқий ривожланишнинг индивидуал хусусиятларини кўра билиши ва боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг нутқига педагогик таъсир кўрсатишнинг энг самарали йўлларини танлаши шарт.

«Бола нутқини ривожлантириш» ҳодисасининг ўзини ва уни бошқариш жараёнини таҳлил қилиш мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш соҳасида ишлаш учун педагоглар махсус тайёргарликдан ўтишлари зарур, деган хулосани келтириб чиқаради.

Нутқ маданияти - бу тўғри сўзлай олиш, яъни нутқий мулоқот шартлари ва фикр билдиришдан кўзланган мақсадни ҳисобга олган ҳолда ҳамда барча тил воситаларидан (тил воситаларидан, шу жумладан интонация, лексик заҳира, грамматик шакллардан) фойдаланган ҳолда баён қилинаётган мазмунга мос ҳолда гапиришдан иборатдир.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ва руҳий камолотини тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда нутқни туза билиш даражасини кўтариш мактабгача таълим тизими методистлари олдидаги асосий вазифалардандир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. «Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси» фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунтиринг?
2. Болалар нутқини ўстиришнинг предмети, мақсади ва вазифаларини тавсифлаб беринг?
3. Болалар нутқини ривожлатиришнинг ташкилий педагогик ва методик ишларни қандай ташкил қилиш керак?

2-мавзу. Мактабгача тарбия муассасасида нутқини ривожлантиришга доир ишлар тизими

Таянч тушунчалар: *сенсомоторика, тажриба-валидация, билиш инстинкти, меъёрланган нутқ, нутқ меъёрлари, боланинг нутқи, тил қонуниятлари, катталар нутқи.*

1. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш қонуниятлари. Маълумки, боланинг нутқи тил қонуниятларига тўғри амал қилиш, катталар нутқини идрок этиш ва ўзининг ижодий фаоллиги натижасида ривожланади.

Шундай қилиб, тил ва нутқ мактабгача катта ёшдаги боланинг психологик ривожланиши ҳамда даставвал хотираси, фикрлаши, идрок этиши, ҳиссиёти ва эҳтиросини таъминлайдиган иккита муҳим воситадир.

Биринчи қонуният: Она тилидаги нутқни идрок этиш қобилияти бола нутқ органлари мускулларининг машқ қилдирилишига боғлиқ (шунинг учун ҳам сўз, ибора ва гапларни талаффуз этишни такомиллаштириш учун нутқ органларини машқ қилдиришга етарли даражада эътибор бермоқ муҳимдир).

Иккинчи қонуният: Нутқ маъносини тушуниш бола томонидан нутқнинг лексик ва грамматик қонуниятларининг ўзлаштирилишига боғлиқ.

Учинчи қонуният: Нутқ ифодалилигини ўзлаштириш болада фонетика, лексика ва грамматиканинг ифода воситаларини тушунишга бўлган мойилликка боғлиқ (мактабгача катта ёшдаги болаларни нутқ ифодалилигини тушунишга ўргатиш ҳамда бу ҳиссиётларнинг бола томонидан ўзлаштирилишига эришиш лозим).

Тўртинчи қонуният: Нутқни бойитиш, аввало, нутқ кўникмаларини такомиллаштиришга боғлиқ (агар олдинги ёш босқичида мактабгача катта ёшдаги бола нутқини шакллантириш муваффақиятли бўлган бўлса, ундан кейинги нутқни бойитиш жараёни ҳамда уни ўзлаштириш осон ва тез боради). Бундан ташқари, тадқиқотчилар томонидан нутқни бойитиш жадаллиги тилни ҳис этиш, билиш имкониятлари (сезиш, хотира, идрок қилиш, фикрлаш), ирода кучининг ривожланишига ҳам боғлиқ.

Бешинчи қонуният: Нутқ меъёрларини ўзлаштириш тилни ҳис этишнинг ривожланиши.

Маълумки, таълимда бирор-бир ютуққа эришиш тарбияга боғлиқ. Шунинг учун ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг маданий хулқ-одатларини шакллантиришга муайян даражада эътибор бериш лозим. Уларда яхшилик, камтарлик, адолатлилик, виждонлилик тўғрисидаги ахлоқий тасаввурларни таркиб топтириш керак. Нутқни самаралироқ ривожлантириш мақсадида болаларнинг теварак-атроф объектлари (кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати, ҳайвонлар, ўсимликлар олами, сув ости дунёси) тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва изчил, режали тарзда кенгайтира бориш талаб этилади. Нутқни ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш режасида нафақат теварак-атроф объектлари устида оддий кузатишлар (мушоҳадалар) учун, балки уларни ўрганиш учун ҳам сайрлар, саёҳатлар ўтказиш муҳимдир. Шу ўринда теварак-атроф объектларини ўрганишда нималарга эришиш мумкинлигини аниқлаб олишимиз лозим бўлади. Бунинг учун, аввало, нутқ ўстиришга оид теварак-атроф манбаларининг ўзини гуруҳлаштириш тақозо этилади.

Теварак-атрофни ўрганишда (тарбиячилар ёки ота-оналар томонидан) болалар шунчаки кузатмасликлари, балки предметларни уларнинг қисмлари, элементларини кўриб, жараёнлар, ҳодисаларни идрок эта бориб, улар тўғрисида мулоҳаза юритишлари ҳам лозим. Бунга эришиш учун тарбиячи олдига қиёслаш, таққослаш, ажратиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва бошқа шу каби усуллардан фойдаланиш вазифаси қўйилади. Бундан ташқари, ўрганиш жараёнида) мактабгача катта ёшдаги болаларни меҳнатнинг улар учун қулай бўлган турлари (ариқчаларни тозалаш, дарахтлар тагини юмшатиш, гулларни парвариш қилиш)га жалб қилиш муҳимдир. Бундай ёндашув шу билан боғлиқки, инсон бирон нарсани ўз қўли билан бажарса, уни кўпроқ ва тўлароқ эсда сақлайди. Мазкур усул билан мактабгача катта ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқидаги камчиликлар нарса-предметларнинг номларини сўзма-сўз ва эслаш орқали тўлдирилади.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш кўп жиҳатдан қуйидаги нарсаларнинг тўғри ҳал этилишига боғлиқ:

- нутқни ривожлантиришга доир дидактик материаллар (тарбиячи ва ота-оналарнинг маълум мақсадга қаратилган нутқи, болаларга ўқиб ёки айтиб бериладиган эртаклар, қўшиқлар, ҳикоялар);
- таълимнинг дидактик материалларни ўзлаштириш учун фойдаланиладиган метод ва усуллари;
- таълимни ташкил этиш (теварак-атроф объектларини саралаш, шунга боғлиқ нутқ ўстиришни режалаштириш).
- ўқув материалининг мазмуни, уни ўрганишнинг айрим усуллари ҳамда уларга тегишли тамойилларга таяниб, тарбиячи нутқ ўстириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни режалаштирмоғи зарур.

Биз айни муаммога оид тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнида нутқ ўстириш борасида қуйидаги дидактик тамойилларга таяниб иш кўриш яхши натижа беради деган хулосага келдик:

- нутқ органлари ҳамда қўлни ўргатиш учун нутқ материалини тушуниш;
- нутқ аҳамиятини тушуниш ҳамда лексик ва грамматик кўникмаларни ривожлантириш;
- нутқ ифодалилигини баҳолаш. Бунинг учун мактабгача ёшдаги катта болаларда муайян ҳиссиётни ривожлантирадиган дидактик материалларни танлаш мақсадга мувофиқдир;
- она тилига муҳаббат туйғусини ривожлантириш тамойили (бу ўринда болаларга, хусусан, нутқда она тили фактларини қўллаш анъанасини ўзлаштириш бўйича таълимни ташкил этиш назарда тутилади);
- муайян мавзуга оид ёзма нутқни оғзаки нутқ билан қиёслаш;
- нутқнинг аста-секин бойиб бориши.

2.Болалар нутқини ўстириш бўйича ишларни режалаштириш.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш – бу мураккаб психологик жараён бўлиб, у фақат боланинг эшитган нутқига тақлид қилишидан иборат эмас. Бу жараён болаларда умуман мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва биринчи навбатда, мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир.

Боланинг борлиқнинг янги томонларига йўналтирилганлиги: амалий фаолиятдан оламни, сўнгра одамларни, уларнинг муносабатларини ўрганишга ўтиш янги мақсадларга хизмат қилувчи янги мулоқот воситалари заруратини келтириб чиқаради. Бола лексикасини кенгайтириш, унинг ўз кечинмаларини янада кенг ва хилма-хил ифодалашни ўзлаштириши учун имконият яратади. Нутқни замонавий ва тўлақонли ривожлантириш учун атрофдаги одамлар билан ўзаро ҳамкорлик боланинг мулоқотга бўлган эҳтиёжи таркибини бойитиши зарур. Болаларнинг нутқни эгаллаб олишларининг сабаби уларнинг мулоқот фаолиятларининг асосини эҳтиёж-мотивация ташкил қилиши, унинг таркиби ўзгарганлигидадир. Вербал босқичда болада суст нутқ шаклланади. Ушбу босқичга бўлган даврнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, унинг ичида навбатдаги босқич – фаол нутқ пайдо бўлиши босқичига ўтиш учун зарур бўлган шароит вужудга келади.

Боланинг фаол нутқни ўзлаштиришининг иккинчи босқичида учта асосий жиҳат ажралиб чиқади: эмоционал муносабатлар; биргаликда фаолият (ҳамкорлик) давомидаги муносабатлар; товушли муносабатлар.

Боланинг катталар билан мулоқот қилишининг кўриб чиқилаётган ҳар бир жиҳати унинг олдига катталар томонидан қўйилаётган ва сўздан жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш учун шартли равишда қабул қилинган восита сифатида фойдаланишни талаб қилишдан иборат бўлган коммуникатив вазифани қабул қилишига ёрдам беради. Бундан ташқари, коммуникатив омилнинг кўриб чиқилаётган ҳар бир жиҳати у ёки бу даражада ва ўз ҳолича болаларнинг коммуникатив вазифани ҳал этишларига, яъни нутқдан фойдаланишларига ёрдам беради. Нутқни ривожлантиришнинг учинчи

босқичида-унинг материяси (лексика ва грамматика) боланинг мулоқот вазифасини ўзгартирган ҳолда катталар билан мулоқотга бўлган эҳтиёжига ва унинг таркибига узвий боғлиқ бўлади. Бу бола нутқининг янги, янада мураккаб ва кенг қамровли жиҳатларини ўзлаштиришига олиб келади.

Боланинг руҳан шаклланишида нутқнинг ҳал қилувчи ўринни эгаллаши унинг турли босқичларда ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг аҳамиятини янада оширади. Нутқ ривожини ҳаракатлантирувчи кучлар ҳақидаги масала улар шиддат билан ва тўсатдан амалга оширилиши туфайли ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Болалар нутқини ривожлантиришни рағбатлантирувчи ёки уни секинлаштирувчи кучларни аниқлаш ушбу жараёнда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда педагогик саъй-ҳаракатларни уюштириш калитидир.

«Ҳақиқатдан ҳам, тил билан тафаккур бир-бирисиз яшамайди, - деб ёзади А. М. Бородич - Гарчи тил билан тафаккур бир-бирисиз яшай олмаса ҳам улар ўзида айнан бир ҳодисани ифодаламайди. Тафаккур- объектив борлиқнинг интиҳоси, тил эса- фикрни бошқа кишиларга етқазиш ва мустаҳкамлаш воситаси. Сўз билан тушунча диалогик тарзда бир-бирини тақозо этади». Маълумки, мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш фаолиятнинг ҳар хил турларида амалга оширилади: табиат объектлари билан таништириш машғулотларида; савод ўргатишда; ўйин фаолиятида; ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида турли ишларнинг бажарилишида. Бироқ А.М.Бородич, Ф.А.Сохин, Е. И. Тихеева, О.С.Ушакова, А.П.Усова, А.П.Федоренко ва бошқа тадқиқотчилар кўрсатиб ўтганларидек, нутқни ривожлантириш маҳсус режалаштирилган ва ташқил этилган машғулотларда амалга оширилиши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, машғулотларни ташқил этишда энг маъқул натижаларга эришиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур бўлади: машғулотларни уларнинг мақсади, мазмуни ва ўтқазилиш муддатини ҳисобга олган ҳолла режалаштириш; болаларнинг аналитик-синтетик характердаги нутқий вазифаларни ечиш машғулотларида мустақил фаолиятларини аниқ белгилаш, предметлар ўртасида алоқалар ўрнатиш, ўхшашликларини ажратиш; тарбиявий характердаги аниқ масалаларни ҳал этиш машғулот мазмуни, вақти ва ўтказиш методини аниқ белгилаш; болаларда нутқни шакллантиришга оид машғулотларга қизиқиш ўйғотиш; режалаштирилган машғулотлар ўртасида изчилликка риоя қилиш.

Маълумки, нутқда белгиларни қўллаш анъанаси ҳеч ким томонидан бошқарилмайди. Вужудга келган анъанани эслаш ва ундан фойдаланиш керак. Шунинг учун ҳам, нутққа эга бўлиш учун тил белгиларидан фойдаланиш анъанасини (уларнинг комбинациялари,бир-бирини алмаштира олишни билиш лозим. Ана шу муносабат билан тадқиқотчилардан Л.П.Федоренко ва Г.А. Фомичевалар методик жиҳатдан муҳим ғояни илгари суради: «Болани нутққа ўргатиш, - деб ёзади улар, - унга тил материясини (нутқ органларини машқ қилдириш) тил белгилари, лексик ва грамматик белгилар (интеллектни машқ қилдириш) маъносини тушунишни осонлаштириш, лексик ва грамматик белгилар ёрдамида (эҳтиром ва туйғуларни машқ қилдириш) борлиқни

баҳолашни ифодалашни ўргатиш, адабиий меъёрларини эслашни осонлаштиришга кўмак бериш демакдир». Бола томонидан нутқни ўзлаштиришга асосли ёндашув билан келишган ҳолда биз шунга эътиборимизни қаратдикки, ушбу қўлланма муаллифлари тез-тез «ёрдам бериш», «машқ қилдириш» ва бошқа ибораларни қўллайдилар-у, бироқ қай тарзда ёрдам бериш, машқ қилдириш мумкинлигига кам эътибор қаратадилар.

Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлаш учун унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олиш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур.

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири болаларнинг ўз халқининг бадиий тилини ўзлаштириб олишлари натижасида уларнинг тўғри оғзаки нутқини шакллантиришдан иборатдир. Бу умумий вазифа қуйидаги махсус вазифалардан иборат: нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, луғатни бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тўғрилигини такомиллаштириш, оғзаки (диалогик) нутқни шакллантириш, равон нутқни ривожлантириш, бадиий сўзга қизиқишни тарбиялаш, савод ўргатишга тайёрлаш. Болалар нутқини ривожлантиришни тегишли дастур асосида амалга ошириш зарур. Ушбу дастурда атроф-олам ҳақидаги билимлар доираси ва луғат ҳажми, ҳар бир ёш босқичида болаларда шаклланиши лозим бўлган нутқий маҳорат ва кўникмалар белгиланган бўлиб, у шахснинг муайян сифатларини (киришимлилик, хушмуомалалик, саломлилик, босиқлик) тарбиялашни кўзда тутиши лозим.

Нутқни ривожлантириш дастури илмий асосларга қурилган бўлиб, у бутун мазмуни билан бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Нутқни ривожлантириш дастури бола фаолиятининг ўқув, ўйин, меҳнат ва маиший каби шаклларида амалга ошади. Жамоат тарбияси шароитида таълим - бола нутқини шакллантиришнинг етакчи воситаси ҳисобланади. Она тилини ўқитиш – болаларнинг билиш қобилиятини режали, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ривожлантириш, уларнинг атроф-олам ҳақидаги энг оддий билимларни ва тегишли луғатни ўзлаштириш, нутқий маҳорат ва кўникмаларни шакллантириш жараёнидир. Мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг асосий шакли – машғулотлардир.

Дидактик мақсадлар бўйича қуйидаги машғулотлар турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- янги материални маълум қилиш машғулоти;
- билимлар, маҳорат ва кўникмалар мустаҳкамлашга оид машғулотлар;
- билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга оид машғулотлар;
- якуний машғулотлар ёки ҳисоб-текширув (назорат) машғулотлари.

Болаларга она тилини ўқитишга доир машғулотлар ҳар бир гурухда болаларнинг ёш имкониятларини ва ҳар бир боланинг нутқий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки билимлар мазмуни, уларнинг таркиби, метод ва усулларни танлаш, ҳафтасига

ўтказиладиган машғулотлар сони, ҳар бир машғулотнинг давомийлиги шунга боғлиқ бўлади.

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантиришга доир машғулотларни дидактик ўйинлар, эрмак ўйинлар, саҳна кўринишлари шаклида ўтказиш тавсия қилинади. Улар нафақат кўнгилочар тусга, балки албатта, таълим тусига эга бўлиши лозим.

3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантириш эмоционал тусга эга бўлиши лозим. Бунда кўргазмавийлик, ўйин усуллари ва дидактик ўйинларни кенг қўллаш зарур.

5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантиришга доир машғулотлар муайян вазифага эга – яъни, у болаларни мактабда ўқишга тайёрлашни кўзда тутади.

Машғулотларда педагог нутқий вазифалардан ташқари ўқув фаолиятини йўлга қўйиш қобилиятини шакллантириш (диққат-эътиборли бўлиш, педагог топшириғини тинглаш, тушуниш ва уни аниқ бажариш, болалар жамоаси олдида фикр олдира олиш, тенгдошининг жавобига оддий баҳо бера олиш ва ҳ.к.) вазифасини ҳам бажаради.

Тўғри таълим берилган тақдирда етти ёшга келиб бола оғзаки нутқни эгаллайди ҳамда катта ёшли яқинлари ва тенгдошлари билан эркин мулоқотга кириша олади; диалогда ташаббус кўрсатиб фикр билдиради, суҳбатдоши эътиборини ўзига жалб қилиш, унга сўз, ҳаракат ва сўзсиз усуллар билан жавоб бера олишни билади; фикрларини тўлиқ ва нотўлиқ оддий гаплар, қисқа матнлар шаклида ифодалай олади;

- таниш эртакларни ҳикоя қилиб бериш, мултфилмлар, китоблар мазмунини айтиб бериш ҳамда бирон-бир воқеани тўқиб чиқаришга қизиқа бошлайдилар;

- фикр билдиришларда нутқнинг турли қисмларини, ташбеҳлар, қиёслашлар ва синонимларни қўллайди;

- нутққа танқидий муносабат билдира бошлайди, грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади, шу туфайли сўз тўқиш барҳам топади,

аграмматизмлар сони камаяди; она тилидаги барча товушларни тўғри талаффуз этади.

Болалардаги кўплаб нутқий мулоқот ва кўникмалар машғулотлардан ташқарида шаклланади. Болалар боғчасида болаларнинг катталар (педагоглар, тиббиёт ҳамширалари, тарбиячи ёрдамчиси ва бошқ.) билан мулоқоти ҳар хил фаолият турларида рўй беради.

Меҳнат жараёнида – хўжалик-маиший, қўл ва қишлоқ хўжалиги меҳнатида болаларнинг луғати бойийди, аниқлашади ва фаоллашади.

Ўйин фаолияти мобайнида педагог уларда мустақил нутқий фаолиятни шакллантиради. Болаларда луғат, машғулотларда олинган билим мустаҳкамланади ва фаоллашади. Ўйинларда педагогнинг иштирок этиши луғатнинг бойишига, нутқий мулоқот маданиятини тарбиялашга ёрдам беради.

Қурилишга оид ўйинларни ташкил этиш жараёнида тарбиячи болалар учун қийин бўлган сўзларнинг (сифатни, миқдорни, ҳажмни ва нарсаларнинг фазода жойлашувини белгилаш ва бошқ.) катта гуруҳини аниқлаштиради, фаоллаштиради. Матнли, ҳаракатчан мусиқий ўйинлар, саҳналаштириш ўйинлари бола нутқининг ифодалилигини шакллантириш, тўғри суръат, нафас олиш, яхши дикцияни машқ қилишда ёрдам беради. Кўпгина ўйинлар жараёнида болалар бадиий матнлар билан танишадилар, эсда сақлаб қоладилар ва уларни мустақил равишда қўллай бошлайдилар.

Дидактик ўйинлар ёрдамида болаларда атроф-олам ҳақидаги билимлар мустаҳкамланади, луғат мустаҳкамланади, аниқлаштирилади ва фаоллаштирилади. Дидактик ўйинлар нутқий маҳорат ва кўникмаларни машқ қилишда (ибора тузиш, сўзни ўзгартириш, ҳикоя тўқиш ва ҳ.қ.) қўлланилади.

Маиший фаолият боланинг катталар билан мулоқоти учун улкан имкониятлар яратади. Маиший фаолият нутқни ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қилиши учун педагог уни бошқариши лозим. Тўғри ташкил этилган маиший фаолият жараёнида (овқатланиш, кийиниш, гимнастика, саёҳат ва ҳ.к.), яъни, агарда педагог, айниқса, кичик гуруҳлар педагоги маиший буюмлар номларини, уларнинг қисмлари, сифати, хусусияти, қўлланиш мақсадини батафсил тушунтирса, улар билан тегишли ҳаракатларни амалга оширса ва буни шарҳлаб берса, болаларга савол берса, уларга маиший луғатдан фойдаланишни ўргатса болаларнинг луғати бойийди. Агарда педагог ўз нутқида қиёслаш, синонимлар, халқ оғзаки ижоди (мақоллар, маталлар, санақ шеърлар)дан кенг ва мохирона фойдаланса, унинг нутқи босиқ ва ифодали бўлади.

Болалар бадиий адабиёти болаларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади, у болалар нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

Болалар китоблари шеърий образларда болага жамият ва табиат ҳаётини, инсоний ҳис-туйғулар ва муносабатлар дунёсини очиб беради ҳамда

тушунтиради. Бадиий сўз бола нутқини бойитади, уни образли, ифодали қилади, жаранглаётган она нутқнинг гўзаллигини тушунишга ёрдам беради.

Болалар боғчасида нутқни ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида бадиий сўздан ташқари тасвирий санъат, байрамлар ва томошалардан фойдаланилади. Уларнинг қиммати шундаки, у ижобий ҳиссиётларни ҳосил қилади, бу эса ўз навбатида тилни ўзлаштириш даражасига таъсир кўрсатади. Қувонч ҳисси, ҳаяжонланганлик, кўтаринкилик ҳолати, ғайриоддий нарсани кутиш болаларнинг қабул қилиш қобилиятини оширади, материални эслаб қолишни кучайтиради, болалар нутқининг ифодалилигига таъсир кўрсатади. Суратлар, амалий санъат буюмларини томоша қилишда болалар кўп савол берадилар, олган таассуротларини атрофдагиларга айтишга ошиқадилар.

Болалар кун бўйи – машғулотларда, ўйинларда, хўжалик-маиший ва меҳнат фаолиятида ўз педагоглари билан мулоқотда бўладилар. Ўз-ўзидан болалар боғчасида нутқий муҳитнинг ривожлантириш имкониятлари бутунлай педагог нутқининг сифатига боғлиқ бўлади.

Намунали нутққа эга бўлиш – бу тарбиячининг касбий тайёргарлиги даражасидир. Шунинг учун ўз нутқини такомиллаштириш ҳақида қайғуриш – бўлажак педагогнинг ахлоқий ва ижтимоий бурчларидир. У ўзида барча нутқ кўникмаларини мукаммал шакллантириши ва уни келгусида болаларга бериши лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар, атрофдагиларга тақлид қилганлари ҳолда нафақат тўғри талаффузни, сўзни қўллаш, иборалар тузиш сирларини, балки катталарда учрайдиган нутқ номукаммалликларини ҳам ўзларига қабул қилиб оладилар.

Тарбиячининг болалар билан ва болаларнинг бир-бирлари билан мазмунли мулоқоти, болалар ривожини рағбатлантирувчи қулай тил муҳити, тўғри методлардан фойдаланиш - болалар боғчасида нутқни ривожлантиришга оид ишлар муваффақиятининг гаровидир.

Болалар боғчасида она тилидаги нутқни ривожлантиришнинг методик тамойиллари қуйидагилардир:

- ақлий ва нутқий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги тамойили;
- нутқни яхлит бир тузилма сифатида ривожлантириш тамойили;
- нутқий ривожланишнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили;
- болаларнинг фаол нутқий амалиётини таъминлаш тамойили;
- нутқни ривожлантиришга нисбатан муомалали ва амалий ёндашув тамойили;
- мулоқотнинг ижобий ва эмоционал муҳитини таъминлаш тамойили.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш – бу мураккаб психологик жараён бўлиб, у фақат бола эшитган нутққа тақлид қилишидан

иборат эмас, балки бу болада мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш қонуниятлари ҳақида гапириб беринг.
2. Болалар нутқини ривожлантиришнинг илмий асослари ҳақида нималарни биласиз?
3. Нутқ ўстириш борасида қандай дидактик тамойилларга таяниб иш кўрилади?
4. Болаларнинг нутқини ўрганишнинг энг қулай усулини айтинг?

3-Мавзу. Турли ёш босқичларида нутқини ўстиришнинг вазифалари

Таянч тушунчалар: *Психолингвистик адабиётлар, ярим тиллилик, ижтимоий кутиш, коммуникатив йўналтирилганлик, ижтимоий вазият, эмоционал кечинмалар, эрмак ўйинлар, дикция, эмоционал экспрессия, эмпатия*

1. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари. Уч-беш ёшли болаларда катталарнинг меҳрига, уларнинг тушунишига ва у билан мулоқот қилишига эҳтиёж сақланиб қолади. Катталарга нисбатан ишончга асосланган мулоқот ва унинг эмоционал аҳволини (қувонч, завқ-шавқ, қайғу, хотиржамлик, жаҳлдорлик ва ҳ.к.) ҳис қилишга, кайфият ўзгарганлиги сабабларини тушунишга қодирлик ривожланади. Катталар билан мулоқотнинг янги шакли – қизиқарли мавзуларда мулоқот қилиш вужудга келади ва ривожланади. У дастлаб катталар билан биргаликдаги билиш фаолиятига (масалан, ўйин, предметлар ва ўйинчоқлар билан тажриба ўтказиш, қоғоздан ва табиий материалдан нарса ясаш ва бошқ.) қўшилиб кетган, сўнгра, бола ҳаётининг бешинчи йили охирига келиб муайян вазият билан боғлиқ бўлмаган билиш мавзуларидаги «назарий» мулоқот кўринишига эга бўлади.

Болаларнинг катта ёшли одам билан мулоқотга бўлган эҳтиёжининг қондирилмаслиги улар ўртасида эмоционал жиҳатдан бегоналашувга олиб келади. У турли кўринишда намоён бўлади: баъзи болалар индамас, ҳуркак, арзимаган нарсага ҳам йиғлаб юборувчи бўлиб қоладилар; бошқалари эса – негативизм, тажовузни намоён қилишади.

Бола ҳаётининг тўртинчи йилида тенгдоши унинг учун энг аввало, биргаликдаги амалий фаолият (расм чизиш, нарса ясаш, тузиш ва ҳ.к.) иштирокчиси, ўйиндаги шерик сифатида қолаверади. Бола тенгдошига энг оддий талаблар, илтимослар билан мурожаат қилади ва тенгдошининг ҳаракатига баҳо беради. Беш ёшли болалар тенгдошларининг ҳадеб у ёки бу нарсани сўраб, жонга тегишини салбий баҳолайди.

Беш ёшга келиб, тенгдошлари билан мулоқотга ва улар билан болалар жамиятини вужудга келтирадиган биргаликдаги ўйинларга бўлган эҳтиёж кескин ортади. Бола ҳаётининг бешинчи йилига келиб, у ўз тенгдошлари ўртасида ўз ўрнини англай бошлайди. Коммуникатив қўникма ривожланади: бола саломлашади ва хайрлашади, дўстини исмини айтиб чақиради, тўрт-беш ёшларга келиб – шеригини у ўйнаётган рол номи билан чақиради («ҳой, шофёр, арқон ғилдиракнинг тагига тушиб кетди»).

Катталар ва тенгдошлар билан мулоқот қилиш болага ўзининг «мен»ини англаш имконини

Уч яшар бола нутқини ривожлантиришга оид вазифалар:

- боланинг имкон доираси ва ундан ташқаридаги нутқ воситалари билан фаол мулоқотга киришиши, катталарнинг савол ва таклифларига жавоб бериши, ўз истак-хоҳишлари, ҳиссиётлари, фикрларини ифода қилган ҳолда ташаббус кўрсатиб фикр билдиришга интилишини қўллаб-қувватланг;
- тенгдошлари ишларига қизиқиши, ўз таассуротларини улар билан ўртоқлашишни исташи, ўйин ҳаракатлари, рўй бераётган ҳодисага муносабатини нутқ билан ифодалашга қизиқишини рағбатлантиринг;
- болангизнинг луғат заҳирасини кишилар, ўсимликлар, озиқ-овқатлар, кийим-бошлар, мебеллар, уй ҳайвонлари, ўйинчоқлар, нарса-буюм қисмлари (кўйлак енги, чўнтаклари ва ёқаси; машина эшиги ва ғилдираги кабилар) номлари билан бойитиб боринг. Гапда сўзларни бир-бирига тўғри боғлашни (масалан, «Уйда кетди» эмас, «уйга кетди», «**Кеча** бораман» эмас, «**Бугун** бораман») ўргатишга алоҳида эътибор беринг;
- болаларни унли ва ундош товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатинг.

Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари**.** Боланинг катталар ва тенгдошлари билан мулоқоти тўлақонли ижтимоий ривожланишнинг муҳим шартидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, болада мулоқотга интилиш, мулоқот бўйича шерикларининг талабига жавоб бериш, ижтимоий жиҳатдан ўзини тутишга мослашувчанлик ва хушмуомалалилик каби ҳислатларни тарбияламоқ зарур.

Катталар (ота-оналар, педагоглар) шуни тушунишлари лозимки, қатор ҳолатларда салбий мулоқот тажрибаси болани бирон-бир ҳаракатга ундамайди, балки болани инсоний муносабатлар оламида ўзини кўрсатишдан «айнитади», ҳимоя механизмлари – ўзи билан инсоний олам ўртасидаги «девор», атрофдаги оламни «кўрмаслик» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин: бола одамлар ҳақидаги саволларга жавоб бермайди, суратларда одамларни «кўрмайди», одамлар ва ҳайвонларни тасвирловчи ўйинчоқлар билан ўйнамайди. Мулоқотдан фаол бош тортаётган боланинг дунёсига қўпол аралашиш салбий оқибатларга ва тажовузга олиб келади. Салбий кечинмалар чўққисида ўзига нисбатан тажовуз туғулади.

Болага оилада ва мактабгача таълим муассасасида психологик жиҳатдан қулай бўлиши, унинг катталар ва тенгдошлари ўртасида эмоционал жиҳатдан қулай муҳит яратиш, улар билан ўзаро муносабатлардан қувонч ва завқ олишлари учун қуйидагилар зарур:

- болага катталар ва тенгдошларининг турли эмоционал ҳолатдаги ҳиссиётлари ва кечинмалари оламини очиб бериш;
- боланинг бошқа болалар билан ишонган ҳолатда мулоқот қилиши учун шароит яратиш;
- қувончли, қайғули, хотиржам, эмоционал ҳолатини кўриш ва тушунишга бўлган интилишни ривожлантириш;
- ўзини тутиб туриш ва ғазаб, қўрқув, жаҳл ҳисларини ижтимоий жиҳатдан мақбул шаклда намоён қилишни ривожлантириш (бошқа болани туртмаслик, урмаслик, ўйинчоқни қўлдан тортиб олмаслик ва ҳ.к.);
- жамиятда қабул қилинган мулоқот усулларидан фойдаланиш кўникмасини тарбиялаш: очиқ чеҳра билан саломлашиш ва хайрлашиш, ўз илтимос ва таклифларини хушмуомалалик билан билдириш; ёрдам берганлик, меҳмон қилганлик учун, ўйинчоқни бериб турганлик учун миннатдорчилик изҳор қилиш; ўртоғининг илтимосига хушмуомалалилик билан жавоб қайтариш; жавобини хотиржамлик билан тинглаш; ўртоғини хафа қилмайдиган оҳангда ўз норозилигини изҳор қилиш.

Педагогик ишлар тўғри ташкил қилинганида мактабгача ёшдаги бола беш ёшга келиб ижтимоий ривожланишнинг қуйидаги кўрсаткичларига эга бўлади:

- инсоний муносабатларни тушунади, атрофдагиларнинг унга нисбатан яхши ва ёмон муносабатларини ҳис қилади ва англайди; ота-онасининг, тенгдошининг эмоционал аҳволидаги ўзгаришларни пайқайди; диққат-эътибор, ҳамдардлик изҳор қилади;
- «мен хоҳлайман!» вазиятга оид бевосита истагини тўхтатиб туришга қодир. Эмпатия (ҳамдардлик) ва эмоционал экспрессия (қувонч, қайғу ва бошқа ҳолатларни ифодалаш) хусусиятидаги кечинмалар бола хулқ-атвори ва мулоқотининг тартибга солувчисига айланади;
- болалар барқарор ўйин бирлашмаларига кириши мумкин, мулоқотда ва биргаликдаги фаолиятда қувонч, завқланиш, қайғу ва бошқа ҳолатларни ифодалаш учун эмоционал экспрессив нутқий ва нонутқий воситалардан фойдаланади.

3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар нутқини ривожлантириш эмоционал тусга эга бўлиши лозим. Бунда кўргазмалилик, ўйин усуллари ва дидактик ўйинларни кенг қўллаш зарур.

Нутқий мулоқотни ривожлантириш. Болалардаги кўплаб нутқий *мулоқот ва кўникмалар* машғулотлардан ташқарида шаклланади. Мактабгача талимда болаларнинг катталар (педагоглар, тиббиёт ҳамширалари, тарбиячи ёрдамчиси ва бошқ.) билан мулоқоти ҳар хил фаолият турларида рўй беради.

Меҳнат жараёнида - хўжалик-маиший, қўл ва қишлоқ хўжалиги меҳнатида болаларнинг луғати бойийди, аниқлашади ва фаоллашади.

Ўйин фаолияти мобайнида педагог уларда мустақил нутқий фаолиятни шакллантиради. Болаларда луғат, машғулотларда олинган билим мустаҳкамланади ва фаоллашади. Ўйинларда педагогнинг иштирок этиши луғатнинг бойишига, нутқий мулоқот маданиятини тарбиялашга ёрдам беради.

Қурилишга оид ўйинларни ташкил этиш жараёнида тарбиячи болалар учун қийин бўлган сўзларнинг (сифатни, миқдорни, ҳажмни ва нарсаларнинг фазода жойлашувини белгилаш ва бошқ.) катта гуруҳини аниқлаштиради, фаоллаштиради.

Матнли, ҳаракатчан мусиқий ўйинлар, саҳналаштириш ўйинлари бола нутқининг ифодалилигини шакллантириш, тўғри суръат, нафас олиш, яхши дикцияни машқ қилишда ёрдам беради. Кўпгина ўйинлар жараёнида болалар бадиий матнлар билан танишадилар, эсда сақлаб қоладилар ва уларни мустақил равишда қўллай бошлайдилар.

Машғулотнинг таҳлили:

Тарбиячи дастур бўйича капалакнинг янги тури «Бахмал капалак» ҳақида болаларга билим берди. Машғулотда солиштириш методидан фойдаланилди (Яъни, оддий капалак бахмал капалак билан солиштирилди).

Машғулот савол-жавоб тарзида бошланди. Янги билим бериш билан тугатилди.



2. Мактабгача ўрта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга таълим – тарбия беришда теварак атроф билан таништириш ва нутқни ривожлантириш бўйича олиб бориладиган ишлар катта ўрин эгаллайди. Бу ишлар фақат машғулотлардагина амалга оширилмасдан, балки болаларнинг кундалик ҳаётида ҳам, меҳнат фаолиятида ва ўйин фаолиятида амалга оширилади.

- боланинг ўз қариндошлари, қўшни тенгдошлари шахсига ва фаолиятига қизиқишини қўллаб-қувватлаш, биргаликдаги ўйинларда уларнинг диалогик нутқини йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- турли мулоқот воситалари, яъни - сўз, юз ифодаси (имо-ишора)дан муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ҳолда фойдаланишни ўргатиш;
- болаларнинг эртак ва кичик ҳикояларни сўзлаб беришга қизиқишини қўллаб-қувватлаш;
- болани “товуш”, “сўз”, “гап” атамалари билан таништириш кабилардан иборат.

Ўрта гуруҳда боланинг нарса (буюмлар) тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириш бўйича мукаммал иш олиб бориш кўзда тутилган. Бу гуруҳ болаларининг фаол луғати нарсаларнинг номларини, қисмларини, уларнинг сифатларини ва хусусиятларини (ранги, шакли, узунлиги, ташқи кўриниши ва бошқалар) ҳамда фазо ва вақтни билдирувчи сўзлар ҳисобига бойиб боради. Болаларнинг ўз нутқларида умумлаштирувчи сўзларни, яъни кийим-кечак, оёқ кийим, мебел, идиш-товоқлар, сабзавотлар, мевалар, гуллар, қушлар, ҳайвонлар ва ҳоказоларни ишлатишга ўргатилади; таниш буюмларни гуруҳлашга ва уларни таснифлашга (идиш товоқлар, чой идишлар, овқат сузадиган идишлар, ошхонада ишлатиладиган идишлар, оёқ кийимлар, қишки ва ёзги кийимлар) ўргатилади.

4-5 ёшли болалар жамият ҳаётининг айрим ҳодисалари билан таништирилади, кишилар меҳнати, уларнинг касблари, меҳнат қуроллари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништирилиб борилади ва бунинг натижасида уларнинг луғатларига меҳнат фаолиятининг хусусиятларини, ишчилар (меҳнаткашлар) ўртасидаги ўзаро муносабатларини билдирувчи сўзлар киритиб борилади.

Ўрта гуруҳда она шаҳрига, қишлоғига бўлган қизиқиш ва муҳаббатни тарбиялаш давом эттирилади. Уларнинг нутқида жамоат биноларининг номларини билдирувчи сўзлар фаоллаштириб борилади: почта, мактаб, дўкон, кино-театр ва ҳоказолар, фаоллаштириб борилади ҳамда шаҳар ва қишлоқларни, ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган меҳнат фаолиятларини билдирувчи сўзлар ҳисобига (янги кўприк қуришяпти, шаҳар боғи ташкил қилинди) луғатлари бойитиб борилади. Бола тилининг луғат таркибини эгаллаш билан бирга унинг грамматик қурилишини ҳам эгаллай бошлайди.

Ўрта гуруҳ ёшдаги бола нутқи учун қуйидаги хусусиятлар хосдир: Бола беш ёшга этганда унинг фаол луғати бойиб, муносабат доираси кенгайиб, оддий ёйиқ гаплардан фойдалана бошлайди. Сўз туркумларидан отни тез ўзлаштиради, вақт, сон шахс каби категориялардан фойдаланади, содда ва мураккаб жумлалар тузади. Тўрт ёшли болалар ўз нутқларида боғловчиларни ишлата бошлайдилар, отларни кўплик, бирлик, бўлишли, бўлишсиз шаклларда ва турли келишикларда тўғри ишлата оладиган бўладилар. Отлардан сўнг сўз туркумларидан феъларни ва сифатларни ўзлаштира бошлайдилар. Лекин янги ўзлаштирилган сўзларни ҳамма вақт ҳам янги грамматик шаклда эслаб қола олмайди, ёйиқ гапдан фойдаланган вақтда унинг мазмуни ва шаклини текшириб улгура олмайди. Феъларнинг замонга қараб ўзгаришини (ҳозирги, ўтган ва келаси замон) тезда тўғри ўзлаштириб ололмайдилар, нутқларида феъларнинг замон қўшимчаларини алмаштириб юборадилар. Айрим болалар нутқида гапларидаги сўзлар бир-бирига тўғри боғланмайди, айрим сўз туркумларини тушириб қолдирадилар.

Тўрт ёшли болаларни сўзлашув (диалог) нутқига ўргатишда болаларга берилган саволларга битта-биттадан жавоб беришга, жамоа бўлиб сўзлашишга, суҳбатда қатнашишга, ўртоғининг жавобини қунт билан тинглашга ва саволлар беришга ўргатилади. Ўрта гуруҳда боғланишли нутқни ривожлантиришда янги вазифа, яъни ҳикоя қилишга ўргатиш киритилади. 4-5 ёшли болаларни буюмларни тасвирлашга (ўйинчоқларни, ўсимликларни, кийимларни), уларнинг ўзига хос белгиларини айтишга, болаларга таниш бўлган қисқа эртакларни (масалан: «Эчки болалари билан»), машғулотларда биринчи мартда ўқиб берилган унча катта бўлмаган ҳикояларни қайта ҳикоя қилишга ўргатилади.

4-5 ёшли болалар нутқнинг товуш томони айрим хусусиятлари билан ажралиб туради: биринчи хусусияти шундан иборатки, улар бошқа кишилар нутқидаги товушларни тез идрок этадилар, иккинчи хусусияти эса товуш талаффузидаги камчиликларни сезиш қобилияти етарли ривожланмаган бўлади ва учинчи хусусияти ҳали болаларда артикуляция аппарати етарли даражада ривожланмаган бўлади. Бу ёшдаги болаларда нутқ, товуш маданиятини тарбиялаш, асосан, фонематик эшитишни ва она тилидаги ҳамма товушларни тўғри талаффуз этишни шакллантиришга қаратилгандир.

Нутқнинг мазмундорлиги, интонацион ифодалилиги, овоз кучи, темпи, сўзларда урғуларни тўғри ишлатиш, гапирганда тўғри нафас олиш, ва чиқаришни ҳам тарбиялаш зарур. Айниқса, ҳуштакли (с-з), шовқинли (ш, ж, ч) ва сонор товушларни (л, р) тўғри талаффуз этилишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Ўрта гуруҳда болаларнинг бадий адабиётга бўлган қизиқиши ривожлантириб борилади. Уларга китоб ўқиб берилади, ҳикоя қилинади, китобдаги расмларни кўриб чиқиш, уни тўғри идрок қилиш ўргатилади. Тарбиячи болаларга асар мазмунини тушуниб олишига, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олишга ёрдам беради, бадиий сўз жозибасини ҳис эта олиш қобилиятини тарбиялайди. Болаларни қисқа шеърларни бадиий айтишга ва хотирада сақлаб қолишга (ёд олишга) ўргатади.

Мактабгача ўрта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари. Илк турдаги нутқий ривожланишда 4-5 ёшдан махсус тайёргарликсиз ҳикоя қилиб бериш бошланади. Болалар сеҳрли эртаклар ва бўлган воқеаларни бир-бирига сўзлаб берадилар, ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда ўзига хос ҳикоялар тўқийдилар. Агарда бола етти ёшида таниш анъанавий эртакни (“Зумрад ва Қиммат», “Эгри ва Тўғри» каби) мустақил ҳикоя қилиб бера олса, ўйинчоқлар, суръатлар асосида кичик оғзаки иншо тўқий олса булар унинг нутқи етарли даражада ривожланаётганини билдиради.

Бола нутқини маънодош, шаклдош ва кўп маъноли сўзлар, умумлаштирувчи номлар билан бойитишга ҳаракат қилинг. Унга янги сўзларни ўзлаштиришига ёрдам беринг. Болада тўғри гапиришга интилишни қўллаб-қувватланг. Боланинг сўзларни тўғри талаффуз қилишига аҳамият беринг.

- тез айтиш ва қисқа шеърларда товушларни тўғри ифодалашига эришинг.

Унинг ифода, интонация суръати ва баланд-пастлигига риоя қилишга ўргатинг.

Юқорида баён қилинганлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, мактабгача катта ёшга етиб бола энг оддий нотиқлик сирларини ўргана бошлайди, ўз фикрларини мантиқан ва ифодали баён қилади, у нафақат сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва гап тузишни, балки сўзлар қайси товушлардан ва гаплар қайси сўзлардан ташкил топишини англаб олишни ўрганади. Буларнинг барчаси мактабда муваффақиятли таълим олиш, бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун зарурдир.

Ота-оналарнинг вазифаси эса фарзанди нутқининг тўғри ривожланиши учун ғамхўрлик қилишдан иборат.

Тарбиячи навбатдаги топшириқни бажаришга болаларни жалб этишдан аввал ҳар бил бола ҳақида қандайдир яхши сўз айтишга, уларни дадиллаштиришга ҳаракат қилиши керак. Масалан: «Қуёнларни боқишни Алишерга ишониб топшираман. Унинг қўллари жудаям саҳий!» «Одина-ғамхўр», «Мадина жуда хушчақчақ», «Ирода – меҳнатсевар» ва шунга ўхшаш болаларга берилган баҳолар уларда ўзига ишончни, хатти-ҳаракатларига баҳо бера олишни вужудга келтиради. Болалар ўзларининг яхши жавоблари ва аъло хулқлари билан жавоб беришга, ўз тенгдошларига нисбатан самимий бўлишга ҳаракат қиладилар.

3. Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш вазифалари. Бола тилининг грамматик тизимини ўз вақтида шаклланти риш – уни тўлақонли нутқий ва умумий психологик ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тилнинг грамматик тизимини бола предметли ҳаракатларни ўзлаштириш билан узвий боғлиқликда билишни ривожлантириш асосида эгаллайди. Мактабгача ёшдаги бола нутқининг грамматик тизимини шакллантириш морфология (сўзларни сонлар, келишикларга қараб ўзгартириш), сўз ҳосил қилиш (махсус воситалар ёрдамида бир сўз негизида бошқа сўзни ҳосил

қилиш), синтаксис (оддий ва қўшма гапларни тузиш) устидаги ишларни ўз ичига олади.

Болаларнинг грамматик ривожланиши бошқаришни педагог энг аввало ҳам боланинг ўзи билан (диалог шаклида), ҳам бошқа болалар билан биргаликдаги мулоқот фаолияти воситасида амалга ошириши лозим.

Болаларда грамматик тизимни – синтаксис, морфология, сўз ҳосил қилишни шакллантириш ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиб, уларни ривожлантириш учун педагог турли воситаларни қўллаши даркор. Морфология ва сўз ҳосил қилишни ўзлаштириш учун рағбатлантирувчи тил ўйинлари; синтаксисни ривожлантириш учун эса кенг фикр билдириш, мотивацияни яратиш муҳим.

Маълумки, болалар ўз иқтидорига қараб турлича даражада ривожланади ва ўз навбатида педагогнинг раҳбарлиги ҳам босқичли хусусиятга эга бўлади. Бола ҳаётининг бешинчи йилида педагог рағбатлантиришга (гап сўз ҳосил қилиш ва сўз ижодкорлиги хусусида бормоқда); олтинчи йилда – гап таркибини энг оддий таҳлил қилиш, нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантиришга (сўз ўзгартиришда); еттинчи йилда – ҳосила сўзлар ўртасидаги расмий-семантик муносабатларни оддий таҳлил қилишга, нутқий ижодкорликка, мураккаб синтактик тузилмаларни ихтиёрий тузишга алоҳида эътибор бериши лозим.

Дидактик ўйинлар ва грамматик мазмундаги машқлар болаларнинг тилга оид ўйинларини, уларнинг грамматика соҳасидаги фаоллигини рағбатлантиришнинг муҳим воситасидир. Педагог болаларга сўз бирикмасини ўйлаб кўриш, сўнгра гапда сўзларни бир-бири билан тўғри боғлаш қобилиятини ўргатиши зарур.

Болалар фикрларида мураккаб синтактик тузилмаларни шакллантиришни ёзма нутқ вазиятида, яъни бола матнни айтиб турадиган, катта ёшли киши эса, уни ёзиб борадиган вазиятда амалга ошириш тавсия этилади.

Болага бир турдаги тузилмалардан фойдаланмаган ҳолда сўзларнинг тўғри тартибини қўллашни ўрганишда ёрдам берадиган машқларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Муҳими, болада гап таркиби ҳақида ва ҳар хил турдаги гапларда лексикадан тўғри фойдаланиш ҳақида оддий тасаввурлар шаклансин. Бунинг учун болаларга гапда сўзларни бириктиришнинг турли усулларини, сўзлар ўртасидаги айрим мазмунли ва грамматик боғлиқликлардан фойдаланишни ҳамда гапни интонацион жиҳатдан расмийлаштиришни ўргатиш зарур.

Шундай қилиб, нутқнинг грамматик тизимини шакллантириш жараёнида синтактик бирликлар билан амаллар бажариш кўникмаси шаклланади, муайян мулоқот шароитида ва равон монологик фикрларни тузиш жараёнида тил воситаларини онгли равишда танлаш таъминланади. Бола тилининг грамматик тизимини шакллантириш унинг нутқи (тили) ривожланишининг умумий оқимида рўй бериши лозим; педагогик раҳбарлик шакллари ва методлари умумий нутқий ривожланишнинг босқичма-босқич хусусиятга эгалигини, энг

аввало, диалог ва монологни, сўзгача бўлган мазмунли-семантик тизимдан вазиятга оид ихтиёрий иборали нутққа ўтиш (ундан кейинчалик диалог ва монолог ривожланади), болаларнинг нутқий ҳаваскорлиги соҳаси сифатида тенгдошлар билан мулоқотнинг диалогик шаклларини ўзлаштиришни ҳисобга олиши лозим.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш мураккаб психологик жараён бўлиб, у фақат боланинг эшитган нутқига тақлид қилишидан иборат эмас. Бу жараён болаларда мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва биринчи навбатда, мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир. Нутқни ривожлантириш нафақат болани атроф-муҳит билан таништириш, балки уни умумий руҳий ривожлантириш учун ҳам зарур. Оилада бола нутқини ўстиришдан мақсад оғзаки нутқни адабий тил меъёрларига мувофиқ ҳолда эгаллаши, фаол нутққа киришишини таъминлашдан иборат. Фарзанд нутқини шакллантириш ва ривожлантиришда ота-она ўзи олдига қуйидаги вазифаларни қўйгани маъқул:

- фарзандида сўзлашиш одобини тарбиялаш;
- луғат бойлигини шакллантириш, бойитиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш;
- нутқни грамматик жиҳатдан шакллантириш ва ривожлантириш;
- равон нутқни такомиллаштириш;
- бадиий асарлар билан таништириш;
- савод ўрганишга тайёрлаш.

Гўдак нутқини шакллантиришнинг асосий генетик вазифаси – кичкинтойларда катта одам билан мулоқотга киришиш қобилияти ва воситаларини вужудга келтиришдан иборатдир. Эмоционал - эркин мулоқот ушбу ёшда етакчи фаолият тури ҳисобланади. Кичкинтой 2-2,5 ойлигидан бошлаб хатти-ҳаракатлари билан катталардан ўзи билан мулоқотга киришишни “талаб қила» бошлайди. Мулоқотнинг биринчи шакли – ҳиссий-эркин бўлиб, гўдакнинг атрофидагиларга нисбатан қизиқиши унинг ҳис-туйғуларга бой муносабати орқали тавсифланади. Мулоқотнинг бундай шакли бола ҳаётининг биринчи ярим йиллигига хосдир. Мулоқотнинг янада ривожланган иккинчи шакли – яъни, ҳиссий-воситали (вазиятли-амалий) шакли бола ҳаётининг иккинчи ярим йиллигида рўй беради. Бу мулоқот предметлар орқали воситали мулоқотга айлантирилади. Ушбу ёшда боланинг қизиқишлари атроф муҳитга йўналтирилади. Унда янги таассуротларга эҳтиёж пайдо бўлади. Бу ёшда нутқни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- болада катталарга нисбатан эмоционал боғлиқлик ва ишонч ҳиссини тарбиялаш;
- унинг ўзига нисбатан атрофидагиларнинг ижобий диққат-эътибор талаб қилишини қондириш;

• кичкинтойнинг қизиқишларини ривожлантиришга кўмаклашиш. Масалан: «Қўлинг қани? Қўлингни кўрсат! Ким келди? Аканг келдими?“ .

Ушбу даврда бола катталар кўмагида нарса-буюмлардан фойдаланиш усулларини ўрганади (қошиқ билан овқатланиш, пиёладан чой ичиш, қаламда расм чизиш, стулчага ўтириш ва бошқалар). Нарса-буюмлардан фойдаланиш эҳтиёжи нутқий мулоқотни талаб этади. Илк ёшда бола олдида турган асосий вазифа нарсалардан фойдаланиш усулларини ўзлаштириш асосида нутқни эгаллашдан иборат бўлади.

4. Мактабгача катта ёшдаги болалар билан мулоқот. Катта ёшли киши таъсирида болада мулоқотнинг янги – вазиятдан ташқари-шахсли шакли вужудга келади, унда бола «одамлар олами»га қараб иш тутади. Бола одамни жамиятнинг вакили деб билади, ижтимоий оламдаги ўзаро боғлиқликни ўзлаштиради.

Мулоқотнинг ушбу шакли вужудга келиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан болалар катталарнинг ўзаро муносабатлари, жамиятда ўзининг тутиш қоидалари билан қизиқадиган ўйинларнинг ривожланиши билан узвий даражада боғлиқдир. Мактабгача катта ёшдаги болалар фақат катталарнинг хайрихоҳ диққат-эътиборларига ва улар билан ҳамкорлик қилишга эмас, балки катталарнинг уларни ҳурмат қилишларига, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамдард бўлишиларига интилади.

Беш ёш чегарасида боланинг тенгдошлари билан мулоқотга киришиш, ўзини бошқалар билан таққослаш, тақлид қилишга эҳтиёжи кескин ортади. Фаолиятнинг ўзига ва тенгдош шерикларига бўлган қизиқишдан келиб чиққан ҳолда, бирон-бир ишда (ўйинда, маҳсулдор фаолиятда) иштирок этишга интилиш анча барқарор бўлиб қолади.

Тенгдошлар билан мулоқотда, ўйинда ва фаолиятнинг бошқа турларида ахборот алмашиш, функцияни режалаштириш, ажратиш ва мувофиқлаштириш, яъни биргаликда фаолият юритувчи болаларнинг умумлашувига кўмаклашувчи ҳаракатларнинг барчаси амалга оширилади. Ёш улғайгани сайин мулоқот мустақил аҳамият касб этиб боради, бу ҳол боланинг тенгдошларига ҳамдардлик билдириши, уларни тушуниши, эмоционал яқинлигида намоён бўлади.

Етти ёшга келиб бола тенгдошининг шахсга оид хусусиятларини ажрата бошлайди («қизиқарли ўйинлар ўйлаб топади», «Яхши югуради», «Жуда яхши, кулгили» ва ҳ.к.).

Етти ёшли болаларда, агарда улар мактабгача таълим муассасасида бир гуруҳда бир неча йил бирга тарбияланган бўлсалар, анча уюшган болалар жамияти мавжуд бўлади. Мактабгача ёшдаги кичик болаларга нисбатан мулоқот доираси анча кенгаяди. Ўйин гуруҳларининг барқарорлиги ортади, улардаги болаларнинг ўртача сони икки-уч кишига етади, баъзан, айниқса, ўғил болаларда 8-9 кишидан иборат ўйин гуруҳлари вужудга келади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив кўникмаларнинг юқори даражаси ва улардан ўринли фойдаланиш кузатилади. Улар томонидан таклифлар, илтимосларни асослаш учун келтириладиган далиллар, баҳолар ўз мазмунига кўра янада такомиллашиб боради.

Болалар ҳаётининг еттинчи йилида тенгдошлари билан дўстона муносабатларга бўлган эҳтиёж кескин ортади. Болалар ўз тенгдошларига нисбатан берадиган баҳолар умумлаштирилган хусусиятга эга бўлади ва бу мактабгача катта ёшдаги болаларнинг МТМдаги гуруҳ ҳаётига алоқадорлиги тобора ортиб бораётганидан далолат беради («Ҳамма билан дўст», «Агар болалар урушиб қолишса, яраштиради», «Агарда биронта болани хафа қилишса, унинг ёнини олади»).

Ахлоқ нормалари ва қоидаларини ўзлаштириб олиш натижасида болада шаклланадиган этик ўлчовлар унинг универсал инсоний қадриятларга муносабатини акс эттиради, бола уни фақат ўз шахсига нисбатан қўллаш билан чекланиб қолмайди.

Бола борган сайин катталарга қарам бўлмасдан мустақил бўлиб боради. Унинг ижтимоий тажрибаси бойийди, атрофдагилар билан ўзаро муносабатлари мураккаблашади. Бу унга ўзини, ўзининг афзалликлари ва камчиликларини тўлиқроқ англаб етиш имконини беради. Ўзи ҳақидаги билимлари чекланганлиги туфайли катталарнинг баҳоларини ишониб қабул қиладиган ва ўзини катта ёшли одамнинг фикри орқали қабул қиладиган илк ёшдаги ва мактабгача ёшдаги болалардан фарқли равишда, мактабгача катта ёшдаги болаларда ўзи ҳақидаги мустақил тасаввурлар ҳамда ўзини, ўз ҳаракатларини ва ташқи хусусиятларини баҳолаш элементлари пайдо бўлади.

Болага одамлар – катталар ва тенгдошлари оламини яқинроқ билиб олиш учун қуйидагилар зарур:

- катта ёшли одамнинг бола билан ҳамда болаларнинг бир-бирлари билан бадиий, мусиқий, театр фаолиятининг ҳар хил турларида (эртакларни саҳналаштириш, томоша кўрсатиш, бармоқли ва бошқа театр турлари) эмоционал жиҳатдан бой мазмунли мулоқоти;

- ўз яқинлари бўлган катталар ва тенгдошларига нисбатан ёқтириш, эмоционал боғлиқлик ҳиссиётларини, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамдард бўлиш туйғуларини тарбиялаш учун болаларнинг катталар ва бошқа болалар билан мулоқотга киришишга ундовчи шароитлар яратиш; уларнинг эмоционал ҳолатларини: қувонч, завқ-шавқ, қайғу, хотиржамлик, ғазаб, жаҳл, ташвишлиликни; амалий ва шахсий сифатларини; турли фаолият шаклларида, жамиятдаги ахлоқ қоидаларига риоя қилишдаги имкониятларини англаш учун; агарда бошқа одам чарчаган, унчалик соғлом эмас, ўзини ёмон ҳис қилаётган бўлса, нимагадир хафа бўлса, ташвишга тушган бўлса унга ҳамдардлик билдириш ва катталар ҳамда болаларнинг ифодали нутқига, ҳазилларга эмоционал муносабат билдиришни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни ҳосил қилиш;

- кишиларнинг театрда, музейларда, кўргазмаларда, транспортда, почтада, банкда, стадионда, дўконда ўзини тутишини кўрсатувчи ҳамда болаларнинг ахлоқ ва нутқий мулоқот қоидалари, нормаларига оид диафилмлар, шунингдек, махсус суратга олинган мактабгача таълим муассасасидаги катталар ва болалар, улар иштирокидаги ўйинлар, машғулотлар, байрамлар ҳақидаги видеофилмларни намойиш қилиш. Болаларда инсонлар оламига нисбатан қизиқишни ривожлантириш воситаси сифатида музейлар, театрлар, кўргазмалар, сайрлар, экскурсияларга бориш;
- катта ёшли одам, бошқа болаларнинг илтимосларини бажаришга интилишларини, таклифларга жавоб беришини қўллаб-қувватлаш. Катталар меҳнатига бўлган қизиқишни ва унинг ижтимой аҳамиятини қадрлаш, меҳнат натижаларини асраб-авайлаш, катталар билан биргаликдаги меҳнат фаолиятига қўшилиш қобилятини шакллантириш.

Боланинг катталар ҳамда тенгдошлари билан мулоқоти ва муносабатларини ривожлантириш, шунингдек ўзининг образи ва ўзига бўлган муносабат шаклланишида эришилган ютуқлар шахснинг ижтимоий лаёқатлилик ёки етуклик каби комплекс базавий хусусиятларида жамланади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг оғзаки нутққа доир, малака ва кўникмалари мавжуд бўлганлигини ҳисобга олиб, уларда боғланишли нутқни шакллантиришда, аввало, теварак-атрофни кузатишда нималарга эътибор беришимиз кераклигини аниқлаб олишимиз зарур. Булар аввало, она Ватан ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантиришдан бошланади. Бунда «Болажон» дастурида болаларда мустақил Ўзбекистон давлати ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш, унинг ўтмишига оид ёдгорликлар билан таништириш. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон каби тарихий шаҳарлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш, «Мустақиллик куни» (1991 йил 1 сентябрь), Ўзбекистон рамзлари — герби, байроғи, мадҳияси билан таништириш, Ўзбекистон Президенти, Президентлик бошқаруви ҳақида маълумотлар бериш, болаларнинг ўз маҳалласи, кўчаси, уйи, унинг номланиши, номланиш сабаби; Ўзбекистоннинг табиати, ер ости ва ер усти бойликлари, тоғлари, чўл ва адирлари, тоғу сойлари, ўрмону боғлари, иқлими, буюк сиймолари, саркардалари, улуғ мутафаккирлари, анъанавий байрамлари, сайллари, миллий маросимлари, ўзбек халқининг амалий санъати, катталар меҳнати, болаларнинг ота-оналари, ака-опаларининг Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги иштироки, ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳалари, алоқа воситаси ҳақида билим бериш назарда тутилган. Ана шуларнинг барчаси болаларнинг теварак-атрофдаги ходисалар ҳақидаги билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш асосида боғланишли нутқини ривожлантиришга ёрдам беради. Бизга маълумки, жуда кўп машқлар сайр пайтида уюштирилади.

Болада ўзига нисбатан ишончни ривожлантириш, қадр-қиммат туйғусини шакллантириш учун катта ёшли киши ўзининг бутун вужуди билан болани яхши тушунишини ва унинг ютуқларидан хурсанд бўлишини ва муваффақиятсизликларида ҳамдард бўлишини кўрсатиши зарур. Катталарнинг

меҳри ва тенгдошларининг хайрихоҳ муносабати болада ўзига нисбатан ҳурматни ҳис этишда ёрдам беради, ўзини кўрсатиш ва шахс сифатида ўсиш омили ҳисобланади, унда ўзининг ҳақиқий инсоний қиёфасини ифодалашга нисбатан интилиш ривожланишига кўмаклашади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Мактабгача кичик ёшдаги болалар билан мулоқот қай тарзда амалга оширилади?
2. Мактабгача ўрта ёшдаги болалар билан мулоқот қайтарзда амалга оширилади?
3. Мактабгача ёшдаги бола нутқнинг грамматик тизими қандай шакллантирилади?
4. Мулоқотнинг қандай воситаларини биласиз?
5. Мактабгача катта ёшдаги болалар билан мулоқот қай тарзда амалга оширилади?
6. Мактабгача катта ёшдаги болалар учун қандай машғулотлар ишланмаси тавсия этилган?
7. Мулоқот, тил, нутқнинг таҳлили ва ривожланиш асослари ҳақида нималарни биласиз?
8. Мактабгача катта ёшдаги болалар билан мулоқот.

4-мавзу. Равон нутқни ривожлантириш

Таянч тушунчалар: *равон нутқ, диалог мулоқот, муомала, индивидуаллараро, ички индивидуал, умуминсони,. акустик ва артикуляцион жиҳат, имитация методи.*

1. Равон нутқ тушунчаси ва уни ривожлантириш вазифалари. Равон нутқ — бу кишиларнинг мулоқотини ва ўзаро бир-бирларини тушунишларини таъминловчи мазмунан кенг ёйилган фикрдир. Равон нутқни фикрлар дунёсидан ажратиб бўлмайди: равон нутқ бу фикрлар равонлигидир, унда боланинг мантиқий фикрлаш, ўзи қабул қилаётганларини мулоҳаза қилиш ва уларни тўғри ифодалаш қобилияти акс этади. Равон нутқни шакллантириш, унинг вазифасини ўзгартириш мураккаблашиб бораётган бола фаолияти оқибати бўлиб, у боланинг атрофдагилар билан мулоқотга киришиш шароити, мулоқот шаклига боғлиқ бўлади. Мактабгача ёшда у мулоқот ва таълим жараёнида шаклланади. Равон нутқнинг шаклланиши илк ёшдан бошлаб аста-секин рўй беради. Болалар ҳаётининг дастлабки етти йилида атрофдаги кишилар билан мулоқот воситаси сифатида нутқнинг пайдо бўлиши ва уни ривожлантириш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тил миллатнинг ноёб хазинаси бўлиб доимо оғзаки ва ёзма ҳолда, намоён бўлган. Бой, ёрқин, мароқли нутқ сўзлаётган ким бўлишидан қатъий назар, нури ҳисобланади. Тилнинг олийжаноб имкониятлар нутқ орқали нутқ

жараёнида очилади. Нутқ бўлмас экан тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади. Сўз ва ғазал султони А.Навоий тил ва нутқ муносабатларини шундай изоҳлайди. «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса тилнинг манфаатидир».

Демак. Тил қанчалик зўр бўлмасин, у нутқ учун қурол сифатида хизмат қилар экан. Унинг куч, қудрати нутқ жараёнида намоён бўлар экан. Агар тил ўқ бўлса, нутқ камондир. Ўқнинг қудрати, камоннинг қудратига ҳам боғлиқ.

Маълумки тил инсон ақлининг, фаолиятининг энг олий ва асосий воситасидир. Чунки инсонни бошқа жонзотлардан ажралиб турадиган ҳам тил эмасми?! Шундай экан, инсон ақлий фаолиятининг энг олий махсуллари тафаккур мевалари тил, нутқ орқали рўёбга чиқади. Тил тафаккур маҳсулининг хаётга татбиқ этилиш воситаси бўлувчи қудратли қуролдир.

Нутқ вазифаси унинг онтогенездаги ҳақиқий ривожланиш жараёни босқичини акс эттиради, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эгадир:

1-вазифаси — шахслараро – кишилар ўртасидаги мулоқот воситасидир. Ушбу ҳолатда нутқ оғзаки нутқ – монолог, диалог, бир нечта одамлар суҳбати сифатида чиқади.

2-вазифаси — ички индивидуал – бу ерда нутқ кўплаб руҳий жараёнларни (фикрлаш, диққат-эътибор, хотира, тасаввур ва бошқ.) аниқ-тиниқ англаш даражасига кўтаргани ҳамда шахсга руҳий жараёнларни тартибга солиш ва назорат қилиш имконини бергани ҳолда уларни амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

3-вазифаси — умуминсоний – бу ўринда нутқ алоҳида бир одамга умуминсоний ижтимоий-тарихий тажриба хазинасидан ахборот олиш имконини беради. Ушбу ҳолатда у график рамзлар ва белгиларда моддийлаштирилган ёзма нутқдир.

Мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш икки шаклда амалга оширилади: а) эркин нутқий мулоқотда; б) махсус машғулотларда. Диалог кўпроқ эркин нутқий мулоқотда пайдо бўлади ва у болалар луғатини бойитишнинг талаффузга оид грамматик кўникмаларини табиий равишда ривожлантириш базаси, равон нутқ кўникмаларига эга бўлиш базаси ҳисобланади. Диалог махсус машғулотларда ўқитилади (ойига 1-2 та машғулот); таълим муассасаларида бўлиб турган вақти мобайнида бола эркин мулоқотда педагог ва бошқа болалар билан мулоқотга киришади. Уйда эса катталар бола билан турли мавзуларда диалогга киришишлари лозим. Диалогик нутқни (ёки оғзаки нутқни) ўргатиш одатда суҳбат шаклида, яъни катталар билан бола ўртасида ҳамда болаларнинг ўзлари ўртасида фикр алмашиш шаклида рўй беради.

Диалогик равон нутқни ривожлантиришга доир махсус машғулотлар суҳбат методи (суҳбат) ва имитация методи асосида ўтказилади. Мазкур методлар кўпинча қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

Тайёргарлик суҳбати (сўзлашиш) усуллари;

Театрлаштириш усуллари (имитация, қайта айтиб бериш).

Тайёрланган суҳбатнинг қуйидаги вазифалари мавжуд:

Тўғридан-тўғри болаларни суҳбатлашишга, яъни суҳбатдоши сўзларини бўлмасдан тинглаш, луқма ташлаш учун қулай пайтни кутгани ҳолда ўзини тутиб туриш, суҳбатдоши учун тушунарли қилиб сўзлаш;

Йўлдош – талаффуз ва грамматик кўникмаларни машқ қилиш, маълум сўзлар маъносини аниқлаштириш.

Суҳбат жараёнида тарбиячи саволлар, топишмоқлар, бадиий сўз каби турли усуллардан фойдаланади. Бу усулларнинг барчаси суҳбат пайтида билимларни ўзлаштириш жараёнини йўналтириш, нутқий мулоқотни таъминлаш, болалар фикрларини, уларнинг диққат-эътиборларини, хотираларини, эмоцияларини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Равон нутқ моҳияти. Мактабгача ёшдаги болаларга нисбатан нутқнинг икки шаклини – **диалогик** ва **монологик** шаклларини кўриб чиқиш лозим. ***Диалог*** икки ёки бир неча сўзловчининг бирон-бир вазият билан боғлиқ мавзудаги фикрларининг алмашинуви билан тавсифланади. Диалогда, юкламалардан фойдаланилган ҳолда, синтактик жиҳатдан содда бўлган дарак, ундов (илтимос, талаб), сўроқ гапларнинг барча турлари намоён этилган. Тил воситалари имо-ишоралар, мимика билан кучайтирилади. Тарбиячи шундай вазиятни яратиши керакки, унда болалар турли хил тил воситаларидан фойдаланган ҳолда диалог тузиш – сўраш, жавоб бериш, тушунтириш, илтимос қилиш, луқма ташлаш ва ҳ.к. заруратига дуч келсин. Ушбу мақсадда боланинг оиладаги, мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёти, унинг дўстлари ва катталар билан муносабатлари, унинг қизиқишлари ва таассуротлари билан боғлиқ турли хил мавзуларда суҳбат ўтказишдан фойдаланиш лозим. Айнан, диалогда суҳбатдошни тинглаш, саволлар бериш, мазмундан келиб чиққан ҳолда жавоб бериш қобилияти ривожланади. Қайд этилган малака ва кўникмалар монологик нутқни ривожлантириш учун ҳам зарурдир. Тенгдошлар билан диалогик мулоқотни йўлга қўйиш учун кооператив тусдаги фаолият муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фаолият аста-секинлик билан шаклланади. Дастлаб, болалар рўй бераётган ҳодисаларни шарҳлаган ҳолда, яқинда туриб ҳаракат қиладилар. Ушбу вазиятда нутқ тенгдош боланинг мавжуд бўлиши ва у билан сўзлашиш имконияти орқали рағбатлантиради ҳамда у ўз фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш, шунингдек, ижтимоий мулоқот ўрнатиш функциясини бажаради. Болалар ўртасидаги мулоқот, асосан, амалий хусусиятга эга. Диалог кўпинча шундай шаклга олиб бориладики, бунда бола шеригининг қисқа луқмаларига ҳаракат билан жавоб беради ёки рўй бераётган ҳодисага нисбатан ўз муносабатини нонутқий воситалар ёрдамида ифодалайди. Улар орқали болалар бир-бирига эътибор беришни, дўстларини уларнинг товушидан билиб олишни, ташқи кўриниш деталларини сезишни, нутқий мулоқот қилишни ўрганадилар. Диалог мулоқотини йўлга қўйиш учун стол ўйинлари ва чоп этилган («лото», «домино») ўйинлардан фойдаланиш тавсия этилади. Жуфт бўлиб ўйнашда болалар диалогик ҳамкорлик қилиш усулларини: навбатга риоя қилиш, бир-бирига хушмуомалалик билан мурожаат қилиш, ўз нуқтаи-назарини далил-

исботлар билан ҳимоя қилиш, фикрларини шериги билан мувофиқлаштиришни ўрганадилар. Бундай ўйинларда билувчанликнинг асоси сифатида нутқий топшириқларнинг ҳар хил турлари иштирок этиши мумкин, масалан: берилган товушли сўзларни танлаб олиш, акустик ва артикуляцион жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган товушларни табақалаштириш, умумлаштирувчи номларни таснифлаш, расмлар туркуми асосида биргалашиб ҳикоя қилиш ва ҳ.к.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижодий ҳикоя тузишга ўргатиш

Мавзу: «Мен ёқтирган фасл».

Мақсад: Шахсий тажрибага асосланиб, равон нутқни риволантириш учун мантиқий ривожланиб борувчи ҳикоя тузиш қобилиятларини ривожлантириш.

Вазифалар: Шахсий ҳаёт (тажриба)дан тугалланган ҳикоя тузиш малакасини шакллантириш. Бунда:

- сабзавот ва мевалар бўйича луғатини фаоллаштириш, топишмоқлар мазмунига тушунишга ўргатиш;
- мақолдаги сўзларни аниқ ва бурро айтиш назарда тутилади.

Кутилаётган натижалар: шахсий ҳаёт (тажриба)дан тугалланган ҳикоя тузиш малакаси шаклланади. Яъни:

- ҳикоя тўқишга қизиқиш уйғонади;
- топишмоқ, мақоллар мазмунини тушуниб оладилар.

Керакли жиҳозлар: тўрт фаслга оид катта расмлар:

- тўрт фаслга оид қирқма расмлар.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: Болалар, ҳозир қандай фасл? (Қиш). Қиш фаслида қандай ўзгаришлар рўй беради? Сизга қайси фасл кўпроқ ёқади? Нима учун ёқади? Бугун биз **«Мен ёқтирган фасл»** мавзусида қисқа ва тугалланган ҳикоя тузишни ўрганамиз. Болалар, келинглар, ҳозир биз кичик гуруҳларга бўлиниб оламиз.

Бир йилда нечта фасл бор? (4та фасл)

Демак, биз тўрт гуруҳга бўлинамиз.

Болалар гуруҳларга бўлиниш учун баҳор, ёз, куз ва қиш фасллари тасвирланган суратларнинг қирқма бўлакларини оладилар. Улар ўз фаслларига тегишли тасвирларнинг қирқма бўлакларини йиғиш билан гуруҳларга бўлиниб оладилар. 1-гуруҳ болалари баҳор фаслини, 2-гуруҳ болалари ёз фаслини, 3-гуруҳ болалари куз фаслини, 4-гуруҳ болалари қиш фаслининг қирқма бўлакларини йиғадилар. Натижада, ҳар бир гуруҳда катта фасл тасвири ҳосил

бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўз фасллари ҳақида ҳикоя тузишлари керак. Ҳикоя якунида шу фасл ҳақида шеърлар, топишмоқлар айтишлари мумкин. Болалар ҳикоя тузишда қийналсалар тарбиячи ҳикоя намунасини беради.

Тарбиячи: Мен учун севимли фасл - куз. Кузда шамол ғир-ғир эсиб туради. Осмон тоза ва беғубор бўлади. Боғларда кузги мевалар пишиб етилади. Пахтазорларда пахталар оппоқ бўлиб очилади. Дала ва боғларда иш қизғин бўлади. Мевалар терилади, картошка, пиёз, сабзи каби сабзавотлар бирин-кетин ковланади. Пахталар терилади.

Болаларнинг тузган ҳикоялари бўйича гуруҳлар тақдимоти ўтказилади. Ҳар бир гуруҳнинг тузган ҳикоялари тингланади ва раҳбатлантирилади.

Тетиклаштирувчи машқлар:

Қуёш.

Эрта тонгда

Қуёш туриб

Болаларни эркалайди,

Бошларини силайди.

Билаклар ички тарафи билан бир-бирига теккизилади. Бармоқлар қуёш нурлари каби кенг ёйилган ҳолатда бўлади.

Тарбиячи болаларга фасллар ҳақида мақоллар айттириб, машғулотни тугатиши мумкин.

1. Қиш ғамини ёзда е.

2. Баҳорги ҳаракат - кузги баракат.

3. Ёзги меҳнат - қишги роҳат.

4. Ер ҳайдасанг куз ҳайда,

Куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

1. Бир йилда нечта фасл бор?

2. Сиз қайси фаслни ёқтирасиз?

3. Меҳнат ҳақида мақоллар айтиб беринг.

4. Тил тафаккур қуроли ва муомала воситаси. Тил миллатнинг ноёб ҳазинаси бўлиб, доимо оғзаки ва ёзма ҳолда намоён бўлган. Тилнинг муҳим имкониятлари нутқ орқали нутқий жараёнда очилади. Нутқ бўлмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмайди. Сўз султони Алишер Навоий тил ва нутқ муносабатларини шундай изохлайди: «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ маъқул бўлиб чиқса, тилнинг манфаатидир».

Демак, тил қанчалик зўр бўлмасин, у нутқ учун қурол сифатида хизмат қиларди. Унинг куч-қудрати нутқ жараёнида намоён бўлади. Агар тил ўқ бўлса, нутқ камондир. Ўқнинг қудрати, камоннинг қудратига ҳам боғлиқ.

Буюк бобомиз Алишер Навоий сўзга шундай баҳо берганлар:

Сўздирки, нишон берур ўликка жондин,

Сўздирки, берур жонга хабар жонондин.

Инсонки сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билки, гавҳари шарифроқ йўқ ондин».

Қадимги шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири «Қобуснома»да ҳам тил ва нутққа алоҳида эътибор берилганки, улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўрамиз. Кайковус барча ҳунарлар ичида сўз ҳунари – нотиқликни аъло деб билади: «Билинки, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши».

Шунинг учун ҳам киши сухандон ва нотиқ бўлишни такидлайди. Муаллиф нотиқликни эгаллашнинг йўлини тинимсиз меҳнат ва ўрганиш, деб уқтиради.

Ҳикоят: «Шундай деб эшитдимки, бир кеча Хорун ар-Рашид бир туш кўрди. Яъни оғзидаги ҳамма тишлари тўкилиб тушган эмиш. Эрталаб туриб бир таъбирчини чақириб, бу туш таъбири нима эканини сўрадик. Таъбирчи деди: “Эй амир ал мўмин, сенинг ҳузурингда барча қариндош-уруғларинг ўлади, сендан бошқа ҳеч киши қолмайди”.

Хорун ар-Рашид деди: Менинг юзимга шундай дард-андуҳ билан тўлган сўзни айтасанми? Агар менинг қариндошларим ўлсалар, мен нима иш қиламан? Ва қандай қилиб кун кечираман? - деб таъбирчини юз таёқ уришга буюрди. Сўнгра бошқа бир таъбирчини чақирди ва тушининг таъбирини сўради. Таъбирчи деди: “Эй амир ал мўмин, сенинг умринг барча қариндошларингнинг умридан узун бўлади. Хорун ар Рашид деди: «Барча ақлнинг йўли бирдир ва иккининг таъбири бир ердан чиқади, аммо юқоридаги таъбирчининг ибораси билан кейинги таъбирчининг ибораси орасидаги фарқ каттадир», – деди ва Халифа кейинги таъбирчига юз тилла беришини буюрди.

Эй фарзанд, сўзингни юзи ва орқа томонини билгин, уларга риоя қилгин. Сўзлаганда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар. Тўти ҳам сўзлайди, аммо сўзининг маъноси бўлмайди. Шундай кишини нотиқ (сухангўй) деймизки, унинг ҳар бир сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга маълум бўлсин. Бундай кишилар оқил (ақлли)лар қаторига киради.

Билган сўзингни ўз жойила ишлатгин, вақтни бекор ўтказмагин. Агар вақтни бекор ўтказсанг, донишмандликка путур етказган бўласан. Ҳамма вақт тўғри сўз гапир, беписандликни даъво қилгувчи бўлмагин, билмаган илмдан гапирмагил, шунда илмдан нон талаб қилма. Ҳар қандай талабинг бўлса, билган илм, маърифат ва ҳунардан ҳозир бўлади. Билмаган илм, маърифат ва ҳунарни билмаган деб даъво қилсанг, неч нарса ҳосил бўлмайди ва беҳуда захмат чекасан.

Ҳар бир сўзга қулоқ сол, тезлик қилма. Ўйламасдан сўзлама. Ҳар бир сўзни ўйлаб гапир, хатто айтган гапингдан пушаймон бўлмагайсан (**Қобусномадан**).

Маълумки, тил инсон ақлий фаолиятининг энг олий ва асосий воситасидир. Чунки инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган ҳам тил эмасми? Шундай экан, инсон ақлий фаолиятининг энг олий маҳсуллари, тафаккур мевалари тил ва нутқ орқали рўёбга чиқади. Тил тафаккур маҳсулининг ҳаётга татбиқ этилиш воситаси бўлувчи қудратли қуролдир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Равон нутқ тушунчаси ва уни ривожлантириш вазифалари ҳақида нималарни биласиз?
2. Равон нутқнинг моҳияти нималардан иборат?
3. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни равон нутққа ўргатиш жараёни қандай кечади?
4. Тил тафаккур қуроли ва муомала воситаси дейилишини асослаб беринг?
5. Таълим муассасаларида ўқитиш қандай шаклларда амалга оширилади?
6. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни равон нутққа ижодий ўргатиш усуллари ҳақида нималарни биласиз?

5-мавзу. Боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланишида диалогик ва монологик нутқнинг аҳамияти

Таянч тушунчалар: *қарама-қарши ва яқин маъноли сўзлар, синонимия, антонимия, морфология, сўз ясаш, синтаксис, интонация, репродуктив ва қидирув саволлар, имитация, дорилфунун.*

1. Мактабгача ёшдаги бола нутқнинг шаклланишида диалогик нутқнинг аҳамияти. Диалогни ривожлантириш нафақат шунчаки нутқнинг муайян композицион шаклини ўзлаштириш, балки боланинг ижтимоий ва шахс жиҳатдан шаклланишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Диалогик нутқ нафақат алоқа (интеллектуал мазмун) ва ўз манфаатларига йўналишни, балки шерикнинг нуқтаи-назарини, унинг қизиқишлари, истаклари, кайфиятини ҳисобга олишни ҳам кўзда тутади. Болалар бундай тажрибани кооператив тусдаги фаолият (биргаликда ясаш, чизиш, жамоа ўйинларини ўйнаш) натижасида тўплайдилар. Тенгдошлари билан диалогга кришиш бола нутқининг моҳияти мазмунидан (диалог вазиятидан қатъий назар) далолатдир.

Мактабгача ёшдаги катта болаларнинг диалогик негизида нутқнинг янги шакли - монолог туғилади ва шаклланади. У боланинг ўз фикрлари, ҳис-туйғулари, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини ўртоқлашиш истаги оқибатида вужудга келади. Бунда нутқ қисқа ҳикоя шаклига эга бўлади. Ҳикояда, албатта, болани лол қолдирган ва уни ҳаяжонга солган бирон-бир қизиқ ҳодиса (табиат қўйнидаги қизиқарли учрашув, укасининг кулгили ҳаракатлари ва ҳ.к.)ни акс эттиради. Мактабгача ёшдаги болалар таниш эртакларни, мультфильмлар мазмунини айтиб беришни, ўқиганларини сўзлаб беришни хуш кўрадилар.

Мактабгача ёшдаги катта болаларнинг энг муҳим ютуғи - жаранглаётган нутққа қизиқишнинг шиддат билан ривожланиши, тил фаолиятини энг оддий англашнинг шаклланишидир. Сўзга нисбатан лингвистик муносабат дабдурустдан товуш, қофия, мазмун билан ўтказиладиган ўйинларда, сўз аҳамияти ҳақидаги саволларда, уларнинг жарангдорлиги ва мазмунида кўринади. Тил воқелигини англаш унинг барча томонлари - фонетик, лексик, грамматик томонларини қамраб олади. Сўзга нисбатан онгли муносабат луғатни такомиллаштириш (антонимлар, синонимлар, кўп маъноли сўзларни тушуниш), нутқнинг товуш маданиятини ривожлантириш (товуш талаффузи, тинглаш қобилияти, интонация ифодавийлиги), нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантириш (морфология, сўз ясаш, синтаксис), равон нутқни ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

2. Диалогик нутқни ривожлантиришга доир махсус машғулотларнинг аҳамияти. Нутқда энг муҳим метод бу диалогик нутқ, яъни болалар билан сўзлашишдир. Сўзлашиш оғзаки нутқнинг энг оддий шакли бўлиб, унда бола ўзини тутиши, кўз қараши, хатти-ҳаракати, овозининг паст-баландлиги, тезлиги каби турли ҳолатлар ҳисобга олинади. Сўзлашиш – диалогик нутқ, асосан, катталар ёрдамида амалга оширилади ва у айниқса, теварак-атрофни билиш жараёнида яхши натижалар беради. Жумладан, жамоат жойларида, кўпчилик ўртасида нутқ маданиятига риоя этишга эътибор қаратилади.

Бунда бир-бирининг нутқини тўлдириб бориш, тузатишлар киритиш, сўраш, сўраб билиб олиш диалогик нутққа ўргатишнинг усуллари саналади.

Диалогик равон нутқни ривожлантиришга доир махсус машғулотлардан бири суҳбат методи қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади:

1) тайёргарлик суҳбати (сўзлашиш) усуллари;

2) театрлаштириш усуллари (имитация, қайта айтиб бериш).

Суҳбатнинг қуйидаги вазифалари мавжуд: болаларни тўғридан-тўғри суҳбатлашишга, яъни суҳбатдоши сўзларини бўлмасдан тинглаш, луқма ташлаш учун қулай пайтни кутгани ҳолда ўзини тутиб туриш, суҳбатдоши учун тушунарли қилиб сўзлаш;

- йўлдош – талаффуз ва грамматик кўникмаларни машқ қилиш, маълум сўзлар маъносини аниқлаштириш;
- суҳбат жараёнида тарбиячи саволлар, топишмоқлар, бадиий сўз каби турли усуллардан фойдаланади.

Машғулот ишланмаси:

Мавзу: Жамоа ҳаётидан ҳикоя тузиш: «Бизнинг мактабгача таълим муассасамиз».

Мақсад: Тарбиячининг режаси асосида шахсий ҳаётда бўлган воқеаларни ҳикоя қилиб, сўзлаб беришга ўргатиш.

Вазифалар:

- -шахсий ҳаёт (тажриба)дан тугалланган ҳикоя тузиш малакасини шакллантириш;
- -гапираётганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш;
- -айтилган жумлани қандай ҳолат (кайфият)да айтилганини аниқлаш (хафа, хурсанд);
- -товушга хос хусусиятларни аниқлаш.

Кутилаётган натижалар:

- шахсий ҳаёт (тажриба)дан тугалланган ҳикоя тузиш малакаси шаклланади;
- гапираётганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузишга ўрганадилар;
- товушга хос хусусиятларни билиб оладилар.

Керакли жиҳозлар:

Мавзуга оид расмлар.

Стол, стул, рангли қоғоз ва қаламлар, ўйин иштирокчилари.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи: Болалар, ҳозир биз учун қадрдон бўлган мактабгача таълим муассасаси ҳақида суҳбатлашамиз. Биз мактабгача таълим муассасасини севамиз. У бизнинг иккинчи уйимиз. Сиз мактабга борганингизда педагогнгиз мактабгача таълим муассасаси ҳақида сўраб қолиши мумкин. Шунда сиз қийналиб қолмаслигингиз учун қуйидаги саволлар асосида шу мавзуда ҳикоя тузишга ўрганамиз:

1.Сиз қатнаган мактабгача таълим муассасаси қайси кўчада жойлашган?

2. У неча қаватли?

3. Мактабгача таълим муассасасининг қандай хоналари бор?

4. Майдонча, ер участкалари борми?

5. Унинг кираверишни қандай безатилган?

Тарбиячи: Мактабгача таълим муассасаси ҳақида суҳбатлашиб олдик. Энди ким шу мавзуда ҳикоя тузиб беради? (Тарбиячи намунавий ҳикоя бериши мумкин).

Мактабгача таълим муассасаси Олмазор кўчасида жойлашган. Икки қаватли. Биринчи қаватида ошхона, ҳамшира, мудира хоналари бор. Шу қаватда музей хонаси ҳам бор. Мусаввирлар кираверишини ўзбек халқ эртакларидан лавҳалар билан безатишган. Биз мактабгача таълим муассасасини севамиз (5-6 та болалар ҳикоялари тингланади).

Тарбиячи: Мен ҳикояларингизни эшитиб, мактабгача таълим муассасасингизни қанчалик яхши кўришингизни билиб олдим. Ҳозир

«Мактабгача таълим муассасаси» жумласини мен чақирган бола айтади. Қолган болалар айтилган гап қайси кайфиятда айтилганини аниқлайдилар (Болалар жумлани хафа, хурсанд каби ҳолатда - кайфиятда айтишлари мумкин).

Жисмоний дақиқа:

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мактабгача таълим муассасаси қайси кўчада жойлашган?

2. У неча қаватли?

3. Мактабгача таълим муассасамизнинг қандай хоналари бор?

4. Унинг кираверишi қандай безатилган?

5. Кимнинг ҳикояси сизга ёқди?

Жонлантириш учун саволлар:

1. Болаларга диалогик нутқни ўқитишнинг асосий методини тавсифлаб беринг.

2. Суҳбатдан қайси таркибий компонентларни ажратиб кўрсатиш мумкин?

2. Диалогик равон нутқни ривожлантиришга оид машғулотларда педагог қайси асосий методлардан фойдаланиши зарур?

3. Репродуктив ва қидирув саволлари нимани англатади?

3. Монологик нутқни шакллантиришнинг назарий асослари. Монологик нутқ бир кишининг бошқаларга қаратилган нутқи ҳисобланади ва ҳикоя қилиш, хабар бериш, ўқигани ёки эшитганини қайта сўзлаб бериш, ўзи савол бериб, ўзи жавоб бериш шаклида намоён бўлади.

Болаларга кенг ёйилган фикр тузишни ўқитишда тарбиячи уларда матн тузилмаси (боши, ўртаси, охири) ҳақидаги энг оддий билимларни, гап билан фикрнинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар ҳақидаги тасаввурни шакллантириши зарур. Айнан ушбу кўрсаткич (гаплар ўртасидаги алоқа воситаси) нутқий фикрнинг равонлигини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири сифатида иштирок этади.

Ҳар қандай тугалланган фикрда ибораларни боғлашнинг кенг тарқалган вариантлари мавжуд бўлади. Гапларни боғлашнинг энг кенг тарқалган усули – бу занжирли алоқа саналади. Олмош, лексик такрорлаш, синонимик жиҳатдан ўрин алмашиш мазкур алоқанинг асосий воситалари ҳисобланади. Занжирли алоқа нутқни янада мослашувчан ва ранг-баранг қилади, чунки бола бу усулни эгаллар экан, бир сўзни қайта такрорлашдан қочади.

Педагог болаларга гапларни параллел равишда боғлашни ўргатиши зарур, бунда гаплар бир-бирига уланмайди, балки таққосланади ёки ҳатто қарама-қарши қўйилади (*Кучли шамол эсарди. Қуён инига яшириниб олди*).

Мактабгача катта ёшдаги болаларга равон матнлар тузишни ўргатишда уларда мавзуни ва айтилган сўзнинг асосий фикрини очиб бериш, матнга

сарлавҳа қўйиш қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Равон фикрни ташкил этишда интонация катта рол ўйнайди, шунинг учун айрим гаплар интонациясидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, умуман, матннинг таркибий бирлиги ва мазмунан тугалланганлигини қайд этишга ёрдам беради.

Катталар билан болаларнинг биргаликдаги сўз ижодкорлиги монологик нутқни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Эндигина беш ёшга тўлган болалар таниш эртакларни ҳикоя қилиб бериш, воқеалар тўқиш, шахсий тажрибасидан сўзлаб беришга қизиқишни намоён қиладилар. Катта ёшли киши йўналтирувчи ва аниқлаштирувчи саволларни бериши, ўйин вазиятларини яратиш орқали бола ташаббусини қўллаб-қувватлаши даркор. Педагогнинг секингина ҳикоя мазмунини, режасини, воқеаларнинг эҳтимолий ривожини, сўз шаклини айтиб қўйиши биргаликдаги сўз ижодкорлигида муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Монологик нутқни шакллантириш усуллари. Болаларда грамматик тизим – синтаксис, морфология, сўз ҳосил қилишни шакллантириш ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиб, уларни ривожлантириш учун педагог турли воситаларни қўллаши даркор. Морфология ва сўз ҳосил қилишни ўзлаштириш учун рағбатлантирувчи тил ўйинлари; синтаксисни ривожлантириш учун эса кенг фикр билдириш мотивациясини яратиш муҳим.

Маълумки, болалар ўз иқтидорига қараб турли даражада ривожланадилар, бунда педагогнинг раҳбарлиги ҳам босқичли хусусиятга эга бўлади. Бола ҳаётининг бешинчи йилида педагог рағбатлантиришга (гап сўз ҳосил қилиш ва сўз ижодкорлиги хусусида бормоқда); олтинчи йилда – гап таркибини энг оддий таҳлил қилиш, нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантиришга (сўз ўзгартиришда); еттинчи йилда – ҳосила сўзлар ўртасидаги расмий-семантик муносабатларни оддий таҳлил қилишга, нутқий ижодкорликка, мураккаб синтактик тузилмаларни ихтиёрий тузишга алоҳида эътибор бериши лозим.

Дидактик ўйинлар ва грамматик мазмундаги машқлар - болаларнинг тилга оид ўйинларини, уларнинг грамматик соҳасидаги фаоллигини рағбатлантиришнинг муҳим воситасидир. Педагог болаларга сўз бирикмасини ўйлаб кўриш, сўнгра гапда сўзларни бир-бири билан тўғри боғлаш қобилиятини ўргатиши зарур.

Болалар фикрларида мураккаб синтактик тузилмаларни шакллантиришни ёзма нутқ вазиятида, яъни бола матнни айтиб турадиган, катта ёшли киши эса, уни ёзиб борадиган вазиятда амалга ошириш тавсия этилади.

Болага бир турдаги тузилмалардан фойдаланмаган ҳолда сўзларнинг тўғри тартибини қўллашни ўрганишда ёрдам берадиган машқларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Муҳими, болада гап таркиби ҳақида ва ҳар хил турдаги гапларда лексикадан тўғри фойдаланиш ҳақида оддий тасаввурлар шаклансин. Бунинг учун болаларга гапда сўзларни бириктиришнинг турли

усулларини, сўзлар ўртасидаги айрим мазмунли ва грамматик боғлиқликлардан фойдаланишни ҳамда гапни интонацион жиҳатдан расмийлаштиришни ўргатиш зарур.

Шундай қилиб, нутқнинг грамматик тизимини шакллантириш жараёнида синтактик бирликлар билан амаллар бажариш кўникмаси шаклланади, муайян мулоқот шароитида ва равон монологик фикрларни тузиш жараёнида тил воситаларини онгли равишда танлаш таъминланади. Бола нутқи атрофдагиларга тушунарли бўлсагина, ишончли мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу эса фикрни сўзларда изчил, равон ва тўлиқ ифодалашга, аниқ сўзларни танлашга, талаффузнинг софлиги ва тўғрилигига боғлиқ. Қулай шарт-шароитларда у ёки бу даражада ушбу хусусиятларни болага аниқ режа асосида ўқитиш, турли методик усулларни қўллаш йўли билан ҳосил қилинади. Тарбиячи болаларнинг тафаккури ва нутқининг барча жиҳатларини, шу жумладан, образлиликни ҳам улар атрофдаги ҳаёт, оила ва мактабгача таълим муассасасининг маиший ҳаёти, кишилар меҳнати, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар билан, жонли табиат ва предметли олам билан танишиш имконини берадиган даражада ривожлантиради. Мактабгача ёшдаги болалар борлиқни фаол қабул қиладилар ва атроф-муҳитдаги ҳаётга қўшилиб кетадилар, бу эса уларда сўз заҳираларининг тез ортишига олиб келади.

Болалар луғатини бойитишнинг асосий манбаси бўлиб, катталар нутқи, хусусан, болаларни ўқитиб, тарбиялайдиган тарбиячининг нутқи ҳисобланади. Улар тарбиячидан образли сўзларни, ифода ва қўллаш усулларини ўзлаштириб оладилар; улар нима яхши-ю, нима ёмонлигини ажратиб ололмайдилар, ва эшитган барча сўзларга тақлид қиладилар. Шунинг учун тарбиячининг нутқи намунавий бўлиши лозим. Образли нутқни ривожлантириш, кенг маънода, нутқ маданиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Монологик нутқни шакллантиришнинг назарий асослари нималардан иборат?
2. Монологик нутқ қандай шаклда намоён бўлади?
3. Гапларни боғлашнинг энг кенг тарқалган усули қайси?
4. Монологик нутқни ривожлантиришнинг асосий шартини айтинг?
5. Фикр билдиришнинг қандай турлари мавжуд?
6. Сўзнинг тил бирлиги сифатидаги хусусияти ҳақида нималарни биласиз?
7. Монологик нутқни шакллантириш усулларини санаб беринг?

6-Мавзу: Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб боришнинг мазмуни

Таянч тушунчалар: *луғат иши, луғат заҳираси, нутқ маданияти, умумлаштириш, ассоциатив метод, шева лексикаси, луғатни эгаллаш, антонимия, синонимия, ташбеҳ (эпитет)лар.*

1. Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб бориш вазифаси. Луғат ишининг бош вазифаси – луғат заҳирасини бойитиш, кенгайтириш ва фаоллаштиришдан иборат. Болалар луғатини бойитиш асосини боланинг тил имконияти ва мавзуга оид сўзлар, синонимик қаторлар, антонимик жуфтликлар, кўп маъноли сўзларни киритиш ташкил қилади. Болалар билан синонимлар устида ишлаш (мазмунига кўра бир-бирига яқин сўзларни танлаш) мавзуга оид сўзлар гуруҳларини (ҳаракат феъллари: юрмоқ, қадам ташламоқ, судралмоқ ва ҳ.к. ёки нутқни белгиловчи феъллар: айтди, сўради, жавоб берди, қичқирди ва бошқ.) ўзлаштиришга оид ишлар билан уйғунлашиб кетиши лозим.

Болаларнинг она тилида авлоддан-авлодга ўтиб, келаётган халқ маънавий бойликларини қанчалик мерос қилиб олишлари, тарбияланувчиларнинг келгусида ўз даврининг илмий ютуқларини ўзлаштира олишлари, уларнинг инсониятнинг илғор шеърий ва эстетик идеалларига содиқлиги, яъни мустақил Ўзбекистонда демократик жамиятнинг тўлақонли қурувчилари бўла олишлари тарбиячига боғлиқдир.

Болаларга нутқни ўргатиш учун бўлажак тарбиячи нутқни ривожлантириш методикаси назариясини чуқур ўрганиши ва ушбу соҳанинг фанга маълум бўлган методларини ўзлаштириши, боланинг она тилини ўзлаштириш қонуниятларини тушуниб етиши лозим.

Таълимнинг фонетика соҳасидаги вазифалари. Қулоқни товушларга ва янги тилдаги сўзларга ўргатиш, товуш қурилишининг асосий қонуниятларини фарқлаш зарурлиги; тўғри адабий талаффуз қоидаларини ўзлаштириш, тил товуш қурилишининг асосий қоидалари, яъни ундошларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, жарангли ва жарангсизлигига қараб, бир-бирига қарама-қарши қўйишни ўзлаштириб олиш асосида шевада гапиришнинг олдини олиш мактабгача таълим муассасаларида болалар нутқини ўстиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Тўғри адабий талаффузга ўргатишни машқ қилишни нутқни ўзлаштиришнинг кейинги босқичларида ҳам давом эттириш даркор.

Болаларнинг ўз она тилидан бошқа тилни ўрганишлари орфоэпик (ифода) қийинчиликларнинг янги фонетик (товуш) қатламга ўтишидан бошланади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, кўп ҳолатларда ушбу қийинчиликлар инсон нутқида миллий шева кўринишидаги асоратларни қолдиради. Кўпгина ҳолатларда эса орфоэпик (ифода) тўсиқ мамлакатимизда ўзга тилни ўрганувчилар учун ижтимоий лингвистик шароитлар ўзгарганига қарамай,

енгиб ўтилмай қолаверади. Ҳаттоки, рус муҳитида яшайдиган ва ўзга тилни этарли даражада эгаллаб олган одамлар ҳам бутун умр бўйи нутқдаги миллий шевадан холос бўла олмайдилар. Шунинг учун мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болаларга ўзга тилни ўқитишда дастлабки машғулотлардан бошлабоқ, уларда тўғри адабий талаффузни шакллантириш ишига алоҳида эътибор бериш лозим. Шу боис, бу жараёнда, педагог олдида қуйидаги вазифалар туради:

- болаларда артикуляция аппаратининг ҳаракатчанлигини ривожлантириш;
- эшитиш органларини янги тил товушларига ўргатиш;
- бўғинлардаги, сўзлардаги товушларни рус тилининг орфоэпик қоидаларига мос равишда соф, тушунарли ифодалашни шакллантириш;
- болалар нутқининг ифодавийлигини, яхши талаффузни шакллантириш;
- миллий шеванинг олдини олиш.

Тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантириш нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга оид ишларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу иш луғатни, равон ва грамматик тўғри нутқни ривожлантириш билан бир вақтда амалга оширилади.

Нутқни ривожлантириш методикасининг асосий мазмуни - болаларда оғзаки нутқни, унинг атрофдагилар билан нутқий мулоқоти кўникмаларини шакллантиришдир. Нутқни ривожлантириш методикаси қуйидаги асосий саволларга жавоб топиш имконини беради: нимани ўқитиш (болаларда қандай нутқий кўникмаларни тарбиялаш), қандай ўқитиш (болалар нутқини шакллантиришда қандай шароитларда қайси метод ва усуллардан фойдаланиш лозим), нега энди айнан шундай ўқитиш зарур (нутқни ривожлантиришнинг таклиф этилаётган усуллари назария ва амалиётнинг қайси маълумотларига асосланмоқда). Методиканинг асосий вазифаси – илмий-психологик асосда нутқни ривожлантиришнинг энг самарали воситалари, методлари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда болаларда зарур нутқий кўникмаларни муваффақиятли равишда ривожлантиришлари учун улар билан болалар боғчалари тарбиячиларини қуроллантиришдан иборатдир. Нутқни ривожлантириш методикаси болаларга она тилини ўргатишнинг объектив хусусиятлари акс эттирилган, нутқни ривожлантириш методикаси соҳасида Ўзбекистон Республикасида ва хорижда яратилган ва ҳозирда мавжуд бўлган барча ижобий натижалар умумлаштирилган.

Методик назарияни билмайдиган тарбиячи фақат ўз фаразларидан келиб чиқиб ёки бошқаларнинг тажрибаларидан нусха кўчирган ҳолда болаларни кўр-кўрона тарбиялайди. У кўп нарсани назардан қочиради, чунки ранг-баранг методлар ва усулларни билмайди. Зеро, ҳозирги кунда нутқни ривожлантириш методикаси назарияси методик амалиёт билан биргаликда ривожланмоқда. Айрим методик қоидаларнинг яшовчанлиги амалиётда текшириб кўрилмоқда,

амалиётнинг ўзи фан олдига ҳали ўз ечимини топмаган муҳим масалаларни қўймоқда.

Антонимлар (қарама-қарши маънога эга бўлган сўзлар) устидаги ишлар болалар билан сўз бирикмалари ва гаплар тузишда амалга оширилиши керак. Педагог болаларга мақолларда, маталларда антонимларни топишни ўргатиши зарур. Кўп маъноли сўзлар таркибидан антонимларни топиш болаларнинг сўз ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, унинг мазмунини аниқлаштиришга ёрдам беради. Қарама-қарши маънога эга бўлган сўзлардан иборат сўз бирикмаларини танлар экан, болалар сўзларнинг кўп маънолилигини янада чуқурроқ тушунадилар (*эски кўйлак – (кўп маъноли)* ***йиртилган*** *- янги кўйлак (антономик зид маъноси), эски дўст – узоқ дўст, қалин дўст – яқин дўст, янги дўст* каби.

Сўзларнинг кўп маънолилигини мактабгача ёшдаги болаларга уларга яхши таниш бўлган аниқ предмет аҳамиятига эга бўлган (ручка, игна, яшин, гавданинг орқа томони, оёқ) сўзлар орқали кўрсатиш даркор. Кўп маъноли сўзлар устидаги ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борилиши мумкин: сўзни айтиш, унга белгилар ва ҳаракатлар танлаш – сўз бирикмасини, сўнгра гапларни тузиш ва охир-оқибатда кўп маъноли сўзлардан равон матнда фойдаланиш. Луғат иши жараёни (ва бошқа нутқий вазифаларни ҳал этиш)да педагог болаларда нутқнинг аниқлик, тўғрилик, равонлик, ифодалилик каби сифатлари амалга ошишига эришиши зарур. Болаларда, айниқса, фикр билдириш учун сўзловчининг ниятини аниқ акс эттирувчи лексик воситаларни танлаб олиш қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Болалар билан луғат ишларини ташкил қилар экан, педагог бунда қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- лексикани ташкил этишнинг мавзуга асосланган тамойили;
- семантик жиҳати (болани сўз мазмуни билан таништириш);
- сўзларни бирлаштиришнинг ассоциатив методи.

Бундай жараёнда лексикани ўстиришга оид ишларнинг барча турларини бошқа нутқий вазифалар билан ўзаро боғлиқликда сўзли ўйинлар, машқлар, ижодий вазифалар шаклида ўтказиш тавсия этилади.

Лексик мазмундаги ўйинлар ва машқлар – нутқнинг мазмун жиҳатини ривожлантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Уларда турли предметлар ва объектларни таққослаш, турли умумий хусусиятлар ва функцияларни ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда реал объектлар (ўйинчоқлар, расмлар, кийимлар, мебел ва ҳ.к.) ҳам, хаёлий вазиятлар (қувноқ ва ғамгин ҳаракатлар, эрта ва кеч куз об-ҳавоси ва ҳ.к.) ҳам таққосланиши мумкин. Ҳикоя қилишдан олдинги луғат машқлари болаларнинг келгусидаги равон нутқларининг аниқ ва образли сўзлар ҳамда иборалар билан бойитилишига ёрдам беради.

Луғат ишларини ўтказишда тарбиячи боланинг умумий нутқ маданиятига таъсир қилади, унга умумий равишда қабул қилинган адабий сўзлар ва ифодаларни маълум қилади, уларни тўғри товуш ва грамматик шаклда ифода

қилади, бунда у болаларда учрайдиган шева лексикасини бартараф қилади (таъқиқлайди), уларни адабий меъёрлар билан алмаштиради. “Луғатни эгаллаш” атамаси – бу нафақат сўзни ўзлаштириш, уни тушуниш, балки уни албатта қўллаш, нутқий фаолиятда фойдаланиш демакдир. Инсоннинг юқори нутқ маданияти, луғатининг бойлиги ҳақида у “эшитилган”, инсоннинг жонли нутқини безаб турган тақдирдагина сўз юритиш мумкин бўлади. Луғат ишидаги асосий жиҳат бу фақат болаларга янги сўзни таништириш эмас, балки уларни фаол нутққа киритиш саналади. Болалар боғчасидаги луғат иши – бу болаларнинг фаол луғатини нотаниш ёки улар учун қийин бўлган сўзлар билан режа асосида бойитиб боришдан иборатдир.

2. Луғатни бойитиш ва фаоллаштириш. Луғатни ривожлантиришда уни сифат жиҳатдан такомиллаштириш дастлабки ўринга чиқади. Бу антонимия *(ўткир-ўтмас, аччиқ-чучук)*, синонимия *(ўткир - учи ўткирланган, ўткирланган)*, кўп маънолилик *(ўткир пичоқ, аччиқ қалампир, аччиқ тил)* каби ҳодисаларни тушуниш ва уларни нутқда фаол қўллашга тааллуқлидир. Болалар нарсалар, табиат ҳодисалари, инсонлар қилмишларини кўриб, улардаги ҳар хиллик ва умумийликни аниқлашни ҳамда уларнинг маъноси қарама-қарши ёки бир-бирига яқин бўлган сўзлар, таққослашлар, аниқ феъллар, ташбеҳ (эпитет)лар ёрдамида нутқда акс эттиришни ўрганадилар. Сўз бирикмасига синоним ёки антонимни танлаб олиш усуллари болаларга сўзларнинг кўп маънога эгалигини тушунтиради. Нарсаларнинг функцияларини таққослаш асосида умумлаштирувчи номлар (ҳайвонлар, идиш-товоқлар, транспорт ва бошқ.) шаклланади.

Луғатни ривожлантириш, нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш, грамматик жиҳатдан тўғриликни шакллантириш равон нутқни тузиш усулларини (гапларни боғловчилар, лексик такрорлашлар, синонимлар ёрдамида боғлаш воситалари; тавсифлаш, баён қилиш, мулоҳаза юритиш тузилмаси) ўзлаштириш билан узвий боғлиқдир. Турли функцияларни бажариш билан боғлиқ диалогли мулоқот негизида ривожланган нутқнинг барча томонлари тил онгининг шаклланишига бевосита боғлиқ бўлади ва улар бунинг учун боланинг катталар билан муайян шаклдаги мулоқотига, тўғрироғи, нафақат ташқи олам ва бошқа одамни билишга қаратилган мулоқотга, балки тилнинг ўзини, унинг тузилиши ва фаолиятини англаб етишга қаратилган мулоқотга муҳтож бўладилар.Луғат ишларига оид дастурларни амалга ошириш машғулотлар тизими орқали амалга оширилади. Бу тизим уч хил кўринишдаги машғулотлардан ташкил топади:

Луғат ишлари атроф-муҳитдаги доимо кенгайиб бораётган нарсалар ва ҳодисалар доираси билан таништириш жараёнида амалга ошириладиган машғулотлар (экскурсия, нарсаларни намойиш қилиш ва ҳ.к.);

Луғат ишлари болаларнинг атрофдаги нарсалар ва ҳодисалар ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришга таянадиган машғулотлар (сифатлар, хусусиятлар, ўзига хос жиҳатлари билан таништириш);

Умумлаштиришлар жараёнида луғат ишининг ҳал қилувчи вазифаси тушунчаларни шакллантиришдан иборат бўлган машғулотлар саналади. Бунда нутқий ва луғатни ривожлантиришнинг билиш жараёнларини ривожлантириш билан ягоналиги (қабул қилиш, тасаввур қилиш, фикрлаш) назарда тутилади. Нутқий ва билиш фаолиятининг аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилиши, билиш фаолиятини ташкил этиш учун асос сифатида кўргазмавийликнинг мавжудлиги эътиборга молик.

Нутқни ривожлантириш методикаси мактабгача таълимдаги бошқа хусусий методикалар билан узвий боғлиқ бўлади, чунки нутқ бола шахсини тўла-тўкис ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Педагогик жараён, хусусан, атрофдагилар нутқини тушунишда боланинг фаол нутқи ўта муҳимдир. Чунки нутқ боланинг бутун фаолиятида давомида унга йўлдош бўлади.

Интеллект, яъни ташқи дунёни хотира, тасаввур, ҳаёлот, фикрлаш, шунингдек, нутқ ёрдамида англаш қобилияти саналиб, инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи муҳим хусусиятлардир. Интеллект ҳам, нутқ ҳам инсонда илк болалик ёшидан пайдо бўлади ҳамда у ўсмир ёки ёш йигитда унинг организми ривожланаётгани учунгина эмас, балки инсон нутқни ўзлаштириб олган тақдирда ҳам жадал такомиллашиб боради.

Болаларнинг ўз ташаббусига кўра ёки катталарнинг таклифига кўра ҳикоя қилиб беришга қизиқишини қўллаб-қувватлаш, эртаклар, суратлар ва ўз шахсий тажрибасига оид таассуротларнинг сўздаги мазмунини қисқа ҳикоя, мулоҳаза, тавсифлар ёрдамида ифодалашни ўргатиш зарур. Бу жараёнда дабдурустдан туғилган сўз ижодкорлигида, товушлар ва қофиялар билан ўтказиладиган ўйинларда, сўзлар билан амалга ошириладиган синовларда, уларнинг жарангдорлиги ва аҳамияти, сўзлар мазмунини талқин қилишда кўзга ташланадиган сўзларга қизиқишни қўллаб-қувватлаш ва тил воқелигини энг оддий англашни ривожлантириш, болаларни «товуш», «сўз», «гап» атамалари билан таништириш бориш муҳим.

Луғат. Сўзнинг мазмун жиҳатлари ҳақидаги тасаввурларни такомиллаштириш, болалар нутқларини антоним, синоним, кўп маъноли сўзлар, умумлаштирувчи номлар билан бойитиш, образли сўзлар, қиёслаш, ўхшатишлар, аниқ феъларни фаоллаштириш асосида амалга оширилади. **Нутқнинг грамматик қурилиши**. Сўз ўзгартиришдаги қийин ҳолатларни (кўпликдаги отнинг бош ва қаратқич келишиги, ўзгармайдиган отлар, буйруқ майллари, феъллар шакллари, тугалланган ва тугалланмаган феъл шаклларини вужудга келтириш) ўзлаштиришга ёрдам бериш.

Феъллар, отлар ва сифатдан сўз ясаш усулларини шакллантириш. Гап тузилмасини такомиллаштириш, турли хил тузилмадаги - оддий, қўшма гапларнинг, ўзгалар нутқининг фаол қўлланилишига ёрдамлашиш. Грамматик воситаларни ўрганиш жараёнида нутққа нисбатан танқидий муносабатни, тўғри гапиришга интилишни қўллаб-қувватлаш. Нутқнинг товуш маданияти. Фонематик қабул қилишни, нутқнинг талаффуз ва ифода жиҳатларини ривожлантириш. Артикуляция ва акустика жиҳатидан яқин (қаттиқ ва юмшоқ,

жарангли ва жарангсиз, сонор) товушларни эшитишда ажрата олиш ва уни тўғри талаффуз этиш. Сўзлардаги, тез айтишлардаги, қисқа шеърлардаги товушларни тўғри ифодалашни машқ қилдириш. Ифода, интонация суръати ва баландлигини беихтиёр тартибга солишни ўргатиш.

Юқорида баён қилинганлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, мактабгача бўлган босқичдаги катта ёшга етиб инсон ҳаётининг энг муҳим даврларидан бири - унинг биринчи «дорилфунуни» ниҳоясига етади. Аммо ҳақиқий дорилфунун таълим олувчисидан фарқли равишда бола бирданига барча факультетларда таълим олади. У жонли ва жонсиз табиат сирларини ўрганади (албатта, имкон даражасида), математикадан дастлабки сабоқни олади. Шунингдек, энг оддий нотиқлик курсини ҳам эгаллайди, ўз фикрларини мантиқан ва ифодали баён қилишни ўрганади. Филология фанларини ўрганиш натижасида нафақат бадиий адабиёт асарларини эмоционал қабул қилишни, унинг қаҳрамонларига қайғуришни, балки бадиий ифодалиликка оид тил воситаларининг энг оддий шаклларини ҳис қилиш ва тушуниш кўникмаларига ҳам эга бўлади. Бола кичик тилшуносга айланади, чунки у нафақат сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва гап тузишни, балки сўзлар қайси товушдан ва гаплар қайси сўзлардан ташкил топишини англаб олишни эгаллайди. Буларнинг барчаси мактабда муваффақиятли таълим олиш, бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш учун зарурдир. Луғат иши жараёнида (ва бошқа нутқий вазифаларни ҳал этиш жараёнида) педагог болаларда нутқнинг аниқлик, тўғрилик, равонлик, ифодалилик каби сифатлари амалга ошишига эришиши зарур. Болаларда фикр билдириш учун сўзловчининг ниятини аниқ акс эттирувчи лексик воситаларни танлаб олиш қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Болалар билан луғат устида ишлаш ташкил қилар экан, бунда педагог қуйидагиларни ҳисобга олиши лозим:

- лексикани ташкил этишнинг мавзуга асосланган тамойили;
- семантик жиҳати (болани сўз мазмуни билан таништириш);
- сўзларни бирлаштиришнинг ассоциатив методи.

Лексикага оид ишларининг барча турларини бошқа нутқий вазифалар билан ўзаро боғлиқликда сўзли ўйинлар, машқлар, ижодий вазифалар шаклида ўтказиш тавсия этилади.

Лексик мазмундаги ўйинлар ва машқлар – нутқнинг мазмун жиҳатини ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Уларда турли предметлар ва объектларни таққослаш, турли умумий хусусиятлар ва функцияларни ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда реал объект (ўйинчоқлар, расмлар, кийимлар, мебел ва ҳ.к.)лар ҳам, хаёлий вазиятлар (қувноқ ва ғамгин тулкичанинг ҳаракатлари, эрта ва кеч куз об-ҳавоси ва ҳ.к.) ҳам таққосланиши мумкин. Ҳикоя қилишдан олдинги луғат машқлари болаларг равон нутқининг аниқ ва образли сўзлар ҳамда иборалар билан бойитилишига ёрдам беради.

Мавзу: Суратга қараб ҳикоя тузиш: “Пахта – миллий бойлигимиз”.

Мақсад: Тасвир бўйича мазмунли ҳикоя тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

•тасвир бўйича воқеани тугаллашга, суратга ном топишга ўргатиш;

•гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш;

•пахтанинг ўзбек халқи турмушидаги ўрни, асосий миллий бойлигимиздан бири эканлигини тушунтириш;

•боғланишли нутқ – ҳикоя тузиш кўникмаларини шакллантириш;

•болалар луғатини “Пахтазор” мавзусида сўзлар ёрдамида фаоллаштириш ва бойитиш;

•болаларнинг фаол луғатига механизатор, пахта терув машинаси, маҳсулот номларини киритилади.

Кутилаётган натижалар:

•тасвир бўйича мазмунли ҳикоя тузишга ўрганадилар;

•ҳикоя тўқишга қизиқиш уйғонади;

•гапирганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакаси ошади;

Керакли жиҳозлар:

“Пахтазор” мавзусига доир расмлар, пахтадан тайёрланадиган маҳсулотлардан намуналар (пахта, совун, ип кабилар).

Машғулотнинг бориши. Болаларга кўринарли қилиб “Пахтазорда” мавзусида сурат илинади. Тарбиячи қисқагина кириш суҳбати ўтказади.

Болалар, пахта – ўзбек халқининг фахри, миллий бойлиги ҳисобланади. Уни эъзозлаб, “Оқ олтин” деб атайдилар. Пахта етиштириш учун деҳқонларимиз жуда кўп меҳнат қиладилар. Баҳор ва ёзда пахтани парвариш қиладилар. Кузда пахталар оппоқ бўлиб очилади. Ҳосил йиғиб-териб олинади. Пахтадан ип, газлама, ёғ, қоғоз каби маҳсулотлар олинади. Сўнгра тарбиячи қуйидаги саволлар билан болалар диққатини суратга жалб қилади:

1. Суратда қаер тасвирланган? (Пахтазор).

2. Болалар нима ҳақида суҳбатлашяптилар?

3. Суратга нима деб ном бериш мумкин?

4. Пахталарни қандай машиналар теряпти?

5.Пахта терув машина ҳайдовчисини ким деб атаймиз? (механизаторлар).

6. Пахтадан қандай маҳсулотлар олинади?

Тарбиячи: Мана энди, суратга қараб ҳикоя тузишга ҳаракат қилинг. Аввал ҳикояга қандай ном беришингизни айтинг?

Болалар ҳикоя тузишга қийналсалар тарбиячи ҳикоя намунасини беради.

Тарбиячининг ҳикоя намунаси:

Катта пахта даласи. Пахталар қийғос очилган. Учта пахта терув машинаси пахта даласига ишга туширилган. Пахта терув машинасини механизаторлар бошқаряптилар. Шаҳзода ва Зуҳриддинлар пахтазорни томоша қилиб турибдилар. Зуҳриддин Шаҳзодага: -Мен катта бўлсам албатта механизатор бўламан. Машинада пахта теришни орзу қиламан, деди.

Ҳикоянгизни қизиқарли тугатинг (болалар ҳикояларини тугатишга қийналсалар, тарбиячи уларга ёрдам бериши мумкин).

Ҳаракатли ўйин: “Ким тезроқ пахта теради”.

Иккита гуруҳ биттадан югуриб бориб, чаноқни олиб, саватга солишади, орқага қайтиб, сафнинг ортига туришади.

Болаларнинг билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

Пахтани кимлар етиштиради?

- пахтадан қандай маҳсулотлар олинади?
- пахталарни қайси машиналарда терадилар?
- кимнинг ҳикояси сизга ёқди?

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб бориш вазифаси ҳақида гапиринг.

2. Кўп маъноли сўзлар устидаги ишлар қайси йўналишлар бўйича олиб борилади?

3. Луғат иши жараёнида қайси сифатларнинг ошишига эришилади?

4. Луғат ишларини ташкил қилишда нималарни ҳисобга олиш лозим?

5. Луғатни бойитиш ва фаоллаштиришга қандай эришилади?

7-мавзу. Товушларнинг тўғри талаффузи юзасидан олиб бориладиган ишлар мазмуни

Таянч тушунчалар: *тўғри талаффуз, товуш, товуш аппарати, генератор, энергетик, резонатор, тембр, диапазон, товуш жарангдорлиги, товуш эгилувчанлиги, товуш ҳаракатчанлиги, хаттахта, пауза, темп, ритмика, дикция.*

1. Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг мазмун ва моҳияти. Тарбиячи у ёки бу товуш таркибида турли нутқ органлари: лаблар, тишлар этаётганини кўрсатади ҳамда тушунтириб беради. Болаларнинг товушларни ифода этишларида нутқ органлари ҳолатини кўриб олишлари уларнинг тўғри талаффузни ўзлаштириб олишларига ёрдам беради. Бу борадаги иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу йўналишдаги машқлар ижобий натижаларга олиб

келади. Амалиётда бу методик усуллар, кўпинча, биргаликда қўлланилади ва улар доимо бир-бирини тўлдирадилар.

Тарбиячи товуш артикуляциясини намойиш этади ва болаларга тилнинг талаффуз чоғидаги ҳолатини кўришни таклиф қилади. Сўнгра у товушни бир неча бор талафуз қилади, кейин эса болалар уни такрорлайдилар. Агар болалар сўзлардаги товушни тўғри талаффуз эта олсалар, янги гапларга ва тўрт қаторли кичик-кичик шеърларни ёд олишга ўтиш мумкин. Равон нутқни ривожлантириш асосида турли алоқа воситаларидан (сўзлар, гаплар, матн қисмлари ўртасида) фойдаланиш, турли тоифадаги матнлар - тасвирлаш, баён қилиш, мулоҳаза юритиш тузилмаси ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш қобилиятини ўргатиш ётади.

Товуш. Айрим тарбиячи - педагогларда товуш табиатдан берилади (худо берган) дейишади. Махсус товуш йиллар давомида ўзгариши мумкин. Шунинг учун доим машқ қилиб, уни ривожлантириб туриш лозим бўлади.

Товуш аппарати уч қисмдан иборат: **генератор, энергетик, резонатор.**

Товушнинг ҳосил бўлиши:

1. Товуш кучи билан боғлиқ (нутқ аппарати органлари билан боғлиқ).
2. Товуш жарангдорлиги (товуш жарангдорлиги турли масофаларга бориб, баланд-пастлигини ўзгартириш).
3. Товушнинг эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлиги (товушни ўзгартира олиши, товушнинг баланд-пастлиги).
4. Диапазон - товушнинг ҳажми (чегараси энг баланд ва энг пастки тон билан белгисидир).
5. Тембр - товушнинг яқинлиги, юмшоқлиги, силлиқлиги, ҳусусийлиги.

Тембр нутқ аппаратининг чарчаши, товушда бўлган нуқсонлар ва бузилишлар орқали юзага келади. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашда интонацион ифодалилик, темп, талаффуз ва фикрни баён қилишнинг равонлиги устида ишлашга кўпроқ аҳамият бериш даркор, зеро, равон нутқнинг шаклланиши ушбу кўникмаларга асосланади.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш ҳам тил борлиғини энг оддий англашни шакллантириш билан ўзаро боғлиқдир. Мактабгача ёшдаги катта болалар сўзлар, товушлар, қофиялар билан фаол ўйнайдилар. Улар сўз жаранглагандаги умумий ва алоҳида жиҳатларни пайқай оладилар, артикуляцион ва акустик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган товушларни (**с-ш, с- з**) фарқлай оладилар, мақол, матал ва тез айтишлардаги 4-5 та сўзда учраган товушларни сезадилар

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Инсон ўз фикрларини ифодалаш ва бошқаларнинг фикрларини тушуниш учун она тилидан фойдаланади. Нутқни эгаллаш болага бевосита ва билвосита (ҳикоя, бадиий асар, тарбиячининг тушунтириш ва бошқалар) йўл билан борлиқ ҳақида билимлар ҳосил қилишга имкон беради. Мактабгача таълим муассасасида луғат бойлигини ошириш, сўзнинг грамматик

тузилишини шакллантириш, боғланишли нутқни ривожлантириш вазифалари ҳал этилади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришда эришилган асосий натижалар уларнинг тенгдошлари билан мулоқот мулоқотга кириша олишлари билан боғлиқ. Бола катта ёшдаги одамдан кўра ўз тенгдошини афзал кўра бошлайди. Бирга ўйнаётган ўртоғига қаратилган нутқ катталар билан бўлган нутқдагига нисбатан мазмунлироқ бўлиб боради. Шерик билан диалог мувофиқлаштирилган предметли ва нутқий ҳаракатлар тусига эга бўлади. Бола энди қўшнисининг эътиборини ўзига жалб қилишни билади, унинг ўзи ўртоқларининг ишлари ва фикрлари билан қизиқади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқининг функциялари кўп қирралидир. Бунда бола нутқдан атрофдагилар билан мулоқот ўрнатиш, ўзига, ўз ишлари ва кечинмаларига эътиборни жалб қилиш, бир-бирини тушуниш, шеригининг хулқига, фикр ва ҳиссиётларига таъсир қилиш, ўз фаолиятини йўлга қўйиш, ўзининг ва бирга ўйнаётган ўртоқларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун фойдаланади. Нутқ атрофдагилар ҳақидаги билимларнинг муҳим манбаи, табиат, нарсалар ва кишилар олами ҳақидаги тасаввурларни қайд этиш воситаси, билиш фаолиятининг воситаси бўлиб хизмат қилади. Мактабгача катта ёшдаги бола учун нутқ объектив муносабатларнинг алоҳида соҳаси бўлиб, бола уларни сўзлар, товушлар, қофиялар, маънолар билан ўйнаш орқали англаб етади. Бола ўзининг амалий, билиш ва шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ўзида мавжуд бўлган барча воситалардан ва ноихтиёрий вазиятларда фикр билдиришдан, нонутқий воситалардан (имо-ишоралардан, мимика ва ҳаракат) ва бевосита нутқнинг ўзидан фойдаланади. Нутқнинг барча турлари ва шакллари тил шахсининг такрорланмас индивидуал портретини ҳосил қилгани ҳолда ўзаро биргаликда мавжуд бўлади. Диалогни ривожлантириш фақатгина нутқнинг муайян композицион шаклини ўзлаштиришдан иборат бўлиб қолмай, балки у боланинг ижтимоий жиҳатдан ривожланиши ва унинг шахси шаклланишининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳам ҳисобланади. Диалогик мулоқот нафақат хабар қилишга (интеллектуал мазмундаги хабарга) ва ўз манфаатларига йўналтирилишни, балки шеригининг мавқеини, унинг манфаатлари, истак-хоҳишлари ва кайфиятини ҳам ҳисобга олишни назарда тутади. Диалогда нутқий ҳаракатларни мувофиқлаштириш тўғридан-тўғри шеригини тушуна олиш, унинг нуқтаи-назарини қабул қилишни билишга ҳам боғлиқдир. Бундай тажрибани болалар ўзаро уюшган фаолиятда (биргаликда ясаш, расм чизиш, ҳикоя қилиш, жамоавий ўйинлар) орттирадилар. Тенгдошлар билан мулоқотда бола нутқи мазмунлилик (мулоқот вазиятидан қатъий назар тил воситаларидан фойдаланиш асосида мазмуннинг тушунарлилиги) касб этади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг диалогик мулоқоти жараёнида нутқнинг янги шакли – монолог вужудга келади ва шаклланади. У боланинг ўз фикрлари, ҳиссиётлари, атрофдаги олам ҳақидаги билимлари билан ўртоқлашишни исташи туфайли вужудга келади. Бунда нутқ қисқа ҳикоя шаклида рўй беради. Ҳикояда болани ҳайрон қолдирган ва ҳаяжонга солган

қандайдир қизиқ нарса (янги ўйинчоқ сотиб олиш, оила аъзоларининг кулгили вазиятларга тушиб қолиши ва ҳ.к.) акс этади. Мактабгача ёшдаги болалар таниш эртакларни ҳикоя қилиш, мультфильмлар мазмунини айтиб бериш, ўқиган нарсаларини айтиб беришни яхши кўрадилар. Жаранглаётган нутққа бўлган қизиқишнинг шиддат билан ривожланиши, тил борлиғини энг оддий англашнинг шаклланиши мактабгача катта ёшдаги болалар эришган энг муҳим ютуқ ҳисобланади. Сўзга нисбатан лингвистик муносабат товушлар, қофиялар, мазмунлар билан тўсатдан бошланган ўйинлар, сўз мазмуни, уларнинг жаранглашиши ва мазмуни ҳақидаги масалаларда кўринади. Тил борлиғини англаш унинг барча – фонетик, лексик, грамматик томонларини қамраб олади. Нутққа нисбатан онгли муносабат луғатни такомиллаштиришга (антонимлар, синонимлар, кўп маъноли сўзларни тушунишга), нутқнинг товуш маданиятини (товуш талаффузи, талаффуз, тинглай олиш қобилияти, оҳанг ифодалилиги) ривожлантиришга, нутқнинг грамматик тўғрилигини (морфология, сўз ҳосил қилиш, синтаксисни) шакллантиришга, равон нутқни ривожлантиришга таъсир қилади. Мактабгача катта ёшда нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантириш нутққа нисбатан танқидий муносабат пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши, аниқ ва тўғри сўзлашга интилиш билан боғлиқ. Тўғри сўзлашга интилиш грамматиканинг барча соҳалари – морфологияда (аниқ шакл ҳосил қилишда, шаклларнинг турли-туманлигини ўзлаштиришда: столлар, стуллар, қаватлар ва бошқ.), сўз ҳосил қилишда, (нон учун – нондон, туз учун туздон ва бошқ.) синтаксисда (оғзаки нутқ қурилмасини енгиб ўтиш ва боғловчисини кўп марта қўллаш орқали гапни чўзиб юбориш, битта гапда тўғри ва билвосита нутқни аралаштириб юбориш ва бошқ.) кўзга ташланади. Нутқнинг грамматик тўғрилигига интилиш кўпроқ етти ёшли болаларга хосдир. Беш ёшли болакай ҳали ҳам грамматик шакллар устида завқ билан машқ қилади ва айнан мана шу сўз билан машқлар келажакда грамматик жиҳатдан тўғри ифодаланган нутқ учун пойдевор яратади.

2. Талаффузга ўргатишнинг асосий босқичлари.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш она тилидаги товушларни аниқ айтиш, уларни тўғи талаффуз қилиш, сўзлар ва ибораларни аниқ талаффуз қилиш, тўғри нутқий нафас олиш, шунингдек, овоз кучидан етарли даражада фойдалана олиш қобилияти, нутқнинг нормал суръати ва ифодалиликнинг турли интонацион воситалари (нутқ мусиқаси, мантиқий сукут, урғулар, нутқ суръати, ритми ва тембри)ни шакллантиришни ўз ичига олади. Товуш маданияти яхши ривожланган нутқни тинглай олиш қобилияти асосида шаклланади ва ривожланади.

Нутқни ривожлантириш методикаси замонавий она тили (ўзбек, рус тиллари ва бошқ.) курсларига, адабиётшунослик асосларини ўзида жамлаган болалар адабиётига, умумий, болалар ва педагогик психологияга, умумий ва мактабгача ёшдаги болалар педагогикасига таянади.

Методиканинг мазмуни ва уни амалга оширишнинг етакчи ғоялари сифатида қуйидагилар чиқадилар:

- боланинг қадр-қимматини ва унинг ўзига хослигини тушуниш, бола нутқини “яқин ривожланиши ҳудуди”га қараб ривожлантиришни кўзда тутган ҳолда ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш;
- педагогик мулоқотнинг бола билан эмоционал алоқа ўрнатишга, у билан диалогик ҳамкорлик қилишга йўналтирилганлиги;
- мактабгача ёшдаги болаларга нутқни махсус ўргатишнинг асосини коммуникатив ёндашув ташкил этиши лозим бўлган нутқий фаолият тузилмаси доирасида амалга оширилаётган ижодий жараён сифатидаги аҳамиятини тан олиш.

Нутқ маданиятини ривожлантиришга оид ишларга касбий тайёрлик шаклланганлиги мезони сифатида қуйидагилар чиқадилар:

- нутқни ривожлантириш курсини ўрганиш ва болалар билан ишлашга масъулият билан ёндашиш;
- болалар нутқини ривожлантириш механизми ва хусусиятлари, нутқий фаолиятнинг назарий асослари, якка тартибда нутқий ривожланишни диагностика қилиш тамойиллари ва методикаси, нутқнинг турли қирраларини ривожлантириш методлари ва воситаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги билимларнинг тўлиқлиги ва изчиллиги;
- болаларнинг нутқий мулоқоти натижаларини мос равишда таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, бола нутқига педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул тизимини танлаш ва қўллашга қодирлик.

Нутқни шакллантиришнинг муҳим воситаси бўлган бадиий адабиёт бола нутқини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Болаларнинг ушбу санъат турини қабул қилишидаги ўзига хосликлар, мактабгача тарбия муассасасида китоблар ёрдамида амалга ошириладиган ишлар мазмуни ва методикаси тегишли мавзуда очиб берилади.

Нутқдаги бузилишлар – инсон аҳволини баҳолашда тил параметрлари ёрдам бериши мумкин бўлган ягона ҳолат эмас. Айрим вазиятларда (руҳий зўриқиш, сиқилиш пайтида) яхши тайёргарликдан ўтган одамларда физиологик параметрлар бўйича айрим нуқсонлар сезилмайди. Аммо уларнинг нутқи мутахассис бўлмаган одам тушуниши қийин бўлган даражада ўзгаради. Кўпинча фақат тил мезонларигина бундай ҳолат юз беришидан далолат бериши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш – бу мураккаб руҳий жараён бўлиб, у фақат боланинг эшитган нутқига тақлид қилишидан иборат эмас. Бу жараён болаларда умуман мулоқот фаолиятини ривожлантириш ва биринчи навбатда, мулоқотга эҳтиёж мавжудлиги билан боғлиқдир. Боланинг борлиқнинг янги томонларига йўналтирилганлиги: амалий фаолиятдан оламни, сўнгра одамларни, уларнинг муносабатларини ўрганишга ўтиш янги мақсадларга хизмат қилувчи янги мулоқот воситалари заруратини келтириб чиқаради.

Бола лексикасини кенгайтириш, унинг ўз кечинмаларини янада кенг ва хилма-хил ифодалашни ўзлаштириши учун имконият яратади.

Талаффузга ўргатиш 3-босқичда амалга оширилади

1-босқич. Айрим товушлар талаффузини шакллантириш – бу қаттиқ ва юмшоқ, жарангли ва жарангсиз ундошлар талаффузи устида ишлашни кўзда тутади;

Б-лаб портловчи жарангли ундош товуш. Сўзнинг охирида, бошида ва ўртасида келади. **б…, …б…, …б, б-в** каби айтилади, *ароба-арава, кабоб-кавоб* **п**-лаб портловчи жарангсиз ундош товуш.

п…, …п…, ….п-б ва **ф** ундош товушлари ўрнида талаффуз қилинади, фабрика-пабрика, келиб-келип

2-босқич: Айрим сўзлар талаффузини шакллантириш – бу лексикани тўғри талаффуз қилиш, урғу бериш, сўзда урғу бўғинини ажратишдан иборат;

Лексик жиҳатдан: “Кўклам келди” бири фаслнинг номини, иккинчиси ҳаракатни англатади.

Урғу сўзнинг охирги бўғинига тушади: *тикувчи, ти-кув-чи*.

3- босқич: Намунавий гаплар талаффузини шакллантириш – бу ўзгача гап оҳанглари устида махсус ишлашни кўзда тутади. *Чумчуқ* – кичкина қушча.

3. Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг асосий вазифалари. Тилни амалда ўзлаштириш она тилининг барча товуш бирликларини (*товуш – бўғин – ибора - матн*) тинглаб ажратиб олиш ва уларни тўғри талаффуз қилишни назарда тутади, шунинг учун мактабгача ёшдаги болада товушни талаффуз қилишни шакллантириш борасидаги ишлар мунтазам равишда олиб борилиши лозим. Нутқ маданиятини замонавий ва тўлақонли ривожлантириш учун атрофдаги одамлар билан ўзаро ҳамкорлик боланинг мулоқотга бўлган эҳтиёжи таркибини бойитиши зарур. Болаларнинг нутқни эгаллаб олишларининг сабаби уларнинг мулоқот фаолиятларининг **асосини эҳтиёж-мотивация** ташкил қилиши, унинг таркиби ўзгарганлигидадир.

Вербал босқичда болада суст нутқ шаклланади. Ушбу босқичга бўлган даврнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, унинг ичида навбатдаги босқич – фаол нутқ **пайдо бўлиши** босқичига ўтиш учун зарур бўлган шароит вужудга келади. Боланинг фаол нутқни ўзлаштиришнинг **иккинчи босқичида** учта асосий жиҳат ажралиб чиқади: эмоционал муносабатлар; биргаликда фаолият (ҳамкорлик) давомидаги муносабатлар; товушли муносабатлар.

Боланинг катталар билан мулоқот қилишининг кўриб чиқилаётган ҳар бир жиҳати унинг олдига катталар томонидан қўйилаётган ва сўздан жамиятда ўзаро бир-бирини тушуниш учун шартли равишда қабул қилинган восита сифатида фойдаланишни талаб қилишдан иборат бўлган коммуникатив вазифани қабул қилишига ёрдам беради. Бундан ташқари, коммуникатив омилнинг кўриб чиқилаётган ҳар бир жиҳати у ёки бу даражада ва ўз ҳолича

болаларнинг коммуникатив вазифани ҳал этишларига, яъни нутқдан фойдаланишларига ёрдам беради.

Нутқни ривожлантиришнинг **учинчи босқичида** – унинг материяси (лексика ва грамматика) боланинг мулоқот вазифасини ўзгартирган ҳолда катталар билан мулоқотга бўлган эҳтиёжига ва унинг таркибига узвий боғлиқ бўлади. Бу боланинг нутқнинг янги, янада мураккаб ва кенг қамровли жиҳатларини ўзлаштиришига олиб келади.

Боланинг руҳан шаклланишида нутқнинг ҳал қилувчи ўринни эгаллаши унинг турли босқичларда ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг аҳамиятини янада оширади. Нутқ ривожини ҳаракатлантирувчи кучлар ҳақидаги масала улар шиддат билан ва тўсатдан амалга оширилиши туфайли ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Оҳанг, тембр, урғу, паузанинг турли хиллари товуш ифодалилигининг муҳим воситалари ҳисобланади.

Болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган интерфаол усуллар:

“Ақлий ҳужум”, “Қисқа ҳикоя”, “Савол- жавоб”, “Тетиклаштирувчи машқлар”.

Керакли жиҳозлар:

“Қувноқ тилча ҳақида” эртаги билан ишлашни мўлжаллаш.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи: Болалар, қани айтинг-чи: “Биз нима орқали гапирамиз?” (оғзимиз билан). Тўғри, оғзимиз орқали. Оғзимиз уйчага ўхшайди. Бу уйчада нима яшайди? Тўғри, тил. Тил ҳақида эртак эшитганмисиз? Қани эслаб кўринг-чи. Тил уйчада яшайди. У яшайдиган уйчанинг эшиги бор-а? Унинг уйчасида битта эшикча эмас, балки иккита эшикча бор эди. Биринчи эшиги - лаблар, иккинчи эшиги –тишлар. Бу уйнинг шифти ҳам бор эди. Бу нима деб аталар эди? Тўғри, танглай. Биз гапирмаганимизда уйчанинг иккала эшикчаси ёпиқ бўлади ва тилча кўринмайди. Ҳаммангиз оғзингизни ёпинг ва бир-бирингизни оғзингизга қаранг. Тилча қоронғида ўтиравериб зерикиб, кўчага чиқиб сайр қилиб келмоқчи бўлади. Аввал тил учини чиқариб, ҳаво қандай эканлигини билиб олмоқчи бўлади. Келинглар, ҳаммамиз шундай қиламиз (тарбиячи болаларни бу ҳаракатни қандай бажараётганликларини текшириб чиқади). Мана, қандай кенг тилча, ҳаммангиз бир-бирингизга қаранглар. Бирдан қаттиқ шамол эсди, тилча буришди. Ингичка бўлиб олди, сўнгра бутунлай уйчасига яширинib, ухлаш учун караватчасига чўзилди. (болаларни текшириш).Уйқудан уйғонган тилча машқ қилмоқчи бўлди, юқорига кўтарила бошлади (юқоридаги тишлар орқасига), сўнгра пастга тушади (пастки тишлар орқасига) (тарбиячи ҳар бир болани текширади). Тилча аввал машқни секин-секин бажаради, сўнгра тез-тез сакрай бошлади. У сакраганда шифтга етай-етай деди, сакраб шифтни тил учи билан силаб қўйди.Тилча машқ қилиб бўлгач, яна кўчага чиқмоқчи бўлди. Кўчага чиқиб зинапояга ўтирди (тилнинг кенг олдинги қиррасини пастки лабга қўйиш, болалар бу ҳаракатни бажараётганларида пастки лабларини

қийшайтирмасинлар, пастки тишларга тегизмасинлар). Бир ўзи ўтираверib зерикди, ўйнаш учун кўчада ҳеч ким йўқ эди. Болалар йўқмикин, деб тилча аввал ўнг томонга, сўнгра чап томонга қаради. Ҳеч бир бола йўқ эди. Болаларни қидириб уйининг атрофида югура бошлади (тил оғиз атрофида айланма ҳаракат қилади). Бирга ўйнаш учун шерик топди, севинганидан сакради ва тили билан чўлпиллатди (тилни танглайга ёпиштириб, учи билан чўлпиллатади (болалар текширилади). Тилча мазза қилиб сайр қилганидан сўнг уйига кетди ва иккала эшикни ёпди. Уйчасининг эшиклари оддий эмас, икки қаватли. Булар - лаблар. Мана юқоригиси, мана пасткиси (кўрсатади). Лаблар ҳам кўп ҳаракат қила оладилар. Мана улар кўп ҳаракат қилиб жилмайишди. Келинглар, ҳаммамиз жилмаямиз, сўнгра улар нимагадир аччиқландилар ва олдинга найчага ўхшаб чўзилдилар (текшириш). Сўнгра лаблар бироз очилиб, иккинчи эшикни кўрсатишди (тарбиячи тишларини кўрсатади). Мана юқориги тишлар, мана бу пастки тишлар.

Ҳамма эшикларни ёпамиз, тилча жуда ҳам чарчади, унинг дам олгиси келяпти.

Жисмоний дақиқа.

Болалар, яна бизнинг овозимиз ҳам бор-а! У ҳам уйчада яшайди. Бироқ унинг уйчаси оғизда эмас, бўйинда (кўрсатади).

Баъзан овоз ухлайди ва секингина пишиллайди, унинг пишиллаши эшитилмайди (тарбиячи “с” товушини талаффуз этади Сўнгра болалар “с” товушини талаффуз этадилар. Қўлларининг орқа томонини бўйинларига қўйиб, овоз ухлаяптими ёки йўқми, текшириб кўрадилар). Овоз уйқудан тургандан кейин ашула айтади. У шундай овозда ашула айтадики, ҳатто уйчанинг деворлари титрай бошлайди (бола “з” товушини бўйинга қўл кафтининг орқа томонини қўйиб талаффуз этади. Бу билан овоз ухлаяптими ёки йўқми, текширилади. Худди шу тариқа болалар икки – уч марта “с” ва “з” товушини навбатма-навбат талаффуз этадилар ва товуш ухлаяптими ёки ашула айтяптими аниқлашади. Болалар, бугун биз кўп нарсаларни билиб олдик. Машғулот болаларни рағбатлантириш билан якунланади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

Демак, гапиришимиз учун бизга нималар ёрдам беради?

(лаблар, тил, тил учи, тил кураги, тилнинг орқа қисми, тишлар, танглай, товуш).

2-машғулот:

Мавзу: «О» товушини талаффуз қилиш.

Мақсад:

- **«О»** товуши билан таништириш.

Вазифалар:

- **«О»** товушини талаффуз қилишга ўргатиш;

•**«О»** товушининг унли товуш экани ҳақида тушунча бериш, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш,унинг тўғри талаффузини ўргатиш;

•**«О»** товушли сўзлар билан болалар нутқини бойитиш.

Кутилаётган натижалар:

• **«О»** товушининг унли товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар;

•**«О»** товушли сўзлар айта оладилар.

Керакли жиҳозлар:

•**«О»** товуши бор суратлар, кубик: бир томонига лабнинг очиқ ҳолати расми ёпиштирилган, бошқа томонларига унли ҳарфлар ёпиштирилган.

•**Машғулотнинг бориши**:

Тарбиячи болаларнинг товушлар ҳақидаги билимини аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар беради.

Товушларни нима қиламиз? (товушларни талаффуз қиламиз ва эшитамиз).

Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштиради: нутқ товушлари 2 хил бўлади: унли товушлар ва ундош товушлар, Товушларни айтамиз, эшитамиз.

Бугун биз «О» унли товуши билан танишамиз.

«О» товушини талаффуз этганимизда қуйидаги ҳолат юз беради:

Лаблар айлана шаклида (думалоқланган) ва бир оз олдинга чиқади, тишлар думалоқланган лаблар билан беркилади, тил илдизи бир оз юқорига кўтарилади, юмшоқ танглай томоқнинг орқа деворига сиқилган бўлиб, бурун йўлларини ёпиб туради, ҳаво оқими оғиз бўшлиғи орқали ўтиб кетади, товуш бойламлари боғланган бўлиб, тебранади ва товуш ҳосил бўлади.

Унли товушлар тўсиққа учрамайди, чўзиқ айтилади. Унли товушни биз қизил рангда белгилаймиз (қизил квадрат шаклни кўрсатилади). Кубикларнинг (тарбиячи кубикни кўрсатади) бир томонига лабнинг очиқ ҳолати расми ёпиштирилиб белгиланади. Сиз кубикларни ўйнаётганингизда билингки, кубикнинг бир томонига лабнинг очиқ ҳолати расми ёпиштирилиб, қолган томонларда ҳарфлар кўрсатилган бўлса, демак бу кубикдаги ҳарфлар унли ҳарфлар бўлади. Мана қаранг, кубикнинг бир томонига лабнинг очиқ ҳолатидаги расми ёпиштирилиб, бошқа томонида **«О»** ҳарфи ёпиштирилган. Демак, **«О»** ҳарфи унли товуш эканлигини билдиради.

Хаттахта таглигига уй ҳайвонларининг расми териб қўйилади (қўй, эчки, сигир, бузоқ, от) ва қуйидагича суҳбат орқали от сўзи ажратиб олинади.

- Уй ҳайвонлари номини айтинг.

(қўй, эчки, сигир, от).

Улар нима учун уй ҳайвонлари дейилади?

(чунки уларни уйда одамлар боқади, парваришлайди).

Шу ҳайвонларнинг қайси бири номида **«О»** товуши бор? Айтиб кўриб аниқланг-чи? (тарбиячи ўзи айтиб ёрдам беради: о-о-о т.)

(От сўзида **«О»** товуши бор).

- **«О»** товушини талаффуз қилиб, унинг қандай товуш эканини аниқланг.

(о-о-о - о унли товуш экан.)

- Қаердан билдингиз?
- **«О»** товуши тўсиққа учрамаяпти, чўзиқ айтиляпти.

Тўғри: **«О»** товуши чўзиқ айтиляпти, унли товуш. От сўзида **«О»** товуши сўзнинг бошида келяпти, **«О»** товуши сўз ўртасида ҳам, охирида ҳам келади. Масалан: *садо, нон.*

Жисмоний дақиқа.

Тарбиячи болаларга «Расмни топ» ўйинини таклиф этади**.** Бунинг учун тарбиячи болаларни уч гуруҳга бўлади: 1-гуруҳга **«О»** товуши билан бошланадиган предметлар расмларини топиш, 2-гуруҳга **«О»** товуши билан тугайдиган предметлар расмларини, 3-гуруҳга **«О»** товуши сўз ўртасида келган предметлар расмларини топиш айтилади, қайси гуруҳ ўйланиб, белгиланган муддатда сўз топа олмаса, ўйиндан чиқади. Ўйинни охиригача давом эттирган гуруҳ ғолиб саналади.

Болалар учун амалий иш.

Тез айтиш:

Оққуш кўлда сузади,

Оппоқ бўйин чўзади

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

Бугун қайси товуш билан танишдик?

У қандай товуш экан?

Бу товушни нима қиламиз?

Биз товушларни нима учун ўрганамиз?

Қайси товушлар унли товушларга киради?

Халқ эртаклари, ривоятлар ва халқ ўйинлари орқали болалар нутқ маданиятини ривожлантириш.

I. «Тулки, қуён ва хўроз» халқ эртаги:

- Бола мазкур эртак мазмунини қабул қилиб тушундими?
- Бола кўргазма асосида эртак мазмунини сўзлаб бера оладими?
- Бола эртак мазмунини кўргазмали воситасиз сўзлай оладими?

Болаларга эртак ўқиб берилгандан кейин бир кун ўтиб, ҳар бир бола билан ушбу эртак бўйича тажриба учун суҳбат ўтказилди. Эртак юзасидан қуйидаги саволлар берилди:

1. Тулкининг уйи қуённинг уйидан нимаси билан фарқ қилади?

2. Нимага тулки қуённи уйидан ҳайдаб чиқарди?

3. Хўроз қуённи қандай қилиб қутқарди?

Саволлардан кўриниб турибдики, биринчи савол эртакдаги парчани қайта ҳикоя қилиб беришга қаратилган бўлса, иккинчи саволимиз эртак бўйича бола ўз фикрини билдиришга қаратилган. Учинчи саволимиз эса, нутқнинг ифодавийлигини талаб этади.

2. Ривоят.

Бир кампирнинг ўғли бор экан. Унинг хотини ва тўрт ёшли ўғли бор экан. Набира бувисини ниҳоятда яхши кўраркан. Ҳар куни келин овқат пишириб қайнонасига ёғоч коса, ёғоч қошиқда овқат берар экан. Набира буни кузатиб борар ва ажабланар эди. Бир куни келин ўғли ёғочдан нимадир ясаётганини кўриб қолибди.

- Нима ясаяпсан, болам?-, деб сўрабди онаси.
- Сиз билан отамга товоқ ясаяпман. Катта бўлганимда сизларга шунда овқат бераман,- дебди ўғил. Келин ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, қайнонасига меҳрибон бўла бошлабди.

Бир кундай сўнг ҳар бир болага мазкур ривоят бўйича қуйидаги саволлар берилди:

- Келин қайнонасига овқатни нимада берар эди?
- Келин ўғли ёғочдан нимадир ясаётганини кўриб, нима қилаяпсан болам, деб сўраганда қандай жавобни эшитди?
- Кейин нима бўлди?

3. «Чўлоқ жўжа» ўйини.

Бу ўйинда болалар ярим доира шаклида ўтирадилар. Полга бешта таёқча тўртта катакли нарвон шаклида ташлаб қўйилади. Ҳар бир катакчага биттадан стол қўйилади. Столга ўтилган мавзулар бўйича ўқилган эртак ва ривоятлардан қисман тасвирланган расмлар жойлаштирилади. «Чўлоқ жўжа» полдаги бола ўйнаб синфдан-синфга сакраб юради. Агар у расмда тасвирлангани бўйича саволга жавоб берса, кейинги синфга икки оёқда, агар жавоб бера олмаса бир оёқда туриб, яъни, жойига бориб ўтиради. Агар хато қилса бир оёқда сакраб боради. Бу ўйинда қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб қилинади:

- Эртакнинг номини айтиб беринг.
- Расмда тасвирланган парчани айтиб беринг.
- Ривоятда тасвирланган парчани айтиб беринг.

Болалар нутқини ривожлантиришни рағбатлантирувчи ёки уни секинлаштирувчи кучларни аниқлаш ушбу жараёнда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда педагогик саъй-ҳаракатларни уюштириш калитидир. Кадрлар тайёрлаш

миллий дастурида, кўп маротаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

4. Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган турли органларнинг аҳамияти. Нутқнинг товуш маданияти. Фонематик қабул қилишни, нутқнинг талаффуз ва ифода жиҳатларини ривожлантириш. Артикуляция ва акустика жиҳатидан яқин товушларни (қаттиқ ва юмшоқ, жарангли ва жарангсиз, шувулловчи, сонор) эшитишда ажрата олиш ва уни тўғри талаффуз этиш. Сўзлардаги, тез айтишлардаги, қисқа шеърлардаги товушларни тўғри ифодалашни машқ қилдириш. Ифода, интонация суръати ва баландлигини беихтиёр тартибга солишни ўргатиш.

Болаларга она тилида нутқни ўргатиш тажрибасидан маълумки, алоҳида товушлар артикуляциясини ўзлаштириш бола учун энг қийин вазифа ҳисобланади. О.И.Соловьева нутқнинг товуш маданиятини тарбиялашга доир ишларнинг асосий йўналишларини белгилар экан, «педагог олдида болаларга сўзлардаги товушларни соф, тоза талаффуз қилиш, сўзларни рус тилининг орфоэпия қоидаларига мувофиқ ҳолда тўғри талаффуз қилиш, аниқ талаффуз этишни (яхши дикция) ўргатиш, уларда ифодали нутқни тарбиялаш вазифалари турганлигини» таъкидлайди[3].

Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган турли аъзоларнинг аҳамияти

1. Нафас аппарати:
2. Бўғиз (ҳиқилдоқ) бўшлиғи:
3. Оғиз бўшлиғи (тил, танглай, кичиктил, тиш, ва лаблар):
4. Бурун бўшлиғи (товуш оҳангига алоҳида тус беришда иштирок этади).

Дикция – талаффуз тарзи, талаффузни аниқ равшанлиги даражаси. Педагог учун тўғри талаффуз энг керакли қурол. Чунки эшитаётганлар тушуниши учун – талаффуз равон, ҳар бир бўғин, сўз ва товушларни аниқ айтиши керак.

Ритмика – овоз мароми ёки вазни. Баъзи бир сўзларнинг бўғинларнинг талаффузи, уларнинг тезлигини нутқ суратини ташкил этади.

Овоз тезлиги ҳар бир педагогнинг фазилати. Нутқ мазмуни муомала вазиятига боғлиқ.

Пауза – темп ва нутқнинг ёқимли бўлиши нутқ оҳангини ташкил этади. Бир оҳангда нутқ зерикарли бўлиб қизиқиш ва диққатни пасайтиради.

Оҳанг, тембр, пауза, урғулашнинг турли хиллари товуш ифодалилигининг муҳим воситалари ҳисобланади.

Тилни амалда ўзлаштириш она тилининг барча товуш бирликларини (товуш – бўғин – ибора - матн) тинглаб ажратиб олиш ва уларни тўғри талаффуз қилишни назарда тутади, шунинг учун мактабгача ёшдаги болада

[3] Соловьева О.И. Методика развития речи и обучения родному языку в детском саду. 3-нашр. –М., 1966. –Стр. 50-51.

товушни талаффуз қилишни шакллантириш борасидаги ишлар мунтазам равишда олиб борилиши лозим.

Болага интонациядан тўғри фойдаланишни, билдирилаётган фикрнинг нафақат мазмуний аҳамиятини, балки эмоционал хусусиятларини ҳам берган ҳолда, унинг интонацион тасвирини қуришни ўргатиш жуда муҳим. Шу билан параллел равишда, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, талаффуз темпи, паст-баландлигини тўғри қўллаш, товушлар, сўзлар, иборалар, гапларни аниқ талаффуз қилиш (дикция) қобилиятини шакллантириш ишлари ҳам олиб борилиши лозим.

Болаларда нутқнинг интонацион жиҳатига диққат-эътибор қаратишни тарбиялар экан, катта ёшли одам (педагог) унинг нутқни тинглаш қобилиятини, тембр (ҳар бир товушнинг ўзига хос бўлган сифати) ва вазнни ҳис қилиш, товуш кучини сезишни ривожлантиради, бу эса келгусида мусиқа тинглаш қобилиятини ривожлантиришга ҳам таъсир кўрсатади.

Нутқ интонацияси, товушнинг ифодалилиги устидаги ишлар болаларнинг билдирилаётган фикрга нисбатан, матндан келиб чиққан ҳолда, овозини баландлатиб ёки пасайтириб, талаффуз қилинаётган матнга мантиқий ва эмоционал урғу бериш орқали ўз муносабатини билдиришни ўрганишлари учун зарур. Бунинг учун педагог тегишли топшириқлардан кўпроқ фойдаланиши лозим. Айнан ушбу қобилиятлар болага турлича интонацион ифодалашни талаб қилувчи турли хилдаги равон фикрларни тузиш – ҳикоя қилиш, тасвирлаш, мулоҳаза юритиш учун зарур бўлади.

Тарбиячи нутқнинг товуш жиҳатини ривожлантирар экан, болага фикрларнинг предмет, фикр билдириш мавзуси ва тингловчилардан келиб чиққан ҳолда коммуникатsiя мақсадлари ва шартларига мос келишини ҳисобга олишни ўргатиши лозим.

Нутқнинг паст-баландлиги ўринли бўлиши, тезлиги эса атрофдаги муҳитга ва фикрнинг мақсадига мос келиши лозим. Яхши, тўғри нутқнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб унинг равонлиги ҳисобланади.

Артикуляцион ва интонацион қобилиятнинг узвий боғлиқлиги кенг маънодаги тинглаш ва артикуляцион-талаффуз кўникмаларини шакллантиришни назарда тутади.

Иш жараёнида тарбиячи болаларга сўзнинг товуш таркибини, сўздаги урғу ўрнини тинглаб, аниқлай олишга, қофия ва вазнни ҳис қилиш туйғусини ривожлантиришга, аниқ талаффузни, сўзлар, иборалар, гапларнинг турли интонацион тавсифларини бера олиш қобилиятини шакллантиришга ёрдам берадиган машқлардан фойдаланиши зарур.

Бу мураккаб нутқий кўникмаларни шакллантириш фонетик машқларни такрорлашни, уларни мунтазам равишда ўтказишни талаб қилади.

Ҳар бир нутқий вазифа устидаги ишларнинг устувор йўналишларини ажратар эканмиз, уларнинг барчаси ўзаро боғлиқликда ва яқин ўзаро ҳамкорликда иштирок этишини таъкидлаш лозим.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг мазмуни ва моҳияти нималардан иборат?

2. Талаффузга ўргатишнинг қандай асосий босқичларини биласиз?

3. Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг асосий вазифаларига нималар киради?

4. Товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган турли органларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

5. Болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган қандай интерфаол усулларни биласиз?

8-Мавзу: Грамматик қурилишни шакллантириш методикаси

Таянч тушунчалар: *тизим, грамматик тизим, грамматик кўникма, грамматик ривожланиш.*

1. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантириш мазмуни. Бола тилининг грамматик тизимини ўз вақтида шакллантириш – уни тўлақонли нутқий ва умумий психологик ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тилнинг грамматик тизимини бола предметли ҳаракатларни ўзлаштириш билан узвий боғлиқликда билишни ривожлантириш асосида эгаллайди. Мактабгача ёшдаги бола нутқининг грамматик тизимини шакллантириш морфология (сўзларни родлар, сонлар, келишикларга қараб ўзгартириш), сўз ҳосил қилиш (махсус воситалар ёрдамида бир сўз негизида бошқа сўзни ҳосил қилиш), синтаксис (оддий ва қўшма гапларни тузиш) устидаги ишларни ўз ичига олади.

Болаларнинг грамматик ривожланиши бошқаришни педагог энг аввало ҳам боланинг ўзи билан (диалог шаклида), ҳам бошқа болалар билан биргаликдаги мулоқот фаолияти воситасида амалга ошириши лозим. Болаларда грамматик тизимни – синтаксис, морфология, сўз ҳосил қилишни шакллантириш ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиб, уларни ривожлантириш учун педагог турли воситаларни қўллаши даркор. Морфология ва сўз ҳосил қилишни ўзлаштириш учун рағбатлантирувчи тил ўйинлари; синтаксисни ривожлантириш учун эса, кенг фикр билдириш учун мотивасияни яратиш муҳим.

Маълумки, болалар ўз иқтидорига қараб турлича даражада ривожланади ва ўз навбатида педагогнинг раҳбарлиги ҳам босқичли хусусиятга эга бўлади. Бола ҳаётининг бешинчи йилида педагог рағбатлантиришга (гап сўз ҳосил қилиш ва сўз ижодкорлиги хусусида бормоқда); олтинчи йилда – гап таркибини энг оддий таҳлил қилиш, нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантиришга (сўз ўзгартиришда); еттинчи йилда – ҳосила сўзлар ўртасидаги расмий-семантик муносабатларни оддий таҳлил қилишга, нутқий ижодкорликка,

мураккаб синтактик тузилмаларни ихтиёрий тузишга алоҳида эътибор бериши лозим.

Дидактик ўйинлар ва грамматик мазмундаги машқлар - болаларнинг тилга оид ўйинларини, уларнинг грамматик соҳасидаги фаоллигини рағбатлантиришнинг муҳим воситасидир. Педагог болаларга сўз бирикмасини ўйлаб кўриш, сўнгра гапда сўзларни бир-бири билан тўғри боғлаш қобилиятини ўргатиши зарур.

Болалар фикрларида мураккаб синтактик тузилмаларни шакллантиришни «ёзма нутқ вазияти»да, яъни бола матнни айтиб турадиган, катта ёшли киши эса, уни ёзиб борадиган вазиятда амалга ошириш тавсия этилади.

Болага бир турдаги тузилмалардан фойдаланмаган ҳолда сўзларнинг тўғри тартибини қўллашни ўрганишда ёрдам берадиган машқларга алоҳида эътиборни қаратиш зарур.

Муҳими, болада гап таркиби ҳақида ва ҳар хил турдаги гапларда лексикадан тўғри фойдаланиш ҳақида оддий тасаввурлар шакллансин. Бунинг учун болаларга гапда сўзларни бириктиришнинг турли усулларини, сўзлар ўртасидаги айрим мазмунли ва грамматик боғлиқликлардан фойдаланишни ҳамда гапни интонасион жиҳатдан расмийлаштиришни ўргатиш зарур.

Шундай қилиб, нутқнинг грамматик тизимини шакллантириш жараёнида синтактик бирликлар билан амаллар бажариш кўникмаси шаклланади, муайян мулоқот шароитида ва равон монологик фикрларни тузиш жараёнида тил воситаларини онгли равишда танлаш таъминланади. Бола тилининг грамматик тизимини шакллантириш унинг нутқи (тили) ривожланишининг умумий оқимида рўй бериши лозим; педагогик раҳбарлик шакллари ва методлари умумий нутқий ривожланишнинг босқичма-босқич хусусиятга эгалигини, энг аввало диалог ва монологни, сўзгача бўлган мазмунли-семантик тизимдан вазиятга оид ихтиёрий иборали нутққа ўтиш (кейинчалик диалог ва монолог ривожланади), болаларнинг нутқий ҳаваскорлиги соҳаси сифатида тенгдошлар билан мулоқотнинг диалогик шаклларини ўзлаштиришни ҳисобга олиши лозим.

2. Грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари. Мактабгача катта ёшда нутқнинг грамматик тўғрилигини шакллантириш нутққа нисбатан танқидий муносабат пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши, аниқ ва тўғри сўзлашга интилиш билан боғлиқ. Тўғри сўзлашга интилиш грамматиканинг барча соҳалари – морфологияда (аниқ шакл ҳосил қилишда, шаклларнинг турли-туманлигини ўзлаштиришда: столлар, стуллар, қаватлар ва бошқ.), сўз ҳосил қилишда, (нон учун – нондон, туз учун туздон ва бошқ.) синтаксисда (оғзаки нутқ қурилмасини енгиб ўтиш ва боғловчисини кўп марта қўллаш орқали гапни чўзиб юбориш, битта гапда тўғри ва билвосита нутқни аралаштириб юбориш ва бошқ.) кўзга ташланади. Нутқнинг грамматик тўғрилигига интилиш кўпроқ етти ёшли болаларга хосдир. Беш ёшли болакай ҳали ҳам грамматик шакллар устида завқ билан машқ қилади ва айнан мана шу

сўз билан машқлар келажакда грамматик жиҳатдан тўғри ифодаланган нутқ учун пойдевор яратади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг нутқини тадқиқ этиш натижаларини сифат жиҳатдан таҳлил этиш шуни кўрсатдики, энг кўп фикр билдиришлар ҳажми севимли эртакларни айтиб бериш ҳиссасига, энг ками эса, ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб, ҳикоя тузиш ҳиссасига тўғри келди. Фикр билдириш ҳажми ва нутқнинг тезкорлиги нафақат боланинг фаол луғат заҳирасини, балки унинг «ўта тезкор синтез» қила олиш қобилиятини ҳам тавсифлайди. Бундан ташқари, фикр билдириш ҳажми унинг объект билан танишлик даражасидан далолат бермоқда. Болаларнинг бирон-бир нарса, ҳодиса ҳақидаги билимлари қанчалик чуқур ва хилма-хил бўлса, уларнинг фикр билдиришлари ҳам шунчалик кенг бўлади.

Болаларнинг нутқида оддий гаплар кўпчиликни ташкил қилади. Баъзан «эса», «ва» каби боғловчилар иштирокида тузилган ва баъзан эса уларсиз боғланган қўшма гаплар ҳам учраб туради. Билдириш хусусиятига кўра болалар ҳикояларидаги аксарият гаплар дарак гаплардир, нутқ бир хил оҳангда жаранглайди, кўпинча сўзлар ўртасидаги синтактик боғлиқлик, яъни: гапдаги сўзлар тартиби, инверсия бузилишига оид хатоликларга йўл қўйилади. Ҳикоя қилиб беришда сўз бирикмаларини тузишда хатоликларга йўл қўйилиши кузатилди.

- эганинг кесим билан нотўғри боғланиши: келди қуён;
- аниқловчининг аниқланувчи сўз билан нотўғри боғланиши: учради *айиқ,* учради *тулки;*
- келишикда ва келишик-гап бошқарувидаги хатоликлар: сайрга айиқ билан чиқдик.

Болалар фикрларининг таҳлили шуни кўрсатдики, улар нутқида аниқ маъноли отлар устунлик қилади. Нутқни отлар билан бойитиш қуйидаги шароитлар таъсирида рўй беради: бола ўзи учун қандайдир аҳамиятга эга бўлган нарсаларнинггина номларини ўзлаштириб олмоқда; унга таниш нарсалар ва шахслар ижобий таъсир кўрсатади.

Машғулот:

Мавзу: «Тулки болалари билан» сурати бўйича ҳикоя қилиш.

Мақсад: Сурат бўйича ҳикоя қилиш малакаларини мустаҳкамлаш.

Вазифалар:

- тегишли сифатларни ҳосил қилишга ўргатиш;
- жумлани грамматик таҳлил қилиш;
- феълларнинг мураккаб грамматик шаклларидан фойдаланишни машқ қилиш.

Кутилаётган натижалар:

- сурат бўйича ҳикоя қилиш малакалари мустаҳкамланади;
- ҳикоя тўқишга қизиқиш уйғонади;
- тегишли сифатларни ҳосил қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

“Тулки болалари билан” сурати.

Машғулотнинг бориши. Тарбиячи болаларга суратни кўрсатади. Тулки ҳақида топишмоқни эслашларини сўрайди.

Сурат бўйича тарбиячининг саволлари.

1. Суратда тулки қандай тасвирланган? (малла, чаққон, айёр).

2. Тулки нима қилишни билади? (овлайди, айёрлик қилади).

3. Тулки ҳақида ўзингиз топишмоқ тўқий оласизми?

Маллагина момиққина-бу нима? (тулки).

Болалар, суратга қараб ҳикоя тўқинг. Аввал тулки болалари билан қайерда, қачон ўйнашганини ўйлаб топинг. Кейин суратда нима тасвирланганига қараб ҳикоя ўйлаб топинг. Ҳикоянгиз якунланган бўлиши керак.

2-3 нафар болаларнинг ҳикоялари тингланади ва рағбатлантирилади.

Тетиклаштирувчи машқ

Ўйиннинг бориши: Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи коптокни қўлига олиб, ўйинни бошлаб беради. Тарбиячи болаларга коптокни отиб, турли саволлар билан мурожаат қилади: бирор ёввойи ҳайвоннинг номини айт. Нима учун ёввойи ҳайвон дейилади. Тулкининг пўсти қандай? Қуённинг пўсти қандай? Бўрининг пўсти қандай? Бўри билан тулки ўтхўр-ми ёки йиртқи?

Ўйин шу тарзда давом этади. **Изоҳ:** Тарбиячи ўйин давомида копток ҳар бир болага боришига ва жавоблар қайтарилмаслигига, болалар нутқининг грамматик тўғри тузилишига аҳамият бериши керак.

Тарбиячи суратни олиб қўяди. Ўйинчоқ тулкини кўрсатади. Болалар, тулки бизга меҳмонга келди. У сиз билан бирга ўйнамоқчи. Тулки сизнинг барча топшириғингизни бажаради. Фақат сиз ундан тўғри илтимос қилсангиз бас. Нодир, сен тулкидан нимани сўрамоқчисан? “Тулки қўшиқ айтиб бер!”. Сен-чи, Маҳмуд? “Тулки, ўйнаб бер!” Баракалла болалар топшириқни тўғри бердинглар. Тулки сизнинг ҳамма топшириғингизни бажарди. Сайрда у билан ўйнашни давом этасиз.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тулки қандай ҳайвон?

2. Суратда тулки қандай тасвирланган?

3. Тулки ҳақида ўзингиз топишмоқ тўқий оласизми?

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишини шакллантириш мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.

2. Болаларнинг нутқининг асосий қисмини қандай гаплар ташкил қилади?

3. Грамматик кўникмаларни шакллантиришнинг қандай усуллари мавжуд?

4. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантиришда қандай машқ ва ўйинлардан фойдаланиш мумкин?

5. Мактабгача ёшдаги бола нутқининг грамматик тизимини шакллантириш қандай ишларни ўз ичига олади?

9-мавзу. Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар

Таянч тушунчалар: *таълимий ўйинлар, кўргазмали материал, дидактик ўйинлар, қоидали-ҳаракатли ўйинлар, стол-босма ўйинлар, оғзаки сўзли ўйинлари, ўйин темпи ва ритми, сенсор маданияти.*

1. Мактабгача таълим муассасаларида таълимий ўйинлар ва уларнинг аҳамияти. Таълимий ўйинлар болаларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган ўйинлар сирасига киради. Дидактик ўйинларнинг муҳим белгиси ундаги қоидаларнинг мавжудлигидир. Ўйинда ўйиннинг мақсади, ўйин қоидалари, ўйин ҳаракатлари ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ўйин мақсади ўйин ҳаракатларининг табиатини белгилайди. Ўйин қоидаси эса ўйин ҳаракатларини, вазифасини ҳал этишга ва ўйиндаги ҳаракатларни амалга оширишга ёрдам беради.

Таълимий ўйинлар орқали болаларга янги билимлар, тушунчалар бериб борилади. Бу ўйинларда боланинг ҳар томонлама ривожланиши, билим жараёни, сенсор маданияти, нутқ фаолияти, ақлий қобилиятлари такомиллашади. Ўйин қоидасига риоя қилиш, унга амал қилиш ўйин мазмунини бойитади.

Таълимий ўйинларда табиий нарса ва буюмлардан кенг фойдаланилади. Боланинг кун тартибида таълимий ўйин учун вақт ва жой ажратилиши керак. Бундай ўйинлар машғулот жараёнида ва ўйиндан ташқари вақтларда гуруҳ ёки якка-якка ўтказилади. Бунда ўйин мазмуни ва натижаси пухта аниқланади. Таълимий ўйинларда қуйидаги қоидаларга амал қилиниши керак:

1. Навбатма-навбат таъсир этиш.

2. Сўралганда жавоб бериш.

3. Ўртоқларининг фикрини эшита олиш.

4. Ўйин жараёнида бошқаларга халақит бермаслик.

5. Ўйин қоидасини бажариш.

6. Ўз хатосини тан олиш.

Миллий халқ ўйинлари икки гуруҳга бўлинади:

1. Миллий ҳаракатли ўйинлар.

2. Миллий халқ ўйинлари.

Миллий ҳаракатли ўйинлар спорт турлари ҳамда халқимиз қадриятлари билан алоқадор бўлиб, улар асрлар давомида даврларга мос равишда ривожланиб, такомиллашиб, эъзозланиб келинган. У болаларнинг жисмонан бақувват, соғлом, жасур, қатъиятли, чаққон, уддабурон бўлиб ўсишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Халқ миллий ўйинларида миллатнинг ўтмиш тарихи, маънавий ва маданий ривожланишининг характер-хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари жамлангандир.

Болаларнинг ўз ташаббусига кўра ёки катталарнинг таклифига кўра ҳикоя қилиб беришга қизиқишини қўллаб-қувватлаш, эртаклар, суратлар ва ўз шахсий тажрибасига оид таассуротларнинг сўздаги мазмунини қисқа ҳикоя, мулоҳаза, тавсифлар ёрдамида ифодалашни ўргатиш. Дабдурусдан туғилган сўз ижодкорлигида, товушлар ва қофиялар билан ўтказиладиган ўйинларда, сўзлар билан амалга ошириладиган синовларда, уларнинг жарангдорлиги ва аҳамияти, сўзлар мазмунини талқин қилишда кўзга ташланадиган сўзларга қизиқишни қўллаб-қувватлаш зарур. Тил воқелигини энг оддий англашни ривожлантириш, болаларни «товуш», «сўз», «гап» атамалари билан таништириш.

Лексик мазмундаги ўйинлар ва машқлар – нутқнинг мазмун жиҳатини ривожлантиришнинг зарур шарти ҳисобланади. Уларда турли предметлар ва объектларни таққослаш, турли умумий хусусиятлар ва функцияларни ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда реал объектлар (ўйинчоқлар, расмлар, кийимлар, мебел ва ҳ.к.) ҳам, хаёлий вазиятлар (қувноқ ва ғамгин тулкичанинг ҳаракатлари, эрта ва кеч куз об-ҳавоси ва ҳ.к.) ҳам таққосланиши мумкин. Ҳикоя қилишдан олдинги луғат машқлари болалар равон нутқларининг аниқ ва образли сўзлар ҳамда иборалар билан бойитилишига ёрдам беради.

Мавзу: Ижодий ҳикоя тузиш: “Ўжар жўжа”.

Мақсад: Тарбиячи томонидан айтилган ҳикояни ниҳоясига етказишга, жумлаларни қисқа, лўнда тузишга ўргатиш.

Вазифалар:

- боғланган нутқни ривожлантириш;
- гапираётганда сўзларни бир-бирига боғлаб, жумлалар тузиш малакасини мустаҳкамлаш.

Саводга ўргатиш: сўзлардан гап тузиш ва уни “ўқиш” малакасини ўстириш;

- -сўзларни бўғинларга ажратиш.

Кутилаётган натижалар:

- ҳикоя тўқишга қизиқиш уйғонади.

- сифатларнинг қиёсий (солиштирма) даражаларини ясашга ўрганадилар.

Керакли жиҳозлар:

- Мавзуга оид расмлар.

Машғулотнинг бориши. Болалар, ҳозир мен сизга ўжар жўжа ҳақида ҳикоя айтиб бераман. Сиз диққат билан эшитинг, ҳикоянинг давомини сиз айтиб берасиз. Бир товуқнинг 7 та жўжаси бор экан. Улардан биттаси ўжар экан. Онасининг сўзига қулоқ солмай уни қийнар экан. Бир куни она товуқ жўжаларга ёлғиз кўчага чиқманглар, адашиб қоласиз, - деб ўзи донлагани кетибди. Орадан кўп ўтмай, ҳалиги ўжар жўжа кўчага чиқиб кетибди. У юраверибди, юраверибди, охири адашибди. Йўлда бир гала ғозларни кўрибди. Чи-чи, менинг онам қайерда? – деб сўрабди. Ғозлар билмаймиз, деб сувга чўмилгани кетишибди. Жўжа яна юраверибди, юраверибди, йўлда кучукчани кўриб қолибди. Чи-чи, менинг онам қаерда? – деб сўрабди. Ўжар жўжа йўлда яна нималарни учратди, қандай қилиб онасини топиб олди. Шулар ҳақида ҳикоя тузиб айтиб беринг.

Агар болалар қийналсалар тарбиячи ёрдамлашади.

Йўлда ўжар жўжа мушукни кўриб қолади. Мушук жўжани алдаб тутиб олмоқчи бўлиб турганда она товуқ югуриб келиб мушукни таъзирини берибди. Она товуқ ўжар жўжани ҳам уришибди. Жўжа эса ўжарлигидан пушаймон бўлибди. Болаларни ҳикоя тузишлари учун улар 3-4 та боладан иборат гуруҳларга ажратилади: бири бошлайди, иккинчиси давом эттиради, учинчиси якунлайди.

Гуруҳ болаларининг жавоблари эшитилгач, тарбиячи уларни рағбатлантиради.

Тетиклаштирувчи машқ.

Ўйиннинг бориши: Болалар доира шаклида турадилар. Тарбиячи коптокни қўлига олиб, ўйинни бошлаб беради. Болалар тарбиячи айтган сўзни бўғинлаб айтиб беришлари керак: *то-вуқ, жў-жа, му-шук, эч-ки, қўл-қоп, сом-са* ва ҳоказо. Ўйин шу тарзда давом этади.

Болалар, ҳозир биз **«Сўзни ўзгартир»** деган ўйин ўйнаймиз.

Тарбиячи учта болани чақиради. Улар сўзлар бўлади. Биринчи бола жўжа, иккинчи бола кучукчани, учинчи бола учратди бўлади, қандай гап ҳосил бўлди. (Болаларнинг жавоблари) Агар биринчи сўз ўрнига бошқа сўз қўядиган бўлсак янги гап ҳосил бўлади. Масалан «Жўжа» сўзининг ўрнига қандай сўзни қўямиз? Болалар жавоби: «Мушук» қандай гап ҳосил бўлади? Болалар жавоби: Мушук кучукчани учратди. Энди иккита кетма-кет сўзларни ўзгартиринг. Жўжа мушукни кўрди (Аввалги сўз ўрнидаги болалар четга чиқадилар, улар ўрнига бошқа болалар чиқадилар).

4. Болалар луғатини бойитишда таълимий ўйинларни танлаш, ўтказиш ва таҳлил қилиш. Халқ миллий ўйинларини мактабгача таълим муассасаларида ташкил этишда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

- халқ миллий ўйинларининг турлари ва уларни ташкил этиш йўллари, усуллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш;

- миллий ўйинларни ташкил этишда маънавий қадриятлар ва урф-одатларимизни кундалик ҳаёт жараёнига сингдириб бориш;

- мактабгача ёшдаги болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашда халқ миллий ўйинларидан мақсадли фойдаланиш;

- халқ эртаклари, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан унумли фойдаланиш;

- болаларнинг ўйнашлари учун шарт-шароит (ўйин учун жиҳозлар, атрибутлар) яратиш;

- мактабгача таълим муассасалари, оила ва маҳаллалар ўртасида миллий ўйинлар бўйича кўрик танловлари ва мусобақалар ўтказиш.

Миллий ҳаракатли ўйинлар болаларнинг ёш хусусиятларига, ўйиндаги ҳаракатлар ривожига қараб такомиллашиб боради.

1-2 ёшли болалар билан ўйналадиган ўйин турлари: «Бармоққа-бармоқ», «Ғоз-ғоз», «Ғоз турсин», «Буп-буп», «Той-той», «Поезд», «Ачом-ачом» ўйинлари, гўдак энди бир-икки қадам ташлашни ўрганаётган вақтда гавдасини тўғри тутишга ёрдам берадиган ўйинлар ҳисобланади.

3-4 ёшли болалар билан ўйналадиган ўйин турлари: «От ўйин», «Кўз бойлагич», «Чори чамбар», «Аввал акам», «Таёқ ирғитиш», «Қулоқ чўзиш», «Читти гул», «Холам меҳмонга келди», «Учди-учди».

4-5 ёшли болалар билан ўйналадиган ўйин турлари: «Чир айланма», «Чиллак», «Тортишмачоқ», «Лафта», «Дор ўйин», «Беркинмачоқ», «Жами», «Чертан девор гир-гир айлан».

Катта ёшдаги болалар учун ўйинлар «Чавандозлар», «Доирага торт», «Дўппи яширма», «Сапалак», «Беш тош», «Оқ теракми, кўк терак». Бу ўйинлар орқали болаларда чаққонлик, ўз-ўзини бошқара олиш ва ўзига ишонч тарбияланади, қатъиятлилик кўникмалари шаклланади, фикрлашга ўргатилиб борилади, топқирлик қобилиятлари ривожланади, ҳозиржавоб бўлишга тайёрланиб борилади.

Мустақил иш

Жадвални тўлдиринг. Қайси ўйинлар болаларни меҳр, шафқат ва садоқатга ўргатади? Номларини ёзинг

1.	
2.	
3.	
4.	
5.	

Халқ миллий ўйинлари орқали болаларни маънавий, ақлий, жисмоний, эстетик жиҳатдан тарбиялаб бориш жараёнида болаларда ўз Ватанини севиш, унинг бойликлари қадрига етиш, буюк аждодларимиз меросларини ҳурмат

қилиш, миллий куй ва қўшиқлардан завқланиш туйғулари, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодда чидамлилик, сабр-тоқатлилик, тезкорлик, илдамлик, ботирлик каби шахсий сифатлар шаклланиб боради.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Ўйин фаолиятига таъриф беринг.
2. Ўйин турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.
3. Болалар ўйинчоқларига қўйиладиган асосий талаблар нималардан иборат?
4. Мактабгача таълим тизимида ўйин технологиясининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
5. Интерфаол ўйинларнинг ўзига хос томонларини айтинг?
6. Мактабгача таълим муассасаларида таълимий ўйинлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?
7. Луғатни бойитиш учун ёрдам берадиган таълимий ўйинларнинг турларини биласизми?
8. Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинларни айтиб беринг.
9. Қоидали-ҳаракатли ўйинлар асосини қандай ҳаракатлар тизими эгаллайди.

10-мавзу. Болаларни савод ўргатишга тайёрлаш.

Таянч тушунчалар: *экспрессив мулоқотчанлик, импрессив мулоқотчанлик, ижодий-ривожлантирувчи муҳит, мини муҳит, тайёргарлик даври, саводга ўргатиш, равон нутқ, товуш маданияти, нутқни ривожлантириш, тетиклаштирувчи машқ, орфоэпик талаффуз, халқона талаффуз, просодемографемалар, нутқдан ташқари (паралингвистик: фонацион, кинетик, мимик) воситалар, орфоэпия.*

1. Болаларда ўқиш, ёзиш ва мавзуга қизиқиш уйғотиш

Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан баркамол, интеллектуал салоҳиятли авлод ва унга таълим-тарбия бериш сифатига боғлиқ. Шу боис Ватани, халқини севадиган, истиқлол ғояларига садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни етиштириш давлатнинг таълим соҳасидаги сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шунинг билан бирга таълим тизимидаги туб ислоҳотлар орқали шахс маънавий камолотини таъминлаш мазкур йўналишнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, маънавий баркамол шахсни тарбиялаш давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларидан бири эканлиги кўрсатилган. Мактабгача таълим, умуман олганда, узлуксиз

таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланиб, у мактабда ўқиш учун тайёр бўлган соғлом ва тўлақонли шахс сифатида шаклланган болани тарбиялашни кўзда тутади.

Болани мактабда муваффақиятли таълим олишга тайёрлаш учун унга она тилининг барча бойликларини эгаллаб олишга доир тегишли шарт-шароитларни яратиш зарур. Маълумки, бола нутқининг ривожи кўп жиҳатдан унинг руҳиятиа, соғлом ва тетик ўсишига боғлиқ. Ахлоқий сифатларига ўқув дастурини ўзлаштиришда меъёрли бажарилишини таъминлашига, қўлланмаларнинг монандлигига боғлиқдир. Бу масалалар мактабгача таълимда ўз ечими ифодасини топиши ва ўз она тилида равон гапира оладиган қилиб тарбиялашга қаратилиши зарур.

Болаларнинг ақлий жараёнини ривожлантириш учун уларнинг нутқини ўстириш зарур. Бола ҳар бир сўз маъносини тушуна олиши уни ўз нутқида эркин ифодалашга мувофиқ бўлиши керак. Тушунчалар тизимига мослашган бола ўз фикрини жамлаб гапириш ва ифодалаб беришга ўрганади.

Оғзаки нутқни ўстириш бўйича ўтказиладиган машғулотларда, асосан, болаларнинг оғзаки нутқини ўстиришга, нутқни грамматик томондан тўғри шакллантиришга, нутқнинг морфологик ва синтаксик томонларини шакллантиришни давом эттириш: содда ва қўшма гаплар тузиш, бунда барча сўз туркумларидан фойдаланишга ўргатиш, болаларни гапирганда сонни отга, сифатни отга, сифатни феълга тўғри ишлатиш малакаларини такомиллаштириш, товуш ва сўзларни тўғри талаффуз этишга, равон гапиришга, мустақил ҳикоя қилишга эътибор берилади. Оғзаки нутқини ўстиришда мустақил ҳикоя қилишга ўргатиш катта ўрин эгаллайди: болалаларни ўз ҳаётларида учраган воқеалар, суратларга қараб, тарбиячининг таклиф қилган мавзуси асосида ҳикоялар тузишга ўргатилади. Тайёрлов гуруҳ болаларининг ҳикоялари мазмунан боғланган, маълум изчилликда, грамматик томондан тўғри тузилган бўлиши керак.

Саводга тайёрлаш бўйича ўтказиладиган машғулотларда саводга ўргатиш икки даврга ажратилади:

1. Тайёргарлик даври.

2. Асосий давр (Саводга тайёрлаш).

Саводга ўргатишнинг **тайёргарлик даври** вазифалари сентябрь, октябрь ойларида режалаштирилади. Бу даврда қуйидаги ишлар олиб борилади:

1. Товушларни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва шакллантириш.

2. Унли ва ундош товушлар ҳақида тушунча бериш.

3. Жарангли ва жарангсиз товушларни ажратишга ўргатиш асосида фонематик идрокни ва тасаввурни ривожлантириш.

4. Оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш:

а) гапни сўзларга бўлиш, сўзларни бўғинларга бўлиш;

б) маълум товушларнинг ўрнини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида);

в) сўзда товушлар кетма-кетлигини ва сонини аниқлаш;

г) товушлардан бўғинлар, сўзлар тузишга ўргатиш;

д) товушларни эшитишда фарқлашга ўргатиш;

Тайёрлов гуруҳида нутқ, ўқиш ва саводга тайёрлаш йўналишининг саводга ўргатиш бўлими 2-босқичи - **асосий даврида** (октябр-май) қуйидаги ишлар олиб борилади:

1. Берилган товушни ҳарф белгиси билан таништириш.

2. Кесма ҳарфлар ёрдамида товуш-ҳарф таҳлил ва синтези бўйича машқларни бажаришга ўргатиб бориш;

3. Бўғин ўқиш;

2. Кесма ҳарфлар ёрдамида бўғин ва сўзларни тузиш ва уларни бўғинлаб ўқишга ўргатиш.

Тайёрлов гуруҳларида йил давомида ўтказиладиган машғулотлар болалар ёшига мос бўлиши ва кетма-кетликда олиб борилиши керак.

Машғулотлар ишланмасида мавзунинг мақсад-вазифалари, кутилаётган натижалар, керакли жиҳозлар, машғулотнинг бориши тўлиқ ёритилади. Машғулот мавзулари болалар учун тушунарли, амалий ишлар ва турли интерфаол ўйинлар болалар ёшига мос, қизиқарли ва турли бўлиши лозим. Машғулотлар давомида болалар бармоқ машқларини тетиклаштирувчи дақиқаларда бажарадилар, ҳарфлар билан махсус ўйинлар (йиғиш, териш), амалий ишларни бажариб, алифбени билиб, бўғинларни ўқий олиш кўникмалари мустаҳкамланиб боради.

Бола нутқи ривожланганлигини аниқлаш (саводхонликка ўргатиш).

Мақсад: Болаларнинг товушлар, сўзлар ва сўз бирикмалари ҳақидаги билим ва тасаввурларини, уларнинг сўзларни бўғинларга ажаратиш ҳамда берилган сўзлардан гап тузишни билишини аниқлаш.

1. «Чиройли стол» сўзи иштирокида гап тузиш.

2. «Ручка» чиқиб сўзи билан сўз бирикмаси ўйла.

3. Копток ҳақида имкон қадар кўп сўз айт.

4. «Болалар мактабга келишди. Улар синфда ўтиришибди. Дарс бошланди. Бир таълим олувчини доскага чақиришди». Бу ҳикояда нечта гап бор (ҳар бир гапни учбурчак билан белгиланг. Қанча учбурчак бўлса, демак шунча гап бўлади).

5. «Машина», «ошхона» сўзларини бўғинлаб айт.

6. «Баҳор келди» сўз бирикмасидан гап туз.

7. Сўз нимадан ташкил топган?

8. Гап нимадан ташкил топган?

9. Хонадаги «О» товуши бор нарсаларни айт (бошқа товушларни ҳам айтиш мумкин).

- *Иккита гапни эплаб гапира олмасанг, мактабда кандай уқийсан?*
- *Санашни билмайсан-у, мактабга қандай борасан?*
- *Мактабга борсанг,ўртоқларинг бу килигингдан лол қолишади!*
- *Ҳеч нарсани билмайсан, мактабга борсанг бизни уялтирасан!*

Каби таъна-дашномлар, болада мактабдан қўркиш, ундан хавфсирашнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Шундай куркув билан мактабга борган болаларнинг мактабга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда ўзига нисбатан ишонч уйғотиш учун хаддан зиёд куч, вақт, меҳнат, сабр-тоқат, чидам, эътибор зарур бўлади. Бу эса болада олдиндан мактабга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга қараганда шубхасиз, мураккаб жараёндир.

2. Болаларни турли фаолият йўналишларида саводга ўргатишга тайёрлаш. Боланинг фаоллиги ижтимоий тарихий тажрибани ўзлаштиришга ёрдам беради, бунинг асосида унинг билиш, кўргазмали, ўйин, энг оддий меҳнат ва ўқув каби хилма-хил фаолият турлари, шунингдек, муомаласи шаклланади. Бола у ёки бу фаолиятни ўзлаштириб, фаоллик кўрсатади, айни пайтда шу фаолият билан боғлиқ билимлар, малака, кўникмаларни ўзлаштиради, шу асосда унда хилма-хил қобилиятлар ва шахс хусусиятлари шаклланади.

Боланинг фаолиятдаги мавқеи уни фақат тарбия объектига эмас, шу билан бирга тарбия субъектига ҳам айлантиради. Бу болани тарбиялаш ва ривожлантиришда фаолиятнинг етакчилик ролини белгилайди. Болаларнинг ривожланиши ва тарбияланишининг ёш билан боғлиқ даврларида фаолиятнинг турли хиллари ёнма-ён бўлади ва ўзаро таъсир кўрсатади, лекин бунда уларнинг роли бир хил бўлмайди: ҳар бир босқичда фаолиятнинг етакчи тури ажратилади, унда боланинг ривожланишидаги асосий ютуқлар намоён бўлади. Ҳар бир фаолият эҳтиёж, сабаблар, фаолият мақсади, мавзуи, воситалари,

буюмлар билан амалга ошириладиган ҳаракатлар ва ниҳоят, натижа билан ажралиб туради. Илмий маълумотларнинг далолат беришича, бола уларни дарҳол эмас, балки аста-секин ва катта ёшдаги одамнинг раҳбарлигида эгаллайди. Бола фаолиятининг хилма-хиллиги ва бойлиги, уни эгаллашдаги муваффақият оиладаги, Мактабгача таълим муассасаси тарбия ва таълим шароитларига боғлиқ, бўлади.

Боланинг дастлабки ёшларидан бошлаб фаолиятнинг энг оддий турлари унинг шахсий қобилиятларини, хусусиятларини ва атрофдаги нарсаларга муносабатини шакллантиришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзлаштирллган билимлар ва ривожланган ақлий қобилиятларни болалар хилма-хил ўйинларда ва меҳнатда қўллайдилар. Буларнинг ҳаммаси бола шахсининг ривожланишига таъсир этади, унда фаолиятнинг янги мазмунига қизиқишни шакллантиради.

Мактабгача ёш давридаги эҳтиёжлар, ҳис-туйғулар, сабаблар, мақсадларни тарбиялаш ва ривожлантириш шу даражага етадикн, у болага мактабдаги мунтазам ўқишга ўтиш имконини беради.

Кичик мактаб ёшида асосий нарса ўқиш бўлиб қолади ва уни болалар ижтимоий аҳамиятга молик фаолият сифатида тушунадилар. Боланинг жамиятдаги янги мавқеи ўз хатти-ҳаракатини ва тенгдошларининг хатти-ҳаракатини ўзгача нуқтаи назардан – мактаб таълим олувчиси нуқтаи назаридан баҳолашни шарт қилиб қўяди. Бола фаоллик, ижодкорлик кўрсатиб, катталарнинг унинг хулқ-атворига ва фаолиятига қўяётган тобора мураккаблашиб бораётган талабларини бажаришга интилади.

Ҳар бир фаолият турининг мазмуни ва тузилишининг ижтимоий-тарихий табиати ҳар бир ёш авлодга объектив равишда берилган бўлади. Одамларнинг ишлаб чиқариш қуролларида, билимларда, санъатда, ахлоқда ва ҳоказоларда жамланган сермаҳсул фаолияти натижалари биргаликдаги фаолиятда ва мулоқотда бўлган пайтда тарбия ва таълим воситасида катта авлоддан кичикларга берилади. Одам шахсининг ижтимоий табиати ана шундай шаклланади.

3. Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик. Нутқ ўстириш ва саводга тайёрлаш мини муҳитига М.Монтессори ва бошқаларнинг нутқ ўстириш бўйича машғулотлар ўтказишнинг турли услубларини қўйиш мумкин. Ҳозир мактабгача ёшдаги болаларни ўқишга ўргатиш тўғрисида мунозаралар ўтказишаяпти. Амалиёт шуни кўрсатадики, тарбиячи методик жиҳатдан ишни тўғри ташкил этиши лозим. Тўғри ташкил этилган ўйин фаолияти орқали болалар ҳарфлар билан ўйнашади, ўқишга ўрганишади, сўзлар ёзилган турли туман карточкалардан, йирик босма шрифтлар, чиройли расмлардан фойдаланишади.

М.Монтессорининг шиори – «Менга ўзим бажаришим учун ёрдам бер, мен ўзим бажараман». Тарбиячи доим меҳрибон, сабр-тоқатли, болани тўғри йўлга йўналтириши, ўзининг шахсий намунаси билан нима қилиш ва қандай қилиш лозимлигини кўрсатиши лозим. У бу ерда устоз эмас, балки воқеаларнинг қатнашчиси сифатида иштирок этади: фақат болаларни қизиқтира

олиши лозим. Ўзаро бир-бирини тушуниш, англаш ва муҳаббат туйғуси асосида мулоқот олиб борилади. Табассум, имо-ишора билан кичкинтойни қўллаб қувватлаб туради, кўпроқ уни мақтайди. Тарбиячининг ички дунёси билан кичкинтойнинг ички туйғуси ўртасида мустаҳкам ўзаро боғлиқлик мавжуд, тарбиячининг маданият даражаси қанчалик юқори бўлса, боланинг маданият даражаси шунчалик юқори бўлади. Бундай жараён даврида тарбиячи ҳам, бола ҳам шаклланади, бу эса ҳамма учун ҳиссий қулайлик яратади, шунингдек, ота-оналарни ҳам ижод қилишга уўналтиради. Ижодий ривожлантирувчи муҳитнинг самараси кичкинтойнинг умумий тараққиётига, ижодий тафаккурига, мустақиллигига таъсир кўрсатувчи шарт-шароитгагина боғлиқ эмас, балки тарбиячининг бола билан бўладиган мулоқотига, вазиятга, бериладиган топшириқларга, уларни бериш усулларига ҳам боғлиқ. Болаларга таълим-тарбия бериш бир тартибда ўтмайди. Тарбиячи болаларнинг тараққий этиш динамикасини кузатиб бориши, лозим бўлса, ёрдам кўрсатиши лозим. Аммо бунда боланинг психикасига нисбатан ютуқлари даражаси дастур талаблари билан солиштирилмайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилган шарт-шароитларда психикаси соғлом бола сезиларли даражада анъанавий давлат таълим стандартларидан ўзиб кетади, ривожланишида нуқсони бўлган болалар эса ўз ёшларига мос етарлича билим ва малакалар оладилар. Юқори даражада олинадиган билимлар даражаси ҳар бир боланинг индивидуал имкониятларига боғлиқ. Ижодий–ривожлантирувчи муҳитни тўғри ташкил этиш бола шахсининг ҳар томонлама етуклиги: мустақил, мақсадга интилувчан, ишни тўғри режалаштира олиш қобилиятларини такомиллаштиради. Бундай вазият болани тўғри англаб ҳаракат қилишга ўргатади. Тарбиячилар болаларнинг ўхшамайдиган хислатларини қадрлашлари, ўзига хос индивидуал бўлишларини ҳурмат қилишлари лозим.

Тарбиячилар! Болани мажбурламанг, боланинг эркин фаолият юритиши учун имконият яратиб беринг. Энг асосийси, ҳамма нарса бола учун қизиқарли бўлиши лозим.

1. Эшитиш ва тушуниш малакасини шакллантириш.

1. Импрессив мулоқотчанлик;
2. Нутқ малакаси. Экспрессив мулоқотчанлик.

2. Ўқиш ва саводга тайёргарлик кўриш.

1. Китобнинг қадр-қимматини тушуниш;
2. Ўқиш ва савод малакаларини эгаллаш.

Бу йўналишда болаларнинг нутқи ва уларда шаклланаётган ўқиш ва ёзиш малакалари орқали мулоқот қилишнинг белгилари ривожланади.

Катталар билан мулоқотда бола:

- катталар билан мулоқотга кириша олади;
- катталарнинг саволларига жавоб бера ола олади;
- ўз фикрини катталарга баён қила олади;
- диалогик нуткдан фойдаланиб суҳбатлаша олади;
- истагини сўз билан ифодалай олади;

- катталардан сўз орқали ёрдам сўрайди;
- оиласи ва танишлари тўғрисида ҳикоя қилиб бера олади:
- катталар билан бошқа мавзуларда ҳам сўзлаша олади;
- одоб билан мулоқотга кириша олади;
- муомалада нутқ ва имо-ишораларни қўллай олади;
- катталар билан мулоқот қилишда таниш қонун-қоидаларга риоя қилади;
- катталарга мурожаат қилишнинг турли усулларидан фойдаланади;
- нотаниш катталар билан мулоқотга кириша олади.

Тенгдошлари билан мулоқотда:

- тенгдошлари билан ёнма-ён ўйнай олади;
- тенгдошлари билан мулоқотга кириша олади;
- тенгдошлари билан саломлаша олади;
- тенгдошларини исми билан чақиради;
- олган таассуротларини бошқа болалар билан ўртоқлаша олади;
- тенгдошлари билан ўйин қоидаларини биргаликда келишиб олади;
- тенгдошлари билан мулоқотда ўз фикрини айта олади;
- тенгдошлари билан юзага келган низоларни бартараф эта олади;
- тенгдошини сўз орқали баҳолай олади;
- тенгдошига оддий таклифлар, илтимослар билан мурожаат қилади;
- ўйин давомида тенгдошига шерик сифатида қарайди;
- тенгдошлари билан мулоқотда диалогик нутқдан фойдаланади.



МАШҒУЛОТ

Мавзу: «д» товуши ҳамда бош ва кичик (Дд) ҳарфлари билан таништириш.

Мақсад:

«д» товуши ва **«Дд»** ҳарфлари билан таништириш, ўрганилган унли ҳарфлар билан бўғин, сўз тузиш ва ўқиш.

Вазифалар:

- **«Д»** товушининг ундош товуш экалиги ҳақида тушунча бериш, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини айтиш, унинг тўғри талаффузини ўргатиш;
- **«Д»** товушли сўзлар билан болалар луғатини бойитиш;
- **«Д»** товушли сўзларни бўғинга бўлиш;
- Бўғинлардан сўз туза олиш.

Кутилаётган натижалар:

- **«Д»** товуши ва **«Дд»** ҳарфларитш билиб оладилар.
- **«Д»** товушининг ундош товуш эканлигини, унинг сўз боши, ўртаси ва охирида келишини билиб оладилар.
- **«Д»** товушли сўзларни айта оладилар;
- **«Д»** товушли сўзларни бўғинларга бўла оладилар.

Керакли жиҳозлар:

- **«Дд»** ҳарфлари;
- **«Д»** товуши қатнашган предметлар, суратлар;
- «Бўғинлардан сўз тузинг» таълимий ўйини учун материаллар.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи болаларга ўрганилган ҳарфларни ҳарф жилдидан ўқитади. Уларга хос хусусиятларни саволлар ёрдамида эслатади: Булар қандай харфлар? Улар нималарни ифодалайди? Унли товушлар қандай айтилади? Улар нимадан ҳосил бўлади? Улар нима ҳосил қилади? (бўғин ҳосил қилади.). Бу ҳарфларнинг нечта шакли бор?

Болалар, бугун **«Д»** товуши ва бош ва кичик **«Дд»** ҳарфлари билан танишамиз. Бош **«Д»** ва кичик **«д»** кўргазмадан, расмли алифбодан, махсус тайёрланган кўргазмадан (босма шакли) кўрсатилади. Бош **«Д»** ҳарфи кўрсатилиб, бу ҳарфнинг қандай шакли? (бош шакли – бош Д ҳарфи) Бош **«Д»** ҳарфи билан қайси сўзлар ёзилади? Бу (**«Д»**) қандай ҳарф? (бу кичик **«д»**ҳарфи) У қайси сўзларда ёзилади? (**дутор, доира**...) Мен кўрсатган **«Дд»** ҳарфларини нималарда ўқийсиз?

Ди-ван сўзи неча бўғинли? Мен айтаман, сиз аниқлайсиз: **Ди-ван** мен шу сўзни қайта айтаман, сиз биринчи товушни айтасиз: **Д-Д-Ди-ван**, Хаттахтага битта тўртбурчак чизаман. Энди 2-товушни айтинг: **Ди-в-в-ван**, 2-тўртбурчак

чизилади. 3-товушни топинг: **Ди-в-в-ван** 3-тўртбурчак чизилади: – **Ди-ван** сўзининг модели ҳосил бўлади: Бу сўзда биз танишмаган қайси товуш бор? (**«Д»** товуши) Бугун сиз **«Д»** товуши билан танишасиз. **«Д»** товуши болаларга талаффуз қилдиртирилади.

Тарбиячи: **«Д»** товушини талаффуз қилганимизда қуйидагилар содир бўлади: лаблар бироз очиқ, ҳаракатсиз, тинч ҳолатда бўлади, тишлар бир-бирига яқинлашган, лекин жипслашмаган, **«Д»** товуши унли «**а», «и», «о», «у»** товушлари билан қўшиб талаффуз этилганда тилнинг олдинги курак қисми юқориги тишларга ёки алвеолаларга тиралиб туради. **«Д»** товуши **я, ё, е, ю** унли товушлари бирикмаси билан талаффуз этилганда тилнинг учи пастга тушган бўлиб, пастки курак тишлари тилга тегиб туради.

Тарбиячи: энди мен **«Д»** товушини талаффуз қиламан, **«Д»** товушини чўзиб айтиб бўладими? (Йўқ) Тарбиячи **«Д»** товушининг ҳосил бўлишини тушунтиради. **«Д»** товуши ундош товушлар сирасига кириши қайд этилади. **«Д»** товушининг хусусиятлари қуйидаги саволлар асосида болалардан сўралади:

«Д» товуши қандай товуш?

Ундош товушлар қандай ранг билан белгиланади?

«Д» ундош товуш. Ундош товуш унли билан бирга бўғин ҳосил қилади.

«Д» товушининг талаффузи ўргатилади. **«Д»** товушининг сўз бошида (**дон, дераза, дутор**), ўртасида (**О-дил, А-до-лат**)) келиши ҳақида, сўзларни бўғинларга бўлиб айтиш, бўғинлардан товушларни ажратиш, **«Д»** товуши сўзнинг қайси ўрнида келганини аниқлатиш орқали тушунча берилади. Шундан сўнг кесма **«Дд»** ҳарфлари ҳарф кассасига қўйилади.

Тетиклаштирувчи машқлар:

«Капалаклар»

Ўйиннинг мазмуни: Болалар стулчаларда ўтиришади.

Тарбиячи болаларга: «Болалар, қаранглар-а, қандай чиройли капалаклар, кўк, сариқ, қизил! Улар худди жонли капалакларга ўхшайди. Кўрайликчи, улар уча оладиларми? (уларни пуфлайди). Қаранглар, учиб кетишди. Қани сизлар ҳам пуфлаб кўринглар-чи, кимники узоққа учар экан?”

Тарбиячи ҳар бир капалакнинг қаршисига биттадан болани турғазиб қўяди, болалар капалакка қараб пуфлайдилар.

Ўйин бир неча маротаба такрорланади. Бунда болаларнинг тўғри туришига, нафас олганларида елкаларининг кўтарилмаслигига аҳамият бериб бориш керак. Болалар бир нафас чиқаришда, ҳаво олмасдан туриб, бирон нарсани пуфлашлари керак. Лаблар бироз чўччайган бўлади. Ҳар бир бола бирор нарсани 10 сониядан (орасидан танаффус қилиш билан) ортиқ пуфламаслиги керак.

Д қандай талаффуз қилиняпти?

Болалар учун амалий иш.

Тарбиячи: Болажонлар, келинглар ҳаммамиз пластилиндан **«Д»** ҳарфини ясаймиз. Бунинг учун **«Д»** ҳарфининг шаклига диққат билан қараб олиб, пластилиндан шу шаклни ясаймиз.

Болалар «Д» ҳарфи ҳақида қувноқ шеър эшитинг.

Ойижоним олмани,

Тўрт бўлакка бўлдилар.

Бир бўлагин кўрсатиб,

«Д»га ўхшар, дедилар.

«Д» ҳарфли бўғин тузиш ва уни ўқиш. Тарбиячи ҳарф териш картони, хаттахта таглигига ёки хаттахтага **ди, ду, дў, ад, ид, од, ўд** бўғинларини тузиб, ёзиб қўйган бўлади. Уни болаларга ўзи ўқиб намуна кўрсатади. Болалар билан хўр бўлиб ўқийди. Сўнг якка-якка ўқитади. Бунда **«Д»** товушиини ичда сақлаб, кейин унлини қўшиб бирга ўқиш лозимлиги амалий кўрсатилади.

Шу бўғинлар қайта болаларнинг ўзларига туздирилади ва ўқитилади. Бунда тарбиячи «**Да**» дейди ва йўлланма беради: аввал қайси товушни эшитяпсан (**«Д»** товушини), ўшани ҳарф жилдидан олиб қўй. **«Даа»,** энди охирида қайси товушни эшитяпсан? («**а**» товушини) **«Д»** ҳарфининг қайси томонига «**а**» ҳарфини қўясан? (орқасига). Тузган бўғиниингни ўқи: **«Да»** (Қолган болалар ўз жойларида кесма ҳарфлардан фойдаланиб бўғин тузадилар).

Д товушинининг талаффузи ва белгилари устида ишлаш:
Д қандай талаффуз қилиняпти?

Шу тартибда **ди, ду, дў ,ад, ид, до, ўд,од** бўғинлари туздирилади ва талаффуз қилинади.

Кесма ҳарфлар билан ишлаш. Болаларга кесма ҳарфлардан бўғин туздирилади ва ўқитилади. Тузилган бўғинлардан ёки бўғинли карточкалардан бир нечта сўз туздирилиб, ўқитилади, улардан бирининг бўғин-товуш таҳлили ўтказилади: **дон, дўл, до-ри, да-ла, О-дил, ду-тор.**

Машғулотга фаол қатнашган болалар раҳбатлантирилади.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Бугун қайси товуш билан танишдик?
- «Д» қандай товуш экан?
- Биз товушларни нима учун ўрганамиз?»
- «Д» товуши қайси ҳарф билан ёзилади?
- «Д» ҳарфининг шакли қанақа экан?
- «Д» ҳарфининг неча хил шакли бор экан? (бош ва кичик, босма шакли)
- Бош Д ҳарфи қайси сўзларда ёзилар экан?
- - Бўғинли карточкалар билан қандай сўзларни туздик?

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Болаларда ўқиш, ёзиш ва уларда мавзусга қизиқиш уйғотиш жараёни қандай амалгам оширилади?

2. Болаларни турли фаолият йўналишларида саводга ўргатишга тайёрлаш жараёни ҳақида нимаарни биласиз?

3. Бола нутқи ривожланганлигини аниқлашнинг асосий даврида (октябр-май) қандай ишлар олиб борилади?

4. Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик учун қандай ишлар амалгам оширилади?

5. Болалар нутқини ўстириш ва саводга тайёргарлик даврида қандай ишлар олиб борилади?

11-мавзу. Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишида нутқни ривожлантириш технолигияси

Таянч тушунчалар: *маънодош, уядош, хусусият, шахсий қобилият, жараён, шахсий ҳаёт, теварак-атроф, ривожлантириш, технолигия.*

1. Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларни юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий маънавиятни такомиллаштириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

Болаларнинг она тилида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ маънавий бойликларини қанчалик мерос қилиб олишлари, тарбияланувчиларнинг келгусида ўз даврининг илмий ютуқларини ўзлаштира олишлари, уларнинг инсониятнинг илғор шеърий ва эстетик идеалларига содиқлиги, яъни мустақил Ўзбекистонда демократик жамиятнинг тўлақонли қурувчилари бўла олишлари тарбиячига боғлиқдир. Болаларга нутқни ўргатиш учун бўлажак тарбиячи нутқни ривожлантириш методикаси назариясини чуқур ўрганиши ва ушбу соҳанинг фанга маълум бўлган методларини ўзлаштириши, боланинг она тилини ўзлаштириш қонуниятларини тушуниб етиши лозим. Нутқни ривожлантириш методикаси мактабгача таълимдаги бошқа хусусий методикалар билан узвий боғлиқ бўлади, чунки нутқ – бола шахсини тўла-тўкис ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Атрофдагилар нутқини тушуниш ва боланинг ўз фаол нутқи ҳар қандай педагогик жараёнда зарурдир. Нутқ боланинг бутун фаолиятида унга йўлдош бўлади.

Интеллект, яъни ташқи дунёни хотира, тасаввур, хаёлот, фикрлаш, шунингдек, нутқ ёрдамида англаш қобилияти – бу инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи муҳим хусусиятлардир. Ва интеллект ҳам, нутқ ҳам инсонда илк болалик ёшида пайдо бўлади, ҳамда у ўсмирда ва ёш йигитда фақатгина унинг организми ривожланаётгани учун эмас, балки ушбу одам нутқни ҳам ўзлаштириб олган тақдирдагина жадал такомиллашиб боради.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш орқали улар томонидан ҳар томонлама билимларни эгаллаши, психик жараёнларнинг

ривожланиши, кобилиятларини ўсиши, дунёқарашини шаклланиши, аҳлоқий сифатлар, ижобий хулқ-атвор одатларини ўзлаштирилиши ривожланишига эришилади.

Болани ўраб турган атроф-олам ҳақидаги тушунчалар болаларда она Ватанга мухаббат, уларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништириш, машҳур саркардалар, байрамлар, халқ амалий санъати ҳақидаги шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Болалар нутқини ривожлантириш учун маълум бир тизимда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун мактабгача ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ўстириш дастурини такомиллаштириш ва уни бир бутун, яхлит жараён сифатида тарбия тизимига киритиш ҳамда мазмунини белгилаш зарур. «Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти», «Самарқанд – қадимий шаҳар», «Ватанимиз рамзлари», «Мактабга саёҳат», «Бозорлар ва уларнинг турлари», буюк сиймолар, машҳур саркардалар, байрамлар, халқ амалий санъати: «Ким бўлсам экан?», «Каштачилик», «Зардўзлик», «Шифокор», «Ошпаз» касблари ва ҳоказо. Бу мавзулардаги суҳбатлар болаларга теварак-атрофга бўлган муносабатларни мушоҳада қилиб эшитиб, тушунчаларини баён этиш қобилиятлари, ижодий тафаккурини қай даражада ривожланганлигини намоён этади. Теварак атроф, буюм ва нарсалар боланинг сезги органларига яъни анализаторларига таъсир этади ва сезги ҳосил бўлади. Сезги болаларда айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Масалан, иссиқ-совуқ, ғадир-будур ва ҳоказо. Сезги атроф-муҳитни билишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

«Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти», «Самарқанд – қадимий шаҳар», «Ватанимиз рамзлари», «Мактабга саёҳат», «Бозорлар ва уларнинг турлари», буюк сиймолар, машҳур саркардалар, байрамлар, халқ амалий санъати: «Ким бўлсам экан?», «Каштачилик», «Зардўзлик», «Шифокор», «Ошпаз» касблари ва ҳоказо. Бу мавзулардаги суҳбатлар болаларга теварак- атрофга бўлган муносабатларни мушоҳада қилиб эшитиб, тушунгаларини баён этиш қобилиятлари, ижодий тафаккурини қай даражада ривожланганлигини намоён этади.

Теварак- атроф, буюм ва нарсалар боланинг сезги органларига яъни анализаторларига таъсир этади ва сезги ҳосил бўлади. Сезги болаларда айрим хоссаларни билиб олишга ёрдам беради. Масалан, иссиқ-совуқ, ғадир-будур ва ҳоказо. Сезги атроф-муҳитни билишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Биз ҳозирги давр талаби даражасида мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг бир бутун тизими, мазмуни, ўзига хос хусусиятларини аниқлаб чиқилади ҳамда энг янги талаблар даражасида уни амалга ошириш методлари, шакллари ва воситалари технологиясини ишлаб чиқиш лозим бўлади.



Нутқда энг муҳим метод бу диалогик нутқ, яъни болалар билан сўзлашишдир. Сўзлашиш оғзаки нутқнинг энг оддий шакли бўлиб, унда бола ўзини тутиши, кўз қараши, хатти-ҳаракати, овозининг паст-баландлиги, тезлиги каби турли ҳолатлар ҳисобга олинади. Сўзлашиш – диалогик нутқ, асосан, катталар ёрдамида амалга оширилади ва у, айниқса, теварак-атрофни билиш

жараёнида яхши натижалар беради. Жумладан, жамоат жойларида, кўпчилик ўртасида нутқ маданиятига риоя этишга эътибор қаратилади.

Бунда бир-бирининг нутқини тўлдириб бориш, тузатишлар киритиш, сўраш, сўраб билиб олиш диалогик нутққа ўргатишнинг усуллари саналади. Махсус тайёрланадиган мулоқотлар эса дастур асосида муайян мавзулар бўйича уюштирилади. Масалан, махсус тайёрланган суҳбатлар қуйидагича тузилади: дастлаб мавзу белгиланади, унинг мақсади, воситалари аниқланади, саволлар тузилади. Лекин буларнинг ҳар бири *нимага? нима учун? нимадан? қандай қилиб?* каби изланувчи ва муаммоли саволлар тарзида бўлиши зарур. Шу билан бирга, саволлар, умумлаштирувчи характер касб этиши ҳам мумкин. Бунда мулоқот машғулоти суҳбат, муқаддима, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлади.

2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва англашга ўргатиш. Болаларнинг теварак-атроф билан мулоқоти қанча кўп бўлса, уларнинг боғланишли нутқи шунчалик самарали ривожлана боради. Теварак-атрофдаги рангин дунё улар тасаввури ва дунёқарашини шакллантиришга, сўз заҳирасини бойитишга, нутқини ўстиришга рағбат уйғотади.

Айниқса, қиш фасли билан боғлиқ машғулотлар болаларнинг қизиқишига янада мос тушади. Масалан, боғча ҳовлисида қор ёғишини кузатиш жараёнида қуйидаги саволлар асосида суҳбат уюштириш мумкин:

- Қор учқуни нимага ўхшайди?
- Нима учун қор учқуни капалакка ўхшатилади?
- Қор учқунлари нима учун ҳар хил бўлади?
- Қорда юрганида одам нима учун совқотади-ю, қорбўрон ўйнаганида исиб кетади?
- Қор одам қачон эриб кетади?
- У нима учун эриб кетади?
- Сирпанчиқ ўйнаш учун нима қилиш керак?

Савол-жавоб жараёнида тарбиячи болаларни кундалик ҳаёт билан таништира боради, табиатдаги ўзгаришларни кузатиш воситасида билимини бойитади, нутқини ривожлантиради. Савол-жавоб орқали болалар қор учқунларининг ҳар хил шаклда бўлиши, унинг турли тезликда ёғиши сабабларини билиб оладилар, ҳаво ҳарорати билан боғлиқ ўзгаришларни тушуниб етадилар, қиш мавсумидаги қизиқарли меҳнат жараёни билан танишадилар; қор кураш, супуриш, қор босган жойларда қушларга дон ташлаш учун жойлар тайёрлаш каби ишларни завқ-шавқ билан, ҳамкорликда бажарадилар ва тарбиячи, тенгдошлари билан фаол мулоқотда бўладилар. Сўзлашув жараёнида ишлатиладиган «қор учқунлари», «капалак қор», «лўппи-лўппи қор учқуни», «қор кураш», «муз йўлак», «дон хўрак», «қор одам», «муз

тепа» каби сўз ва сўз бирикмалари диалогик нутқни шакллантиришга йўл очади.

Болалар нутқини ривожлантириш мавзу режасига қуйидагиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Теварак – атроф ва она Ватан.

Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитиш

- Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Тошкент, кўҳна Урганч, Шаҳрисабз, Хива, Қўқон ва Буюк ипак йўли.
- И.А.Каримов – Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти.
- Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан бошқарилади.
- Конституция сабоқлари.
- Давлатимиз рамзлари: герб, байроқ ва мадҳияси.
- Ўзбекистонда давлат тили – ўзбек тили эканлиги.
- Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳри эканлиги.
- Тошкент метрополитени.
- Тошкент теартлари.
- Менинг шахрим, маҳаллам.
- Бир болага етти қўшни ота-она.
- Оиламиз шажараси.
- Бизнинг оила.
- Она тилим –жону дилим.
- Тил билган – эл билади.
- Жонажон ўлка табиати.
- Ҳамдўстлик мамлакатлари.
- Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асосида бола қалбида ўз миллатига муҳаббат, миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш.

2. Буюк сиймолар:

Болаларни тарихимиз ва Шарқнинг буюк алломалари, уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиришни давом эттириш; улуғ алломалар:

- Алишер Навоий;
- Ал Беруний;
- Абу Али ибн Сино;
- Мирзо Улуғбек;
- Мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Машҳур саркардалар:

- Амир Темур;
- Жалолиддин Мангуберди;
- Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги билимларини кенгайтириш;
- Ўзбекистон ҳарбий қўшинлари ва уларнинг вазифаси, 14 январь ҳарбийларнинг касб байрами эканлиги ҳамда спортчилар, адиблар, санъаткорлар ҳақида тасаввурларини кенгайтириш.

Байрамлар ва маросимлар, сайллар, урф-одатлар

Боланинг умумхалқ байрамлари; 1 сентябрь – “Мустақиллик куни”, 1 октябрь – “Педагоглар ва мураббийлар куни”, 8 декабрь – “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун”и, 1 январь – “Янги йил” байрами, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, 21 март – “Наврўз” байрами, 9 май – “Хотира ва қадрлаш” куни ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтириш ва бойитиш; болалар билан биргаликда 1 июнь – “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”ни ва “Хайр боғчам” байрамларини нишонлаш; шакл ва мазмун жиҳатдан хилма-хил бўлган байрамлар, сайлларни мунтазам равишда ташкил қилиб туриш. Масалан, “Меҳржон”, қовун сайли, қушлар, гуллар байрамлари ва бошқалар.

4. Ўзбек халқ ижоди:

- Ўзбек халқининг ҳунармандчилик санъати.
- Халқ меъморчилик санъати.

- Халқ қўшиқлари, лапарлари, алла, эртак, мақол ва топишмоқлар, тез айтишлар.
- Тасвирий санъат асарлари.

Болани ўзбек халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилигидан: заргарлик, зардўзлик, мисгарлик, ганчкорлик кабилар билан таништириш; халқ усталари томонидан тайёрланган буюмлардаги; каштачиларнинг тиккан сўзаналари, заргарларнинг нозик дид билан ясаган тақинчоқлардаги гўзалликни, ранглар жилосини ҳис қилишга ундаш. Шу тариқа бола қалбида халқ ижодиётига, амалий санъат асарларига нисбатан қизиқиш ҳиссини таркиб топтириш.

12-мавзу: Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш йўллари

Таянч тушунчалар: *кўникма, қизиқиш, жараён, уюшқоқлик, диққат, саранжом-саришта, теварак-атроф, ривожлантириш*, кузатувчанлик.

1. Болаларнинг катталар меҳнати ҳамда соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, билимларини кенгайтириш.

Бола ҳаётида меҳнат тарбияси муҳим саналади. Болаларни меҳнатга мухаббат руҳида тарбиялаш, уларда меҳнат қилиш одобини шакллантириш ва кўникмалар ҳосил қилишда, уларнинг қизиқишлари ҳисобга олингандагина эришилади. Ота-оналар болани мактабга тайёрлашда унда меҳнат кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга, меҳнатга эҳтиёжни тарбиялашга, бошқаларнинг меҳнатини қадрлашга, меҳнат натижаларини эҳтиёт қилишга ўргатишга жиддий эътибор беришлари лозим. Меҳнат болаларда уюшқоқлик, диққат, саранжом-саришталикни тарбиялаш, шунингдек мақсадга эришишда сабот ва матонат каби ирода хусусиятларини ривожлантириш воситасидир.

Мактабгача ёшдаги болаларда катталар меҳнати ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш, меҳнатга нисбатан масъулиятни ҳис этиб ёндашишини тарбиялайди. Болаларни катталар меҳнатига нисбатан масъулиятни тарбиялаш учун ўзлари меҳнат малакаларини эгаллаб олган бўлишлари ва ўз меҳнатларининг аҳамиятини тушунишлари лозим.

Катталар меҳнатини кузатиш болаларда кузатувчанликни ўстиришнинг усулларидан биридир. Катталар меҳнатини кузатиш жараёнида тарбиявий вазифалардан ташқари таълимий вазифалар ҳам хал қилинади.

Болаларда ўз ёшидан кичик бўлган болаларга ўйинчоқларини йиғиштириш ва тузатишда, ер майдончасини тозалашда, қум сақланадиган жойни тартибга келтиришда ёрдам қилиш истаги ва кўникмасини тарбиялаш; касб-ҳунарга оид турли ўйинлар (“Чевар”, “Педагог”, “Ҳамшира”, “Бозор-бозор”) ўйнашга ўргатиш каби.

Транспорт ва алоқа воситалари ҳақида қуйидагиларни билиши лозим: боланинг йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; транспорт воситалари, почта алоқа хизмати, почтанинг вазифаси ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш; телефон алоқаси ва телеграфчилар, уларнинг меҳнати, телефон хизматининг ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида тушунча бериш. Бу каби билимларни болаларга сингдиришда “Почта-почта”, “Кимга нима керак?”, “Телефон-телефон”, “Компьютер” каби мавзуларда суҳбат ва ўйинлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, болалар томонидан буюмларнинг бир неча хил белгилари ва улардан фойдаланиш ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; матодан қилинган буюмлар, уларнинг турлари ва фойдаланиш усуллари; темир ва ёғочдан ишланган буюмлар ва улардан тўғри фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларини янги мавзулар билан бойитиш; буюмларнинг ясалиши ва ишлатилиши ҳақида суҳбатлар ташкил этиш лозим.

Дастурда бола ўз танасининг қисмларини ва гигиенани ўрганиши: уларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш; уларга одамнинг ички аъзолари (*юрак, жигар, ошқозон ўпка*) ва уларнинг жойлашуви, вазифалари ҳақида (*инсон ўпка орқали нафас олади, ҳаво қанчалик тоза бўлса, ўпка шунчалик яхши ишлайди. Юрак инсон ҳаёти учун энг керакли аъзолардан ҳисобланади. У ишлаётганини билдириб доим "дук-дук" уриб туради. Жигар қонни тозалайди. Биз истемол қилаётган овқат ошқозонга тушади ва ҳазм бўлади*) маълумот бериш; бу аъзолар тананинг қаерида жойлашганини кўрсатиш ва номини айтишга ўргатиш; боланинг соғлом ҳаёт кечириш (*озодаликка ва кун тартибига риоя қилиш, жисмоний машқлар бажариб, танани чиниқтириш ва соғлом овқатланиш*) ҳақидаги тушунчаларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш; одам ва ҳайвон ўртасидаги бир неча фарқланувчи ва умумий жиҳатлар ҳақидаги тушунчаларни аниқлаш ва кенгайтириш; машғулотларда одамнинг тузилиши акс эттирилган турли расм ва бадиий асарлардан фойдаланиши лозимлиги қайд этилган.

Бу каби иш турларини ташкил этишда тарбиячи ва болалар катталар меҳнатини назорат қиладилар ҳамда унга баҳо беришга ўрганадилар.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-олам билан таништиришда қуйидаги методлардан фойдаланилади: кўргазмали, амалий, оғзаки методлар.



Болаларни атроф-олам билан таништириш жараёнида кўргазмали (кузатиш, расмларни кўриш, диафильм ва кинофильмларни намойиш қилиш), амалий (ўйин методи, меҳнат, оддий тажрибалар), оғзаки (тарбиячининг ҳикояси, бадиий асарларни ўқиш, суҳбат) методларидан ва хилма-хил иш шаклларидан: машғулотлар, экскурсиялар, кундалик турмушдаги катталар меҳнатини, байрамларни кузатиш, таълимий ўйинлардан фойдаланилади.

Оғзаки методлардан фойдаланишда тарбиячи болаларнинг нутқни тушунишга бўлган қобилиятларини, узоқ муддатли ихтиёрий диққатларини ва

сўз орқали берилаётган мазмунга диққатини қарата олишларини, шунингдек, болаларда муҳокама қилиш, тизимлаштириш предмети бўлган у ёки бу ҳодиса, факт ҳақида ёрқин тасаввурларнинг бор йуқлигини эътиборга олади. Болаларни атроф-олам билан таништиришда тарбиячининг ҳикояси, мавзуга оид бадиий китобларни ўқиш, суҳбат уюштиришдан фойдаланилади. Тарбиячи бу шаклланган кўникмалардан болаларнинг ўзаро ёрдамларини ташкил этишда ва ахлоқий нормаларни тарбиялашда фойдаланади.

Болаларни атроф - олам билан таништириш учун сайрлардан кенг фойдаланилади. Сайрлар вақтида тарбиячи болалар тасаввурининг шаклланиши учун узоқ муддат талаб қилинадиган атроф - олам ҳодисалари билан таништириш имконига эга бўлади. Болаларни транспорт воситаларининг ҳаракати билан таништирилади, катталарнинг меҳнатини кузатиш ва шу кабилар.

Мактабгача ёшдаги болаларда сезги тажрибаси йиғилади, улар атроф - олам ҳодисаларини барча алоқа ва муносабатларда табиий шароитларда кўрадилар. Сайрлар болаларда қизиқиш уйғотади, уларга катта қувонч, атроф-олам билан муносабатда бўлиш эса лаззат бахш этади. Мактабгача ёшдаги болани атроф-олам билан таништириш орқали боланинг ҳар томонлама билимларини эгаллаши психик жараёнларнинг ривожланиши, қобилиятларини ўсиши, илмий дунёқарашини шаклланиши ахлоқий сифатларни ижобий хулқ, одатларини ўзлаштирилиши эстетик ҳиссиётларни ривожланишига эришилади. Атроф-оламнинг гўзаллиги болаларда чуқур ҳиссиётлар уйғотади, ўчмас таассурот қолдиради, эстетик ҳиссиётларнинг ўсишига ёрдам беради. Шу асосда атроф-оламга мухаббат, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ватанга мухаббатни шакллантириб, атроф - оламни ўрганишга қизиқиши ўсади.

Кузатиш атроф - олам предметлари ва ҳодисаларини мақсадга мувофиқ режали идрок этишдир. Кузатиш мураккаб билиш фаолияти бўлиб унда идрок, тафаккур ва нутқ иштирок этади. Барқарор диққат талаб этилади. Кузатилаётган ҳодисани тушунтиришда боланинг тажрибаси, билими ва малакалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Атроф - оламни болалар билан биргаликда кузатишни ташкил этар экан, тарбияни бир қатор вазифаларини ҳал этади: болаларда атроф -олам хақидаги билимини шакллантиради, кузатишни ўргатади, кузатувчанликни ўстиради, эстетик жиҳатдан тарбиялайди. Предмет ва ҳодисаларнинг хусусияти ҳамда сифатлари ҳақидаги билимларни шакллантириш мақсадида ташкил этиладиган қисқа муддатли кузатувлар жараёнида болалар қисмларнинг шакли, ранги, катталиги, тузилиши, фазовий жойлашувини ўрганадилар ва ҳоказо. Бу кузатишлар давомида болаларнинг зеҳни ва кузатувчанлиги ўсади. Анализ қилиш, қиёслаш, хулоса чиқариш жараёни такомиллашади.

Кузатишлар тарбиячи томонидан катталарнинг атроф - муҳитдаги меҳнати, транспорт воситалари билан таништиришда ташкил этилади. Кузатишлар машғулот ва экскурсияларда, сайрларда олиб борилади.

Атроф - оламнинг оддий ҳодиса ва предметлари ҳақида болаларнинг тасаввурларини кенгайтириш мақсадида ўтказиладиган кузатишлар билан бир қаторда хилма - хил таълимий ўйинлардан кенг фойдаланилади. Бу ўйинларда болалар сезувчанлик тажрибасини орттирадилар, эгаллаган билимларини ижодий ўзлаштирадилар. Жумладан, дидактик ўйинларда болалар ўзларида атроф - оламдаги предмет ва ҳодисалар, транспорт воситалари, катталар меҳнати, байрамлар ҳақида мавжуд бўлган билимларни аниқлайдилар, мустаҳкамлайдилар, кенгайтирадилар. Кўпгина ўйинлар болаларни умумлаштириш ҳамда тасниф қилишга ўргатади. Дидактик ўйинлар, хотира, диққат, кузатувчанликнинг ўсишига ёрдам беради. Болаларни мавжуд билимлардан янги шароитлардан фойдаланишга ўргатади. Турли ақлий жараёнларни фаоллаштиради, луғатни бойитади. Болаларда биргаликда ўйнаш кўникмасини тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйин машқлари предмет ва ҳодисаларни сифати ҳамда хусусиятларига кўра фарқлашга ўргатади. Бу ўйинлар бутун гуруҳ болалари билан ёки уларнинг бир қисми билан ўтказилади.

Дидактик вазифалардан келиб чиққан ҳолда суҳбат икки турга: олдиндан ўтказиладиган суҳбатлар ва якуний суҳбатларга бўлинади. Бу суҳбатлар мазмунан турли даражада бўлиши мумкин: бировлар кузатиладиган объектларни тор доирада кузатгандан сўнг, ҳодисаларнинг кенг доирасини қамровчиларни – катталар меҳнати, байрамлар, буюк сиймолар ҳақидаги билимларини тизимлаштириш мақсадида ўтказилади.

Катталар меҳнати билан болаларни таништириш.

- Касблар ҳақида маълумот бериш.
- Деҳқончилик, боғдорчилик, соҳалари ҳақида маълумот.
- Пиллакорлик меҳнати.
- Қурувчилар, қурилиш объектлари, қурилишда ишлатиладиган асбоб – ускуналар.
- Педагоглар.

- Шифокорлар.
- Йўл ҳаракати қоидалари.
- Дурадгор.
- Тикувчи.

6. Болалар ўйинлари.

- Дўппи ўйин, ҳаммомпиш, тош ўйини, чиллак, варрак, лойсувоқ ўйини.
- Читти гул, оқ теракми – кўк терак, тепдик – сандиқ очилди, бойчечагим бойланди, ҳаккалакам – дуккалакам.
- «Қорхат», «Қорқиз». «Қорбобо» ўйинлари.

Юқоридаги мавзуларнинг ҳар бири болаларнинг теварак-атроф ҳақидаги билимларини бойитиш билан бирга, боғланишли нутқни ҳам ривожлантиришга ҳизмат қилади. Масалан, 1-сентябрьь мустақиллик куни умумхалқ байрами сифатида нишонланар экан, аввал гуруҳдаги эрталиклар, сўнг болаларнинг ота-оналари билан Тошкентдаги мустақиллик майдонига, шаҳардаги миллий боққа саёҳат уюштириш натижасида уларнинг луғатида мустақиллик байрами, мустақиллик майдони, миллий боғ, Алишер Навоий хайкали, Ўзбекистон байроғи, Ўзбекистон мадҳияси, Тошкент – Ўзбекистон пойтахти, метрополитен каби тушунча ва бирикмалар билан бойитиш мумкин.

2.Теварак-атрофни билишда болалар нутқини ривожлантириш машғулотлари.

Болаларнинг сўз заҳираси бевосита кўрган-кузатганлари асосида орта боради, деган хулосага келдик. Масалан, Тошкент шахри бўйлаб саёҳат мавзусида суҳбатлар ўтказиш, суратлар билан таништириш натижасида болаларни атроф – мухит хақидаги тушунчалари кенгайиб боради. Масалан, Амир Темур майдони, Амир Темур ҳайкали, Амир Темур – буюк саркарда, Тошкент меҳмонхонаси, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Ўзбекистон тарихи музейи, Санъат саройи, Миллий театр, Марказий универмаги, Чорсу бозори, Ҳайвонот боғи кабилар шулар жумласидандир. Булар 6-7 ёшли болаларнинг кундалик турмушда ҳали ишлатилмаса-да, уларнинг хотираси кучли бўлгани боис сўз ва бирикмаларни яхши ўзлаштириб оладилар.

Масалан, «Баҳорда боғча ҳовлисига гул ўтқаздик» мавзуида суҳбат. Бу суҳбат боғча ҳовлисига гул ўтқазилгандан кейинги кун бўлиши мумкин.

Тарбиячи: Болалар, биз боғча ҳовлисига қанақа гулларни ўтқаздик? Ким қандай гул кўчати олиб келган эди?

Болалар: Биз атиргул, раъно гул, лола, гулсафсар, карнайгул, хризантемаларни ўтқаздик.

Лола: Мен атиргул олиб келдим.

Захро: Мен раъно гули кўчатини олиб келдим.

Мехринисо: Мен хризантема кўчатини келтирдим.

Баҳром: Мен лола гули пиёзини олиб келдим.

Тарбиячи: Кимнинг гули қаерда ўсаётганини қандай қилиб билиб оласиз?

Лола: Гулларимиз очилганда билиб оламиз.

Тарбиячи: Уларни ким парвариш қилади?

Болалар: Ҳаммамиз парвариш қиламиз.

Шохрух: Боғбон бобомиз парвариш қиладилар.

Тарбиячи: Болалар, биз парвариш қиламизми, боғбон бобомизми?

Гулноза: Боғбон бобомиз кексалар. Биз у кишига гуллар парваришида ёрдам қилишимиз керак.

Тарбиячи: Тўғри, бу гулларни биз ўтқаздик, энди уларнинг парваришига ҳам ёрдам берамиз. Айтинг-чи, гуллар қандай парвариш қилинади?

Шохсанам: Сув қуямиз.

Лола: Тагини юмшатиб, чопиқ қиламиз.

Гулноза: Ўтлардан тозалаймиз.

Тарбиячи: Жуда тўғри жавоб бердингиз. Орангизда ўсаётган гулларни пайҳон қилиб ташлайдиган болалар ҳам борми?

Носир: Йўқ, биз ундай болаларни гулзоримизга қўймаймиз.

Лола: Гулларни юлиб бўлмайди, деб тушунтирамиз.

Тарбиячи: Жуда яхши айтдингиз. Гулларни пайҳон қилиб бўлмайди. Ҳар бир бола биттадан гул узаверса, нима бўлади? Гулларни юлиб ҳам бўлмайди. Чунки, улар ҳаётимизни янада гўзал қилади.

Лола: Ҳаётни гўзал қилади, дегани нима дегани?

Тарбиячи: Гулзорда ҳамма гуллар очилганда, боғча ҳовлиси чиройли бўлиб кетади. Бундан ҳаммамиз қувонамиз. Боғчага боргимиз келаверади. Кайфиятимиз кўтарилади. Ҳамма югуриб-елиб иш қилгиси келади. Ана шуларнинг барчаси ҳаётнинг гўзаллигини англатади.

Сарвар: Демак, хонамиздаги гулларни ҳам парвариш қилсак, уларни кўпайтирсак, хонамиз ҳам чиройли ва гўзал бўлади.

Севара: Боғчамиз шинам бўлади, биз қувонамиз. Ҳар куни боғчамизга, гуруҳимизга келгимиз келаверади.

Болалар гуруҳи билан суҳбат уюштирилганда, суҳбат учун уларнинг кундалик турмушида учрайдиган транспорт турлари танланди. Суҳбат қуйидаги саволлар асосида олиб борилди:

1. Одамлар бир-бирлариникига, ишга, ўқишга нимада борадилар? (енгил автомобил, автобус).

2. Қуруқликда юрадиган қандай транспорт турларини биласиз? (автобус, поезд, юк машиналари, енгил машиналар).

3. Сувда қандай транспорт турлари юради? (параход, қайиқ, катер, сув ости кемалари).

4. Ҳавода-чи? (самолёт, вертолёт, ракета, космик кема).

Суҳбат жараёнида болаларнинг мавзудан чалғиб кетиш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Шунинг учун йўналтирувчи саволлардан ҳам фойдаланилди. Бу хилдаги суҳбатларда, албатта, болаларнинг барчаси қатнашиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги гуруҳ билан навбатдаги суҳбат сайрга чиқиш жараёнида олиб борилади. Сайрга ота-оналардан 2 киши ҳамроҳлик қилиши мумкин. Тарбиячининг махсус маслаҳатидан сўнг 2та кичик гуруҳда суҳбат қилинади.

Сайр «Боғчадан шаҳар марказига саёҳат» деб аталади. Болалар сайрга автобусда кетадилар.

Йўлда суҳбат қуйидагича давом этади:

Тарбиячи: Болалар, биз сайрга нимада кетяпмиз?

Болалар: Автобусда.

Тарбиячи: Яна нималарда кетишимиз мумкин эди?

Зокир: Енгил машиналарда.

Шокир: Поездда.

Тарбиячи: Шаҳар ичида поезд юрадими?

Равшан: Метро поезди юради-ку.

Тарбиячи: Жуда тўғри. Биз ҳозир автобусда кетяпмиз. Шаҳар марказига метрода ҳам боришимиз мумкин.

Суҳбат жараёнида болаларнинг нутқ бўйича талай қийинчиликларга дуч келиши аниқланди.

Бу қийинчиликлар қуйидагилардан иборат:

- нутқда керакли сўзни топиб қўллаш;
- мавзуга оид фикрни аниқ ва равон баён этиш;
- ўз фикрини хулосалаш;
- фикрининг изчиллигига риоя этиш;
- маънодош, уядош ҳамда қарама-қарши маъно ифодалаш имкониятларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;
- нутқда бир-бирларини такрорлаш.

Кузатишлар суҳбат жараёнида тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг эркин мулоқотда бўлишлари ва фикр алмашишларига, болаларнинг тил воситаларини мустақил тарзда, мавзуга мос тарзда қўллашларига эришиш зарурлигини кўрсатди.

Масалан, «Транспорт турлари» мавзуси бўйича ўтказиладиган суҳбатда автобус, поезд, самолёт, метро каби ҳар бир сўзнинг маъносини тушуниб ишлатилиши, бир-бирларининг фикрини ва тарбиячи фикрини давом эттирганда, хулосалаганда жумлалар, бирикмалар ва сўзларни тўғри тузиши ва ўз ўрнида ишлатишига эришиш нутқни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Диалог воситасида нутқни ривожлантиришда болаларнинг аниқ мавзу асосида қурилган суҳбатда қўлланган сўзларнинг маъноларини, масалан, транспорт турларининг фарқини англаб олишлари ва ана шу сўзлар қаторини тузишлари ҳам муҳим.

- Трамвай, троллейбус, автобус – транспорт турлари.

Улар нима билан юради?

- Трамвай, троллейбус электр токида юради.
- Автобус ва бошқа автомобиллар бензин ёрдамида юради.
- Самолёт ҳам бензин ёрдамида учади.
- Метро электр токи ёрдамида юради.

Тарбиячи: Буни қандай билиб олдинг?

Салим: Менинг дадам автобус ҳайдайдилар.

Раззоқ: Биз дадам, ойим билан Мустақиллик байрамида метрога тушиб, бувимни кўргани бордик. Ўшанда унинг токда юришини билиб олдим.

Тарбиячи: Жуда яхши. Биз ҳам бугун Мустақиллик майдонини томоша қиламиз. Бунинг учун метро ҳамда автобусга чиқамиз, маъқулми, болалар?

Бундай суҳбатлар болаларнинг кундалик фаолиятида, сайру саёҳатларда самарали натижа бериши, шубҳасиздир. Бунинг учун тарбиячи ана шу суҳбатларга олдиндан тайёргарлик кўриши, саволлар, тушунтиришлар, хулосаларни режалаштириши талаб этилади. Чунки саволлар болаларнинг жавоб беришини тақозо қилади, ўйлашга ўргатади - диалог эса болалар нутқини тўғри шакллантиради. Бунга ўргатиш учун ўйинлар ёки «вазиятлар» яратиш муҳим аҳамият касб этади. Натижада болаларнинг ўзлари ҳам саволлар беришга, изланишга ўрганадилар.

«Телефон», «Тез ёрдам» каби ўйинлар болаларда катта қизиқиш уйғотишини кўрсатди.

Тарбиячи ўйинчоқ телефонни олиб Салимага мурожаат қилади:

- Салима, бувинглар сени сўраяптилар, бувижонинг билан сўрашгин, ҳол-аҳволини билгин.

Салима телефонни олиб, «бувиси» билан сўзлашади:

- Ассалому алайкум, бувижон! Яхшимисиз, соғлигингиз қандай?

- . . .

- Ҳа, ҳа, бизлар саломатмиз, ойимлар, дадамлар ҳам.

- . . .

- Ҳа, ҳа, улар сизга салом айтишяпти, Дилшод акам ҳам, Соҳиба опам ҳам.

- . . .

- Хўп бўлади, уларни хафа қилмаймиз. Дам олиш куни сизни кўргани борамиз.

- . . .

- Раҳмат, бувижон, сиз ҳам соғ бўлинг, касал бўлманг.

Тарбиячи: Салима телефонда жуда яхши сўзлашди. Одоби, ширин сўзлари, меҳрибонлиги билан бувисини ҳурсанд қилди.

Қани, ким телефонда «буви» бўлади, у Салима билан гаплашади ва суҳбатни тўлдиради?

Раҳима: Мен «буви» бўламан.

6 ёшли болалар зукко бўлади. Раҳима суҳбатни қандай бўлса, шундайлигича эслаб қолади.

- . . .

- Соғлиғим яхши, қизим, ўзинглар соғ-саломатмисизлар? Ойинг билан даданглар яхши юришибдими? Уларнинг соғлиғи қандай?

- . . .

- Дилшод аканг, Соҳиба опангнинг ҳам соғлиғи яхшими?

- . . .

- Яхши, раҳмат. Ойинг билан дадангларни хафа қилманглар, мен сизларни соғиндим қачон келасизлар?

- . . .

- Раҳмат, мен сизларни кутаман. Ширин кулчалар ёпиб қўяман, оппоғим.

Бундай ўйин-машғулотлар, ролли ўйин-суҳбатлар болаларда, бир томондан, нутқ маданиятини тарбиялайди, иккинчи томондан, сўз заҳирасини бойитади.

Болалар билан ёз, куз, қиш, баҳор ойларида тарбиячи сайру саёҳатларда болаларнинг жавоб беришинигина талаб қилмасдан, уларни савол беришга ҳам ўргатиши зарур. Чунки саволлар изчилликни сақлаш, мантиққа риоя қилиш, нутқни ривожлантиришга хизмат қилади.

Сайрларда болалар билан бирга дидактик ўйинлар ўйнаш уларни фикрлашга, тасаввурларини кенгайтиришга йўллайди.

Масалан, «Қайси фасл қандай ўтади?» саволига болалар:

- Қиш совуқ, қор ёғади.
- Ёз иссиқ, қуёш чарақлайди, жазирама бўлади.
- Куз салқин, ёмғир ёғади, Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар.
- Баҳор илиқ, ёмғир ёғади, шамол эсади, иссиқ ўлкаларга кетган қалдирғоч, булбул, кўк қарға каби қушлар қайтиб келадилар. Ариқ ва сув бўйларида қурбақалар қуриллайди.
- Кузда дарахтларнинг барглари сарғаяди.
- Баҳорда ҳамма ёқ ям-яшил бўлади.
- Ёзда ариқларда чўмиламиз каби жавоб беришлари мумкин.

Ёки шундай саволлар ҳам бериш мумкин:

«Қандай мевалар сариқ рангда бўлади?»

- Олма.
- Лимон.
- Ўрик.
- Сариқ гилос.

«Ёввойи ҳайвонларнинг номини айтинг».

- Айиқ.
- Шер.
- Бўри.
- Тулки.
- Йўлбарс.

Тарбиячи иккита ўхшаш сўз айтади. Болалар учинчи ўхшаш сўзни топадилар. Учинчиси нима?

- арча, тол, . . . терак;
- лола, бинафша, . . . чучмома;
- чумчуқ, қарға, . . . каптар.

Бу ўйинлар болаларни ҳайвонларни бир-биридан ажрата олишга, ўсимликларни фарқлашга, тез ва аниқ сўзлашга ўргатади.

Сайр-саёҳатлардаги суҳбатлардан мақсад, бир томондан, болаларни теварак-атроф, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан таништириш бўлса, иккинчи томондан, уларда мавсумий ўзгаришларнинг юз бериши билан боғлиқ нутқини шакллантириш ҳамдир.

Саёҳатга тайёргарлик жараёнида болаларга мавсумий кийиниш ва айни пайтдаги фаслга хос хусусиятлар ҳақида маълумот берилади.

Саёҳат давомида тарбиячи болаларга дов-дарахтлардаги ўзгаришни кузатиш вазифасини топширади. Бунинг учун қуйидагича саволлар билан мурожаат қилиш мумкин:

- Баҳорда ва ёзда (куз ва қишда) дарахтларнинг барги қандай рангда эди?
- Ҳозир дарахтларнинг барги қандай тус олибди?
- Ўт-ўланларнинг ранги-чи?
- Дарахтлардаги мевалар қайси фаслда пишади?
- Капалаклар баҳордагидан, ёздагидан кўпми, озми?
- Куз фасли нимаси билан гўзал?
- Қиш фасли-чи?

Болалар бу саволларга жавоб берар экан, олма, хурмо баргларини солиштирадилар. Олма барги сариқ, тўқ сариқ, қирмизи рангда рангин товланиши, хурмо баргларидан ҳали яшиллик кетмаганлиги, ўт-ўланлар ҳам

бирин-кетин сарғая бошлаганлигини кузатадилар ва олмалардан келтрган саватларига, елим халталарга солиб оладилар.

Хурмолар ҳали териб олинмагани, аммо тўқ сариқ рангда ял-ял товланиши, уни бирданига дарахтдан узиб, еб бўлмаслиги, 3-4 кун уйда сақлаб, юмшай бошлагандан кейингина ейиш мумкинлиги, ўшанда мева тотли бўлиши тушунтирилади.

Бу сайрда болалар еб кўрган, аммо дарахтини, унда меваларнинг пишишини кўрмаган хурмо ҳақида маълумотга эга бўладилар. Баҳор келса, боғчалари ҳовлисига ҳам хурмо кўчати ўтқазишга келишадилар.

Сайр охирида болалар қизил, сариқ, қирмизи барглардан териб, гулчамбар ясайдилар. Бундай сайрлар болаларнинг дунёқарашини шакллантиришга, луғат бойлигини оширишга, нутқини бойитишга ёрдам беради.

Куз фаслида қушларнинг учиб кетиши ҳақида ҳам мароқли суҳбат уюштириш мумкин. Суҳбатдан мақсад – болаларнинг кузда қушларнинг (қалдирғоч, чуғурчуқ ва бошқалар) учиб кетиши, қарғаларнинг учиб келиши ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш ва қушлар дунёсини кузатишга қизиқтириш бўлади.

Суҳбатга тайёрланиш жараёнида тарбиячи қуйидаги саволларни белгилаб олиши мумкин:

- Ёзда қандай қушларни кўргансиз? Қайси қушларнинг овозини эшитгансиз?
- Қушларни таниб, билиб олишда сизга ким ёрдам берган?
- Қушлар куз охирида нима учун иссиқ ўлкаларга учиб кетади?
- Қишда нима учун пашша, чивин, капалак ва қўнғизлар кўринмай қолади?
- Ҳовлингизда мусича ва майналар борми? Улар нега учиб кетмайди?

Мазкур саволларга жавоблар, албатта, тарбиячи томонидан тўлдирилиб, тузатиб борилади. Болалар учун талай янгиликлар ҳам маълум бўлиб, бу янгиликларни зукколик билан ўзлаштириб олганликлари уларнинг нутқларида ҳам намоён бўлади.

Маълумки, ҳозирги даврда деярли кўпчилик хонадонларда тўтилар парвариш қилинади.

Шунинг учун, тўтилар ҳаёти билан боғлиқ саволлар асосидаги суҳбат болаларнинг қизиқишини янада оширади ҳамда боғланишли нутқни ривожлантиришга ёрдам беради.

Нутқ ўстиришга оид машғулотлар самарадорлигини таъминлашда мавзуларнинг қизиқарлилиги алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, «Бойчечакнинг очилиши» мавзусидаги эрталик ўтказиш фикримиз далилидир.

Мактабгача таълим муассасаларининг катта гуруҳлари эрталикка тайёрланишда болалар ролларга бўлиниб, бойчечак ҳақидаги шеърлар ва қўшиқлар тарқатилади.

Гуруҳ хонаси эрталиккача қоғоздан ишланган бойчечак, бинафша, лола каби гуллар билан безатилади.

Эрталик «Бойчечак» қўшиғи билан бошланади. Икки бола «Бойчечак» қўшиғини галма-гал ижро этади.

Жарчи бола бойчечак тергани ҳаммани далага чорлайди.

Болалар «Дала»да бойчечаклар - қоғоздан ясалган гулларни тера бошлайдилар ва қўшиқ куйлайдилар, рақс ижро этадилар.

Қўшиқ ижроси ва рақсларда гуруҳнинг барча аъзолари иштирок этадилар.

«Бойчечакнинг очилиши» билан бир қаторда «Гуллар байрами» ҳам болалар севиб ўтказадиган эрталиклардандир. Уни ўтказишдан олдин гурухдаги барча болаларга гуллар ҳақида шеър, топишмоқ, рақслар бўлиб берилади, болалар «Гулчи қиз», «Бойчечак», «Бинафша», «Лола», «Атиргул», «Райҳон», «Чучмома», «Бўтакўз», «Гулсафсар», «Номозшомгул», «Гулбеор», «Гулхайри» ва бошқа гуллар тимсолида шеърлар ёдлайдилар.

Бу хилдаги эрталиклар болаларда ҳам эстетик дидни тарбиялаш, ҳам нутқни ривожлантириш усуллари, воситалари сифатида катта ёрдам беради.

Савол-жавоблар асосида суҳбатлар ўтказиш орқали болаларда нутққа оид муайян даражада малака ҳосил қилгач, ҳикоя тузишга ўргатган маъқул.

Болалар нутқини ривожлантириш технологияси. Бадиий адабиёт ва халқ оғзаки ижодиётига оид асарлар, шу жумладан кичик фолклор жанрлари (мақоллар, маталлар, топишмоқлар, тез айтишлар, саноқ шеърлар ва бошқ.) болалар нутқининг ифодалилигини ривожлантиришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади.

Агарда атрофидаги катталар болани бешикдан бошлаб тўғри сўзлашга ўргатсалар, у интеллектуал жиҳатдан нормал ривожланади. Унда тасаввур қилиш, сўнгра фикрлаш ва ҳаёл суриш қобилияти пайдо бўлади. Ҳар бир ёш босқичда бу қобилият такомиллашиб боради. Бола интеллектининг ривожланиши билан бир вақтда унинг эмотсионал-ирода соҳаси ҳам такомиллашиб боради. Нутқни ривожлантириш методикаси ҳар қандай ривожланишнинг умумий шакллари, томонлари ва ўзаро боғлиқлигини акс эттирадиган диалектика қонунлари ва тоифаларига таянади.

Боланинг тараққиёт жараёни фақат ўйин орқали олиб борилмай, балки қўллар ҳаракати орқали ҳам олиб борилиши мумкин. Бунга биз алоҳида аҳамият берамиз. М.Монтессори педагогикасининг асосий тамойилларидан бири - «Бармоқлар учининг ҳаракати инсон интеллектининг тараққиёт қуролидир». Шу тамойил асосида болалар турли нарсаларнинг хусусиятларини: масалан шакарни, тузни, мелни, унни сувга солиб бу нарсаларнинг эриб кетишини билиб оладилар. Улар оёқ кийимларини крем билан тозалайдилар, уни ялтирагунча артадилар, пластмасса пинсетдан фойдаланишни ўрганадилар, пахтани рулондан ажратиб олиш орқали бармоқларини ҳаракатга келтирадилар ва машқ қилдирадилар, хамир билан ишлашни, сабзавотларни кесишни, маҳсулотларнинг хусусиятларини ва сифатларини тўғри айтишни ўрганадилар.

Тўрлар ёрдамида бола ёрмани гуручдан ажрата олишни ўрганади ва уни бошқа идишларга жойлаштиради. Бу жараёнлар боланинг кўз билан чамалаш, диққатни жамлаш, иродасини тараққий эттиришга ёрдам беради. Агар бола ниманидир тўкиб юборса ёки сочиб юборса, шу ернинг ўзида боланинг ўзи сочиқ билан ёки супурги ва хокандозда уни тозалаб олишни билиши лозим.

Сенсор ривожланиш мини-муҳитида М.Монтессори тавсия этган жиҳозлардан бошқа таълимий жиҳозлар: Б. Никитиннинг «Нақш яса», «Уни-куб», «Қирқма квадрат» каби жиҳозларини ва турли-туман ўйинларни таклиф этиш мумкин. Бу ерга муаллифлик жиҳозларини жойлаштириш мумкин. Масалан: Кўришни тараққий эттириш учун турли ранглардан ташкил топган спектрлар, рангли тиниқ пластик жадваллар, бўёқларни аралаштириш учун жиҳозлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин..Бу муҳитда болалар рангли «йўлкачаларни» ясайдилар, яъни энг тўқ рангдан энг оч рангга томон йўналиб борадилар.

Эшитиш сезгисини тараққий эттириш учун «Жаранглайдиган қутичалар»дан фойдаланишлари (коробкачалар ичига тошлар, металл шарчалар солинади), мусиқа асбобида ўйнашлари мумкин.

Ҳаракат сезгисини тараққий эттириш учун шундай жиҳозларни жойлаштириш лозимки, улар бармоқларнинг майда қўл моторикасини шакллантиришга ёрдам берсин (қисқичлар, турли-туман мозаикалар, турли ҳажмдаги қуриш-ясаш жиҳозлари);

Сезги органларини тараққий эттириш учун юзаси ҳар хил карточкалар ва матолар, «Ҳис этиш қопчаси», ғадир-будир ҳарфлар, рақамлардан фойдаланиш мумкин. Болалар хоҳласалар кўзларини юмиб ишлашлари, махсус кўзойнаклар таққан ҳолда нотекис юзаликни қўл билан ҳис қилишлари, нимадан ясалганини аниқлашлари ва тартиб билан жойлаштиришлари мумкин.

Таъм ва ҳид билишни ажратиш учун алоҳида жиҳозлар мавжуд бўлиши мумкин.

«Бола ва нотаниш одамлар»

Инсонлар кийими ва уларнинг ниятларининг бир-бирига мос келмаслиги.

Педагог болаларга нотаниш кимсалар билан мулоқотда бўлиш қанчалик хавфли эканлигини, чунки болалар катталарнинг қанчалик хавфли бўлишлари мумкинлигини билмасликлари мумкин. Кўпчилик болаларнинг тасаввурида ёмон одамлар фақат ёмон кийим-бош кийишлари ёки пала-партиш кийинишлари мумкин деб ўйлайдилар. Баъзи бир болалар авваламбор соқолли, ифлос кимсаларгина хавф туғдириши, яхши кийинган, келишган аёллар, қизлар ва ўсмирлар, ҳар қандай очиқ чеҳрали, дўстона кулгиси бор инсонлар ҳеч қандай ёмонлик қилиши мумкин эмас,- деб ўйлайдилар. Шунинг учун болалар билан кўпинча яхши кийинган одамлар ва уларнинг ниятлари мос келмаслиги ҳақида суҳбат уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Кичик ва ўрта мактабгача таълим ёшидаги болаларга таниш эртаклар ва адабий асарлардан намуналар келтириш лозим (масалан: Гулойим чувринди кийимларга бурканган, қора куя билан чапланган бўлсада, у жуда меҳрибон

эканлигини; «Қизил гул» эртагидаги мавжудот сеҳрланган меҳрибон шахзода эканлигини билишади).

Катта мактабгача таълим ёшидаги болалар билан эса ўз ҳаёт тажрибаларидан мисоллар келтириб суҳбат уюштириш катта самара беради.

Ҳаётда учрайдиган тасодифий вазиятлар

Болаларнинг бундай шароитда телефондан фойдаланиш қонун-қоидаларини, таниш ва қадрдон инсонларнинг телефон рақамларини билишларига эришиш. Бу ҳолатлар болаларга тасодифий вазиятларда бола нимадандир ва кимдандир қўрққанида керак бўлиб қолишини тушунтириш. Педагоглар болаларга телефон билан ўйнашни тасодифан телефон қилишдан фарқлашга ўргатиш. Ҳақиқий телефон орқали сўзлашишни махсус тренинглар жараёнида мустаҳкамлаш ва ота-оналар билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

Болалар ўртасидаги кескин вазиятлар ва келишмовчиликлар

Педагогнинг асосий вазифаси–болаларга муаммоли вазиятлардан тинчгина чиқиб кетиш усулларини ўргатишдан иборат.

Бундай вақтда педагог болаларга келишмовчиликдан қуйидагича чиқиб кетиш йўлларини:

- келишмовчилик вазиятини келтириб чиқарувчи муаммони аниқ ифодалашга ўргатиш;
- ҳар бир тарафга муаммони изоҳсиз ечиш имкониятини яратиш;
- қаршиликларсиз тўғри хулоса чиқаришга интилишни таклиф этиши мумкин.

Нутқ болаларнинг теварак-атроф гўзаллигини ифода этиш воситаси бўлиб қолгандагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш, гап тузиш ва эртакларни келган жойидан давом эттиришни ўргатишда пиктограммалардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Ҳар бир мавзуга мос равишда ишланган пиктограммалар билан болалар таништирилади. Машғулотлар давомида ёки якунида расмлар чизилган кўргазмалар болаларга тавсия этилади.

Масалан: 1-расмда бола, юрак (қора, қизил), кўз ва баҳор фасли тасвирланган.

Тарбиячи: Болалар, расмга диққат билан қаранг. Баҳор фаслидаги ўзгаришларни яхши кўришингиз, қайсиларини ёқтирмаслигингизни ифодалаб беринг.

Бола: Расмдаги тасвирни кўрсатиб, бу мен; юракни кўрсатиб – яхши;

кўзни кўрсатиб - кўраман деб гап тузади.

Бола: Мен яхши (қизил юрак) кўраман баҳор фаслини, ундаги ўзгаришларни, қушларни, гулларни, дарахтларни … ёки мен ёмон (қора юрак) кўраман ёмғирни, ҳашоратларни…



(1-расм)

Расмда бола, юрак (қора, қизил), кўз ва баҳор фасли тасвирланган.



(2-расм)

Болалар учун тавсия этилган (2-3-расм) пиктограммаларда «Касблар», «Транспорт турлари» мавзусида расмлар тасвирланган. Бу расмларда ҳам болалар нимани ёқтиришларини ёки ёқтирмасликларини сўзлаб берадилар.



(3-расм)

Болаларни ўйлантирадиган, бироз чалғитадиган расмлар ҳам тавсия этилади (4-5-расм). Масалан: «Нима қаерда ўсади?», «Қурбақа нима ейди?».

«Нима, қаерда ўсади?» мавзусидаги расмда бола хўл мева ва сабзавотларни фарқлай олишлари ва улар қаерда, қачон ўсишини расм орқали кўрсатиб, сўзлаб берадилар (4 расм).

«Қурбақа нима ейди?» мавзусидаги расмда ҳам болаларни фикрлашга ҳамда нутқини аниқ ва равон ифодалашга йўналтиради.



(4-расм)



(5-расм)

Тарбиячи болалардан ҳашорат турларини сўрайди ва расмни кузатиб туриб, қурбақа нима ейишини, қайси ҳашарот ёнига боришини чизиқлар ёрдамида кўрсатиб беришни сўрайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Атроф-муҳит билан таништиришга оид манбаларга нималар киради?
2. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф-муҳит билан таништириш методлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. 6-7 ёшдаги болалар қайси буюк алломаларининг ҳаёти ва ижоди билан таништирилади?
4. Болаларни атроф-олам билан таништириш самарадорлигига эришиш учун қандай хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари(2 соат)

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фани ҳақидаги билимларини «Танишув» тренингида ишлаб чиқиш

САВОЛЛАР	ЖАВОБЛАР
1. Сиз ким ва нима учун бу ерга тўпландингиз?	
2. Сизнинг мақсадингиз!	
3. Ким билан ҳамкорлик қиласиз?	
4. Кимга ғамхўрлик қиласиз?	
5. Сизнинг кучсиз томонларингиз!	
6. Сизнинг кучли томонларингиз!	
7. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси ҳақидаги тушунчангиз?	
8. Нутққа таъриф беринг?	
9. Мутахассислигингиз ҳақида маълумот беринг!	
10. Гуруҳингизга таъриф беринг!	

Машғулотнинг бориши:

2-топшириқ: Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг вазифаларини «Тушунчалар таҳлили» услубида тўлдиринг

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач педагог берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

• ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

ТУШУНЧАЛАР	МАЗМУНИ
Луғат иши	
Грамматика	
Равон нутқ	
Диалогик нутқ	
Монологик	
Нутқ ўстириш жараёни	
Товуш маданияти	
Товушларни тўғри талаффуз этиш	

3-топшириқ: Таълимга оид “Қарор қабул қилиш технологияси” услуби таҳлили

Тингловчиларга қуйидаги иш қоғози тақдим этилади:

2-амалий машғулот: Мактабгача таълим муассасасида нутқини ривожлантиришга доир ишлар тизими(2 соат)

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Мактабгача таълим муассасаси педагогларнинг энг буюк бурчи мавзусида “давра суҳбати” ўтказиш

“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1.Машғулот мавзуси эълон қилинади.

2.Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.

3.Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурухда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.

4.Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.

5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.

6.Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

“Блиц-Сўров”

1. Педагогларининг энг буюк бурчи – унинг халққа нафи тегадиган, ақл-идрокли, қобилиятли, уқувли шогирдлар тайёрлашдир.

.....

2. Педагог ёш авлодни ҳалкимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим ва фахрли шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.

.....

3.Педагогларининг сиёсий етуклиги болаларнинг тарбиялаш сифати учун халқ ва жамият олдидаги ўз масъулиятини англаши, таълим-тарбия ишларини ҳал этиши, ижодий ёндашиши.

.....

2-топшириқ: Мактабгача таълим муассасасида нутқини ривожлантиришга доир ишлар тизими

“Б/Б/Б ТЕХНОЛОГИЯСИ”НИ ҚЎЛЛАШ

Б/Б/Б ЖАДВАЛИ - Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билдим	Билишни хоҳлайман
1.	Машғулотлар			
2	Дидактик мақсадлар			
3.	Намунали нутққа эга бўлиш			
4.	Методик тамойиллар			
5.	Тарбиячининг нутқи			
6.	Дастур			
7.	Суҳбат			
8.	Назорат-текширув			
9.	Тайёргарлик суҳбати			
10.	Таълим-тарбия			
11.	Репродуктив			
12.	Диалог			

3-топшириқ. Мактабгача таълим муассасасидаги кичик гуруҳларда нутқни ривожлантиришга доир ишлар тизимини ёритувчи
“Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш

Тингловчилар учун қуйидаги иш қоғози тавсия этилади:

1-саҳифа	**2-саҳифа**
Мактабгача таълим муассасасининг мақсади -	Хозирги замон талабларига мос равишда мактабгача таълим тизимини ислоҳ етиш вазифалари –

3-амалий машғулот: Турли ёш босқичларда нутқни ўстириш вазифалари (4 соат)

Машғулотни бориши:

1-топшириқ: Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари мавзуси моҳиятини ёритиш.

<u>Ишнинг мақсади</u>: Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш, атрофдагилар билан нутқий муносабатда бўлиш малакасини шакллантиришдан иборат бўлиб, мактабгача таълим ёшидаги болаларга она тилини ўргатиш, нутқни ривожлантириш, нутқий муносабатга, муомалага ўргатиш ишларини таҳлил қилиш, турли ёш гуруҳлари учун нутқ ўстириш машғулотларининг интерфаол ишланмаларини ишлаб чиқиш.

Таълим–тарбия тизимини такомиллаштириш бевосита замонавий педагогик технологияларни амалиётга самарали жорий этиш даражаси билан боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Педагогик технологияни жорий қилишни инновация жараёни деб қараш мумкин. Замонавий ахборот технологиянинг болалар жамоасида муваффақиятли жорий қилиниши ва яхши самара бериши бир қатор омилларга боғлиқ. Мактабгача таълим муассаларида, ўқув тизимини янгидан ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жалб қилиш, ривожланган давлатлар ўқув системасидаги янгиликлар ва ютуқларни ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимизда тадбиқ этиш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари мавзуси моҳиятини ёритиш.

	Таърифлар	№	Тушунчалар
	... педагогнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади	А	технологик воситалари
	... тескари алоқа (педагог ва болалар ўртасидаги) кўлами, ривожлантириш ҳамда барча омиллар самарадорлигига боғлиқ	В	технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит
	Таълимнинг ... болаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади	С	Таълим жараёни
	Таълим жараёнининг самарадорлигини таъминланади	Д	Таълим сифати

Жавоб:

1-	2-	3-	4-
1-С	2-Д	3-А	4-В

2- топшириқ: Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг методик масалалари мавзуси юзасидан блиц-сўров саволларига жавоб бериш

Блиц-сўров:
1. Илк ёшдаги болалар нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш ” –
2. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш мазмуни” –
3. Ўрта ёшдаги болалар нутқини ўстириш мазмуни –

Мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстириш юзасидан ўтказиладиган “Муаммоли вазият”

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиладилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

4- амалий машғулот: “Равон нутқни ривожлантириш вазифалари” (2 соат)

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Равон нутқ тушунчаси, вазифалари ва моҳиятини.

“ВЕНН диаграммаси”да бажариш

Венн диаграммаси- 2 ва 3 жиҳатларни ҳамда умумий томонларини солиштириш ёки таққослаш ёки қарама-қарши қўйиш учун қўлланилади.

Тизимли фикрлаш, солиштириш, таққослаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Тингловчилар:

1) кичик гурҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларида ривожланган давлатлар таълим тизимига оид фикрларини ойдинлаштириб олиб, тўлдирадилар;

2) жуфтликларга бирлашадилар, ўзларининг диаграммаларини таққослайдилар ва тўлдирадилар;

3) доираларнинг кесишувчи жойида икки доира учун умумий бўлган фикрлар рўйхатини тузади;

4) иш натижаларининг тақдимоти.

Равон нутқ тушунчаси ва уни ривожлантириш вазифаларини
“ВЕНН диаграммаси”да тўлдиринг



2-топшириқ: Мактабгача таълим муассасаларида болаларни равон нутққа ўргатиш вазифаларини “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади. “Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- Билдирилган фикр - ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

- таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
- таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
- таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
- фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
- юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

Муаммоли савол берилади. Фикр ва ғоялар эшитилади ва жамлаб борилади. Фикр ва ғоялар гуруҳланади. Аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр- ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб боради;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

Муносабат: болаларга ёрқин эмоционал муносабатлар, тасвирланган воқеалар ва қахрамонларга фаол кўмаклашиш хамда улар хақида қайғуриш хосдир. Болалар китоб, шеър ва халқ қўшиқлари билан такроран учрашишга интиладилар. Улар доно фикр, хазил, қофиядош сўзлардан завқланадилар ва уларни эсда сақлаб қолишни хамда ўз нутқида қўллашни хохлайдилар.

3-топшириқ:

Машғулот: Тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш.

Мавзу: «Куз».

Мақсад: Воқеани, тасвирлашда вақтни тўғри ифодалаш, содда ёйиқ гапларни қўллашга ўргатиш

Вазифалар:

- «Куз» мавзусида луғатни фаоллаштириш;
- воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, солиштиришга ва умумлаштиришга уларни ифодалаш учун аниқ сўзларни танлашга ўргатиш;
- боғланишли нутқ–ҳикоя тузиш кўникмаларини шакллантириш;
- жумлаларни, товушларни аниқ айтиш, овоз оҳангини тўғри қўллаш.

Кутилаётган натижалар:

- воқеани тасвирлашда содда ёйиқ гапларни қўллашни ўрганадилар;
- грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашга интилади;
- «Куз» мавзусида луғат фаоллашади;
- воқеа-ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратишга, солиштиришга ва умумлаштиришга уларни ифодалаш учун аниқ сўзларни танлашга ўрганадилар;
- жумлаларни, товушларни аниқ айтадилар, овоз оҳангини тўғри қўллай оладилар.

Болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган интерфаол усуллар:

- Ақлий ҳужум.
- Қисқа ҳикоя.
- Савол- жавоб.
- Тетиклаштирувчи машқлар.

Бориши. Бугун биз куз фасли ҳақида ҳикоя тузамиз. Куз фаслида табиатда қандай ўзгаришлар бўлади. Кузда об-ҳаво турлича бўлади?

а) қуёш нур сочса, осмон мусаффо ва тиниқ бўлса, кузни қандай аташ мумкин? (Олтин куз, эрта куз);

б) агар осмон булутлар билан қопланган бўлиб, совуқ шамол эсса, тез-тез ёмғир ёғса, кузни қандай аташ мумкин? (Кеч куз, совуқ куз, серёмғир куз);

д) кузда дарахтларда қандай ўзгаришлар бўлади? (барглар қизғиш-сариқ тусга киради, ерга тўкилади);

с) кузда қушлар қандай яшашади? Қайси қушлар учиб кетишади?

Жисмоний дақиқа.

Тарбиячи болалар жавобларини умумлаштириб, болаларни куз ҳақида ҳикоя тузишга таклиф этади. Ҳикоя тузганингизда кузги об-ҳаво қандайлиги ҳақида гапиринг, Кузда катталар меҳнати ҳақида гапиринг. Ҳикоя тузганингизда ҳозир ишлатилган сўзлардан фойдаланишингиз мумкин (5-6 та болалар ҳикояси тингланади).

Эслатма: Тарбиячи «Куз» мавзусида ўзи ҳикоя намунасини тузиб бериши мумкин.

Иссиқ ёздан сўнг куз фасли келади. Куз фасли кириб келиши билан ҳаво салқинлиги сезилади. Дарахт барглари бирин-кетин қизғиш-сарғиш тусга кира бошлайди. Қалдирғоч, кўк қарға, турна каби қушлар учиб кетишади. Боғларда кузги мевалар пишиб етилади. Пахтазорларда пахталар оппоқ бўлиб очилади. Дала ва боғларда иш қизғин бўлади. Кузги мева, полиз экинлари йиғиб олинади. Тарбиячи машғулотни мақол айтиш билан якунлаши мумкин. Мақол мазмунини болаларга тушунтириб беради.

Ер ҳайдасанг куз ҳайда,

Куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Куз фаслида табиатда қандай ўзгаришлар бўлади?
- Кузда об-ҳаво қандай бўлади?
- Қандай қушлар учиб кетишади?
- Боғларда қандай мевалар пишади?
- Қандай полиз экинлари пишиб етилади?
- Кимнинг ҳикояси сизга ёқди?

2-топшириқ: Таълимга оид “Тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	**Мазмуни**
Таълим	
Тарбия	
Муассаса	
Мазмун	
Нутқ	
Лингивистика	
Муносабат	
Ривожлантириш	
Мослашув	
Ижодкор	
Маданият	
Педагог	
Ҳамкорлик	

5- амалий машғулот: Болаларнинг тилни мулоқот воситаси сифатида ўзлаштиришлари; диалогик ва монологик нутқни, нутқий мулоқотни шакллантириш (коммуникатив жиҳати). (2 соат)

1. Болаларни диалогик нутққа ўргатиш муаммоларини “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш.

2. Болаларга диалогик нутқни ўргатиш усулларини “БББ” тенологияларида кўриб чиқиш.

Машғулотниниг бориши:

1- топшириқ: Болаларни диалогик нутққа ўргатиш муаммолари.

Кичик гуруҳлара Мактабгача таълим педагогикасининг умумий тавсифини ёритувчи “Икки саҳифали кундалик”ни шакллантириш

Тингловчилар учун қуйидаги иш қоғози тавсия этилади:

1-саҳифа Боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланишида диалогнинг мақсади -	**2- саҳифа** Ҳозирги замон талабларига мос мактабгача таълим муассасаларида боланинг ижтимоий ва шахс сифатида шаклланиши вазифалари –

2- топшириқ: Болаларга диалогик нутқга ўргатиш усуллари.

ББЛ ЖАДВАЛИ - Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.

	Мавзу саволи	**Биламан**	**Билдим**	**Билишни хоҳлайман**
1.	Болаларга диалогик нутқга ўргатиш ҳақида қайси олимларнинг фикрларни биласиз?			
2	Болаларга диалогик нутқга ўргатиш жараёнларни бошқариш			
3.	Болаларга диалогик нутқга ўргатиш учун педагог томонидан қилиниши керак бўлган ишлар			
4.	Болаларга диалогик нутқга ўргатиш аҳамияти			
5	Болаларга диалогик нутқга ўргатиш умумий тавсифи			
6	Болаларга диалогик нутқг ўргатиш мазмуни ва моҳияти			

Монологик нутқни шакллантириш усуллари.

Машғулотнинг бориши:

3-топшириқ: Монологик нутқини шакллантиришнинг назари асосларини ”Қарор қабул қилиш технологияси” график органайзери ёрдамида баҳс-мунозара ташкил этиш.

Тингловчиларга қуйидаги иш қоғози тақдим этилади:

6- амалий машғулот: Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб бориш мазмуни (4 соат)

Машғулотнинг бориши

1- топшириқ: ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология таълим олувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўргатади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг.

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг.

У – фикрингизни умумлаштиринг.

Жадвални тўлдиринг

Савол	Бола нутқини ҳаракатлантирувчи кучлар нималардан иборат?
(**Ф**) Фикрингизни баён этинг	
(**С**) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(**М**) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(**У**) Фикрингизни умумлаштиринг	

2- топшириқ: Мактабгача катта ёшдаги болалар билан мулоқони «Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши



«Нима учун?» техникаси схемасини тузиш қоидалари

1.Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.

2.Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

7-амалий машғулот: Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш (2 соат)

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Болаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг мазмуни ва моҳиятини Ҳозирги кунда машғулот жараёнларида педагогик технологияларнинг “Ақлий ҳужум”, “Кластер” методи, ва бошқа усулларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Боланинг руҳий камолотининг кўп жиҳатлари нутқ билан боғлиқ равишда ривожланади. Чунки, бола мулоқотга киришиши яъни тенгдошлари ва катталар билан бўладиган мулоқотлари жараёнида жуда кўплаб маълумотларга эга бўлади ва ўзининг руҳиятини кейинги ривожланиш босқичига кўтариб боради. Шунинг учун, бола ҳаётининг дастлабки биринчи ойидан тарбия фақат уни парвариш қилиш билан чегараланмаслиги керак. Боланинг илк ёш давридан эшитиш қобилиятини тарбиялаш, шунингдек, боланинг эмоционал соҳаси –

жилмайиш, кулиш, ва овоз тонини уйғотиш лозим. Буларнинг ҳаммаси биргаликда болалар нутқини ривожлантиришга хизмат қилади.

ТАРМОҚЛАР” МЕТОДИ (КЛАСТЕР)

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Хаёлга келган ҳар қандай фикр кетма-кет ёзилади.

2. Фикрлар тугамагунча ёзишда давом эттириш керак, фикрлар тугаб қолса, у ҳолда янги фикр келгунча бирон расм чизиб туринг.

3. Иложи борича фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтиришга интилинг.

4.Сўзлар кетма- кетлиги фақат “нима?” деган сўроғига жавоб бериши лозим.

Ушбу метод якка, кичик гуруҳ, жамоа билан ишлашда қўлланиши мумкин. Гуруҳ ҳолатида қўлланилиши гуруҳлар фикрини тўплаш ва уларни бир тизмдаги қурилмага келтириш мумкин.

“Тармоқлаш” методидан фойдаланиш.



-

1-топшириқ: Мустақил иш

Жадвални тўлдиринг. Қайси ўйинлар болаларни меҳр, шафқат ва садоқатга ўргатади?

Номларини ёзинг

1	
2	
3	
4	
5	

8-амалий машғулот: Грамматик қурилишни шакллантириш методикаси *(2 соат)*

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг грамматик қурилишни шакллантириш мазмуни.

3 х 4 технологияси

Ушбу технология орқали бирон бир мавзуни ёки атамани ҳар томонлама ҳусусиятларни гуруҳлар орқали маълум вақт ичида моҳиятини ёритилади. Бунда тўртта гуруҳ мавзуга доир учтадан фикр ёзади. Жами фикрлар ўн иккита чиқиши керак. Шуниси муҳимки гуруҳлар бир-бирини фикрини такроран ёзмаслиги керак.

Мақсади: Ушбу технология орқали иштирокчиларнинг характер томонлари, ички кечинмаларини ҳам кўришимиз мумкин. Технологияни қўллаганда гуруҳларни фаолликка, ақлий ҳужумни фаоллигига, мантиқий фикрга, саводхонликка дунёқарашни кенгайишига ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга эришилади.

Хулоса: 3х4 технологиясини янги мавзуни баён этишда мустаҳкамлашда, уйга вазифани сўрашда қўллашимиз мумкин.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

2-топшириқ: Грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари.

(Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда таълим олувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни

ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;

навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна: Грамматик кўникмаларни шакллантириш усуллари ва йўллари.

Мактабгача таълим ёшдаги болаларнинг грамматик кўникмаларни шакллантириш нинг энг муҳим шартлари					
психологик-педагогик назарияни эгаллаш		ўз ғояларини ягона умумий қилиб жамлаш		янгиликни жорий қилиш	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса: Мактабгача таълим муассасаларида– мактабгача таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ этишнинг энг муҳим шартларини амалга ошириш					

9- амалий машғулот: Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинлар (2соат)

Машғулотнинг бориши:

1- топшириқ: Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб бориш вазифасини **«ХУЛОСАЛАШ»** методидан фойдаланиш.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу

интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий васеминар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб,
- ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма
- баён қилади;
- навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар.

Шундан сўнг, педагог томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

2- топшириқ: Луғатни бойитиш ва фаоллаштиришни “SWOT-таҳлил” методида ишлаш.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Кўргазмали материаллар билан ўйналадиган таълимий ўйинларини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб боришнинг кучли томонлари	янги дастурлар асосида мактабгача ёшдаги болаларни луғатини бойитиш.
W	Луғатни бойитиш ва фаоллаштиришнинг кучсиз томонлари	Дастурдан мохирона фойдалана олиши.
O	Мактабгача таълим муассасининг умумий тавсифи (ички)	мазмуни
T	Тўсиқлар (ташқи)	моҳияти. **Таълим тизимлари ва таълим сифатини тадқиқ қилишнинг методологик асослари**

“Хулосалаш” Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини янги дастурлар асосида таълим-тарбия беришга тайёрлаш.

10- амалий машғулот: Болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш (2 соат)

1- топшириқ: Замонавий талаблар асосида машғулот ишланмасини яратиш

Машғулот ишланмаси (конспект)нинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Ўрта гуруҳ. Нутқ ўстириш машғулоти.

Мавзу: “Ақлли қарға” асарини қайта ҳикоя қилиш.

Мақсад:

1.Таълимий: Болаларни асарни мустақил ҳолда қайта ҳикоя қилишга, воқеаларни кетма-кет боғланган ҳолда, грамматик жиҳатдан тўғри жумлалар тузиб баён қилишга ўргатиш.

2. Тарбиявий: Болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, ватанни, табиатни, ундаги барча жониворларни севишга, уни ардоқлашга ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи: Болаларга эртакни тинглашни, уларда иштирок этувчи персонажларнинг гапларини ўзига хос хусусиятларини тушуниб, ифодали тарзда ҳикоя қилаётган ўртоқларининг нутқини диққат билан эшитишни, асар матни нотўғри айтилган жойларни пайқашга ўргатишни давом эттириш. Болаларда ифодали нутқни тарбиялаш. **“Q”** товушини тўғри талаффуз этиш.

Кутилаётган натижалар: болалар қайта ҳикоя қилишга ўрганадилар, асар матнини нотўғри айтилган жойларини пайқашга ўргана борадилар, грамматик жиҳатдан тўғри сўзлашишга интиладилар.

Болалар билимларини кенгайтиришга йўналтирилган, иштирок этишга мўлжалланган интерфаол усуллар:

- “Ақлий ҳужум” методи
- Ҳикоянинг қисқача баёни
- Савол- жавоблар ташкил этиш
- Таълими ўйинлар

Керакли жиҳозлар: Асар мазмуни акс эттирилган расмлар.

Машғулотнинг бориши.

Тарбиячи: «Ақлий ҳужум» методи асосида машғулотни савол ва жавоблар билан бошлайди. Ўлкамизда куз бошланди. Сиз гала-гала бўлиб учиб келаётган қушларни кўряпсизми?

Тарбияланувчилар: Бу қарғалар.

Тарбиячи: Ҳа бу қарғалар. Улар дала ва боғларда яшайдилар.

Тарбиячи: Қарғалар фойдали қушми?

Тарбияланувчилар: Ҳа, қарғалар фойдали қуш.

Тарбиячи: Қарғалар қандай қағиллашади? Қарғаларни кузатганмисиз, улар тумшуғида инларига нималарни ташийдилар?

Бугун мен сизга ақлли қарға ҳақидаги асарни ўқиб бераман. Диққат билан эшитсангиз, нима учун уни ақлли қарға деб номланганини билиб оласиз. Тарбиячи асарни ифодали қилиб ўқиб беради ва асар асосида саволлар беради?

- Асар нима ҳақида экан? (қарға).
- Қарға сувсираб учиб юрганда нимага кўзи тушди? (кўзачадаги сувга).
- Сувни ича олдими?
- Нима қилди?

Савол-жавоблардан сўнг тарбиячи асарни яна бир бор айтиб беради ва болаларга асарни такрорлашларини сўрайди. Болаларнинг ҳикояларини баҳолашда асар мазмунини гапиришига шошилмай бир текисда равон баён эта билишларига эътибор беради.

Тетиклаштирувчи машқ: “Қарғалар” ўйини**.**

Тарбиячи болаларни уч гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳ арчалар. Иккинчи гуруҳ қарғалар, учинчи гуруҳ итлар бўлишади. Биринчи гуруҳ арчалар арчаларни тасвирлаб қўлларини пастга туширган ҳолда доира бўлиб турадилар ва “Яшил арча тагида қарғалар қағиллашмоқда” дейдилар. Иккинчи гуруҳ қарғалар доира ичига сакраб-сакраб киришади ва “Қар-қар-қар...” деб қағиллашади. Тарбиячи: мана итлар югуришди ва қарғалар учиб кетишди”-деб

айтиши билан учинчи гуруҳ итлар доирага “RRRR”деб ириллаб югуриб келишади ва қарғаларнинг кетидан қувишади. Ушланган қарғалар итлар бўлишади. Ўйин то иккита - учта чаққон қарға қолгунча давом этади.

Болаларни савод ўрганишга тайёрлаш бўйича амалий машқ.

Тарбиячи болаларга қуйидаги тез айтиш айттиради.

Саъва саҳар сайрайди,

Салқин боғда яйрайди.

Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:

1.Эртак нима ҳақида экан? (қарға).

2.Қарға сувсираб учиб юрганда нимага кўзи тушди? (кўзачадаги сувга).

3.Сувни ича олдими?

4.Нима қилди?

5. Қарғалар қандай қағиллашади?

Назорат саволлари

1. Болаларнинг нутқини шакллантиришда тарбиячининг ўрни.

2 Болаларнинг нутқ маданиятини шакллантириш жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш ва уларнинг вазифалари.

3. Машғулот тушунчаси ва унинг турлари?

4. Машғулот шакллари ва воситалари?

5. Машғулот ишланмаси ва унинг таркибий қисмлари?

6. Нутқ ўстириш услубиётининг еттита вазифаси ҳақида маълумот беринг.

7. Ҳар бир вазифани бирма-бир таҳлил қилиб беринг.

8. Саводга ўргатиш қайси гуруҳларда олиб борилиши ҳақида маълумот беринг, қандай ишлар бажарилишини изоҳланг.

11-амалий машғулот: Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билиш жараёнида нутқни ривожлантириш технологияси (2соат)

Машғулотнинг бориши

1- топшириқ: Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантиришда “ИНСЕРТ” УСУЛИ

Самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб ўрганишга ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари китоб ва бошқа материаллар олдиндан тингловчига вазифа қилиб берилади.Уни ўқиб чиқиб “В”; “+”; “-“; “?” белгилар орқали ўз фикрини ифодалайди.

(В)- Мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+)- Янги маълумот

(-)-Мен билган нарсага зид.

(?)-Мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

“Инсерт” усули жадвали

Тушунчалар	В	+	-	?
Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантириш аҳамияти				
Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантириш мазмунини				
Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантириш мазмунини билан таништириш				

2- топшириқ: Мактабгача ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни билишда нутқни ривожлантиришни «Нима учун?» техникасида тайёрлаш.

«Нима учун?» техникасининг схемадаги кўриниши



«Нима учун?» техникаси схемасини тузиш қоидалари

1.Мулоҳазаларнинг схематик кўриниши қандай бўлишини ўзингиз ҳал этасиз.

2.Ҳар бир стрелка фикр йўналишини кўрсатиши лозим.

12-мавзу: Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантириш йўллари(2 соат)

Машғулотнинг бориши:

1-топшириқ: Теварак-атроф билан таништириш жараёнида болалар нутқини ривожлантиришни “Кичик гуруҳларда ишлаш” методидан фойдаланиш.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.

2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.

3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.

4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.

5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.

6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.

7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

2-топшириқ: Теварак-атрофни билишда болалар нутқини ривожлантиришни ҳамкорликда ўқитиш технологиялари асосида кўриб чиқиш

Гуруҳларда ишлаш – бу ўқув топшириғини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Бунда асосийси топшириқ – натижа эмас балки, гуруҳ ичидаги ҳамкорлик жараёнидир.

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Гуруҳларни жойлаштиришнинг энг мақбул чизмаси



Хулоса:

Халқ миллий ўйинлари орқали болаларни маънавий, ақлий, жисмоний, эстетик жиҳатдан тарбиялаб бориш жараёнида болаларда ўз Ватанини севиш, унинг бойликлари қадрига етиш, буюк аждодларимиз меросларини ҳурмат қилиш, миллий куй ва қўшиқлардан завқланиш туйғулари, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлодда чидамлилик, сабр-тоқатлилик, тезкорлик, илдамлик, ботирлик каби шахсий сифатлар шаклланиб боради.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

КЎЧМА МАШҒУЛОТ (6 соат)

Мавзу: Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг замонавий технологиялари (6 соат)

Машғулот мақсади: "Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси*" модули доирасидаги ютуқлар ва инновациялар билан танишиш.*

Машғулотни ўтказиш тартиби: Тажрибали профессор-педагог ёки мутахассис фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасасининг мактабгача таълим йўналишидаги дарс- машғулотларини кузатиш, ўрганиш ва тажриба алмашишади. "Мактабгача ёшдаги болалар н**утқини ўстириш**нинг замонавий технологиялари" мавзуси бўйича мутахассис томонидан ташкил этилган семинар-тренингда иштирок этишади.

Кўчма машғулот *"***Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси***"* модули доирасида, талаб даражасидаги моддий-техника базага эга ва илмий-услубий жиҳатдан тажрибали профессор-педагоглар ва мутахассислар фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг мутахассислик кафедралари, илмий-текшириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларда ташкил этилади.

Кўчма машғулот гуруҳ журналига қайт этилиб ОТМ тегишли факультет томонидан тасдиқланади.

Машғулот мазмуни:

Таянч тушунчалар: *машғулот, ривожлантириш, луғат, такомиллаштириш, тизим, узвийлик, мазмун, методика, шакллантириш*.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларига доир бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга тайёрлаш мақсадида бир қатор методист - олимлар томонидан салмоқли методик адабиётлар яратилди. Жумладан, М.Р.Халилова мактабгача таълим муассасаларида катта гуруҳ ёшидаги болаларга экологик тушунчаларни шакллантиришнинг педагогик асослари бўйича илмий-тадқиқот ишини олиб борган. М.Очилов, К.Ҳошимов, Р.Ҳ.Жўраев, О.Мусурмонова, С.Нишонова, У.И.Маҳкамов, М.Иномова, М.Қуронов, С.Очилов, Н.О.Ортиқов, Ш.Т.Халилова, Н.М.Эгамбердиева, Ш.С.Шодмонова, Қ.Қуронбоев, Ш.Олимов, Г.Махмутова, Н.Н.Джамилова каби олимлар таълимнинг турли босқичларида тарбиялашнинг педагогик асосларини, П.Юсупова, Р.М.Қодирова, Д.Абдураҳимова, Х.Б.Туленова, Д.Р.Бабаева, В.И.Логинова, П.Р.Саморукова, В.И.Ядэшко, Ф.А.Сохина, Г.Х.Жумашева, Х.И.Касымова, М.Ш.Расулова, М.А.Солиҳова, К.С.Шодиева, Ш.А.Содиқова, Л.Мирджалалова ва бошқалар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг мазмуни, мактабгача ёшдаги болаларни маънавий-ахлоқий, жисмоний ва психологик жиҳатдан тарбиялаш, уларда муомала маданияти ва нутқ кўникмаларини ҳосил қилиш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш муаммолари таҳлил этилган.

Тадқиқотлар муаммосининг моҳияти ва унинг натижасида ишлаб чиқилган методик тавсия, қўлланма ҳамда бошқа ишланмалар мактабгача таълим муассасаси педагоглари, тарбиячи, ота-оналарга қўл келади. Тадқиқот жараёнида пайдо бўлган ғоялардан педагогика билим юртлари, педагогика олий ўқув юртлари, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида маъруза машғулотларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган методик тавсиялар мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга, фаолият машғулотларини ташкил этишга йўналтирилган фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тарбиячилар илғор иш тажрибаларни ўрганиш жараёнида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштиради, касбий сифатларини оширади, замонавий машғулот ўтишнинг метод ва усуллари билан танишади,ишланмаларидан фойдаланади. Мутахассислик модулларидан очиқ машғулотларни кузатади, муҳокама қилади. Очиқ, кўргазмали, намунавий машғулотлар ва уларга қўйилган талаблар асосида таҳлил қилинади.

Машғулотни баҳолаш мезонлари:

1. Машғулот мазмунининг дастур талаблари ва режага мослиги;

2. Машғулот ишланмасига ижодий ёндашилганлиги;

3. Машғулотга тайёргарлик (гигиеник шароитлар, тарқатма ва кўргазмали материалларни танланиши, жиҳозларнинг ўз ўрнида жойланиши, болалар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги);

4. Санитар-гигиеник талаблар (болаларни стол атрофида ишлаш вақтида қоматларини тўғри тутишини назорат қилиш, ҳаракат фаоллиги: жисмоний дақиқалар, динамик паузалар; машғулот давомида болаларнинг жойлашишини тўғри танлаш: стол атрофида ярим доира бўлиб, гиламда тик туриб, машғулот давоимийлиги);

5. Машғулот қисмларининг сони ва ҳар бир қисм давомийлиги;

6. Болаларнинг машғулотдаги нутқи:

- луғат бойлигини ошириш даражаси
- жавобларни мантиқан тўғри тузиш
- нутқнинг грамматик тўғри тузилиши;

7. Болалар билан ишлаш усуллари: ўйин, оғзаки, кўргазмали, амалий;

8. Болалар билан якка ишлаш;

9. Тарбиячи томонидан болалар ишларини баҳолаш:

10. Тарбиячи маҳорати: билим даражаси, болаларда мотивация уйғота олиши, интерфаол методлардан фойдаланиши, болалар жамоасини бошқара олиши, нутқининг равонлиги ва ифодалилиги.

Намунавий машғулот

(Ўрта гуруҳ учун)

Болаларни эртак билан таништириш

Мавзу: "Ўжар сичқонча"

Мақсад: Болаларни нутқини ўстиришда ҳайвонларнинг товушига тақлид қилишга ва уларнинг нима билан овқатланишларини ўргатиш. Эртак асосида ахлоқ сифатларини тарбиялаш. Қизиқарли мазмуни, бадиий образларининг гўзаллиги, тилининг ифодалилиги, шеърий сўзларининг маънодорлилигини ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар: Эртак қаҳрамонларининг расмлари. Она сичқон, сичқонча, товуқ, ўрдак, бақа, балиқ ва мушук расмлари.

Машғулотнинг бориши:

Тарбиячи:

– Болажонларим бугун мен сизларга қизиқарли ва ажойиб эртак айтиб бераман. Эртак қаҳрамони қайсар, ўжар сичқонча ҳақида.

Бир бор экан, бир йўқ экан қадим ўтган замонда яшар экан она сичқон якка ёлғиз ўғли билан ҳар туни она сичқон аллалар боласини:

– чи, чи, чи, чи ухласин;
ўзимнинг ёлғиз ўғлим;
Лекин аҳмоқ сичқонча, дер онасига бақириб:
– керак эмас овозинг;
чи, чи-ку бари созинг
топиб беринг бошқасин
бўлсин майин овози,
ҳамда мулойим сози.
Она сичқон тез бориб, дер товуққа ёлвориб:
- Товуқ хола уйга юр,
боламни терватиб тур
Товуқ келиб сичқоннинг боласин ухлатибди:
– Қў-қў-қў ухласин
сичқонвойнинг боласи
эрта тонгда турганда,
дон-дун бериб боқаман.
Лекин аҳмоқ сичқонча, дер онасига бақириб:
– керак эмас овозинг

қў–қў-ку бари созинг
топиб беринг бошқасин
бўлсин майин овози,
ҳамда мулойим сози.
Она сичқон тез бориб, дер ўрдакка ёлвориб:
– Ўрдак ҳола уйга юр,
боламни терватиб тур
Ўрдак келиб сичқоннинг боласин ухлатибди:
– Ға-ға-ға-ға ухласин
сичқонвойнинг боласи
эрта тонгда турганда
балиқ бериб боқаман
Лекин аҳмоқ сичқонча, дер онасига бақириб:
– керак эмас овозинг
ға–ға-ку бари созинг
топиб беринг бошқасин
бўлсин майин овози
ҳамда мулойим сози
Она сичқон тез бориб, дер бақага ёлвориб:
– Бақа ҳола уйга юр,
боламни терватиб тур
Бақа келиб сичқоннинг боласин ухлатибди:
– Вақ-вақ-вақ ухласин
сичқонвойнинг боласи
эрта тонгда турганда,
пашша, чивин бераман.
Лекин аҳмоқ сичқонча, дер бақага бақириб:
– керак эмас овозинг
вақ-вақ-ку бари созинг
топиб беринг бошқасин
бўлсин майин овози,
ҳамда мулойим сози.
Она сичқон тез бориб, дер балиққа ёлвориб:
– Балиқ ҳола уйга юр,
боламни терватиб тур
Балиқ келиб сичқоннинг боласин ухлатибди:
Аммо чиқмас сози, чунки йўқдир овози. Шунда ўжар сичқонча баттарда чиқиб жаҳлин дер онасига бақириб:
– керак эмас овозинг
йўқ-ку бари созинг
топиб беринг бошқасин

бўлсин майин овози
ҳамда мулойим сози.
Она сичқон тез бориб, дер мушукка ёлвориб:
– Мушук хола уйга юр,
боламни терватиб тур
Мушук кўриб сичқоннинг боласин иштаҳасин очилиб, аллалашга тушубди:
– Миёв-миёв ухласин
сичқонвойнинг боласи
Шунда тентак сичқонча дер мушукка оҳиста:
– Вой мунча ширин овозинг
бирам ёқимли созинг.

Она сичқон кўнгли тўқ уҳлаб қопти бир зумда.
Эрта туриб ёлғизин тополмабди ҳеч ёқдан.
Тарбиячи:
– Болажонларим эртагим сизларга ёқдими?
– Сичқонча қандай экан?
–Она сичқон нима учун боласини топа олмабди?
–Товуқ қандай алла айтибди ва нима бераман дебди?
–Ғозчи, балиқчи?

Машғулот якунида тарбиячи болалар билан эртак қаҳрамонларининг овазига тақлид қилиб "Бу кимнинг овози" ва "Ким нима ейди" таълимий ўйин ўйнайдилар.

Назорат саволлари

1. Болаларни бадиий адабиёт билан таништиришда қайси методлар энг қулай деб ҳисоблайсиз?
2. Диалогик нутқни шакллантиришга доир машғулотлар қайси методлар асосида ўтказилади?
3. Болаларни монолога ўргатиш методларини айтиб беринг.
4. Болаларнинг сўз бойлигини қандай ривожлантириш мумкин?
5. Дидактик жараённи ташкил қилишда тарбиячининг роли қандай?

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-Кейс. ***“Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 528-сон қарори***нинг мазмуни, мақсадини атрофлича ёритиб беринг.

Топшириқ: Ушбу қарорнинг қабул қилинишига нима сабаб бўлди?

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

2-Кейс. баёни. Акмал жисмоний заиф. Мактабгача таълим муассасаларида болалар доим унинг устидан кулишади, мазах қилишади. Тарбиячи ундан бирор нарсани сўраса ёки шеърни ёдлаб, айтиб беришни айтса, у ҳаяжон ва қўрқувдан тутилиб-тутилиб гапиради. Тарбиячи унинг бу ҳолатини салбий қабул қилади ва Акмалга шундай дейди: “Ўтир, сенга бирор-бир топшириқ ҳам бериб бўлмайди. Бундай ҳолатда эртага ким бўласан?”

1. Тарбиячи тарбиянинг қандай тамойилини бузяпти?
2. Сизнингча, тарбиячи бу вазиятда қандай йўл тутиши керак?

Манба: “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Мактабгача таълим психологияси” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма ва материаллар.

Таҳлил: 1. Одатда жисмонан заиф, тенгдошлари томонидан камситиладиган болалар катталарнинг ёрдами, кўмагига муҳтож бўлишади. Акс ҳолда, улар ўз нуқсонларидан уялиш оқибатида, ўзига ишончсиз, журъатсиз ва атрофдагиларга аламли муносабатда бўладиган шахс бўлиб етишади.

2. Кўп ҳолларда болалар заиф тенгдошларининг устидан кулишга мойил бўлишади. Бу уларнинг оилада ва микромуҳитда олаётган тарбияси билан боғлиқ. Болаларга ёшликданоқ заиф тенгдошлари устидан кулиш эмас, аксинча, унга ёрдам бериш кераклигини уқтириб бориш зарур. Акс ҳолда улар келгусида худбин ва шавқатсиз инсон бўлиб етишишлари мумкин.

Педагогнинг ечими: тарбиячи Акмалнинг нуқсонига салбий муносабатда бўлмай, аксинча, гуруҳда дўстона муносабат ва ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган муҳитни шакллантириши зарур. У Акмални қўллаб-қувватлаши, унга далда бериши, ҳар бир муваффақияти учун уни рағбатлантира олиши лозим. Қолаверса, тарбиячи Акмалнинг нуқсонини инобатга олган ҳолда унга кўпроқ нутқ билан боғлиқ бўлмаган, уни қизиқтира оладиган бошқа амалий топшириқлар (м: пластилиндан, қийқимлардан, лойдан турли буюмлар ясаш, расмлар чизиш кабилар)ни бериши керак. Бу каби вазифалар Акмалга ўз қобиятини намоён қилиш учун имконият яратади. Балки у бутунлай заиф эмасдир?

3-Кейс баёни. Қудрат (5 ёшли тарбияланувчи)ни олиб кетиш учун болалар боғчасига унинг дадаси келди. Дадасини кўрган Қудрат болаларни ура

бошлади. Дадаси эса: “Баракалла, ўғлим! Уларга қандай эркак эканлигингни кўрсатиб қўй!”, - деб уни руҳлантирди.

Кейс саволи. Бундай вазиятда Сиз қандай йўл тутасиз?

Манба: “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Мактабгача таълим психологияси” фанлари бўйича материаллар.

Таҳлил: Катталар ҳеч қачон бошқаларга нисбатан зўрлик, зўравонликни тарғиб қилмасликлари керак. Қолаверса, бошқаларга зўравонлик қилиш “еркаклик” белгиси саналмайди. Бу вазият отанинг маънавияти қашшоқ эканлигини кўрсатади.

Педагогнинг ечими: тарбиячининг “Биз Қудратнинг қанчалик кучли эканлигини биламиз. Аммо у ўз кучини бошқаларни уриш учун сарфламаслиги керак. Эртага мен бир эртак мисолида кучни нималарга сарфлаш кераклигини айтиб бераман. Ҳозир эса, менимча, Қудрат ўз ўртоқларидан кечирим сўраса, у ўзини ҳақиқатдан кучли эканлигини исботлайди. Амакингиз сизларни қандай кучга эгаликларингизни синаб кўрмоқчи бўлдилар” қабилида йўл тутиши мақсадга мувофиқдир.

4-Кейс баёни. Иш куни тугади. Фарруҳ (4 ёшли тарбияланувчи)нинг уйидан уни олиб кетиш учун ҳеч ким келмади. Навбатчилик вақтингиз тугашидан бир ярим соат ўтгач, Фарруҳни олиб кетиш учун унинг дадаси келди. Бироқ, у маст эди. Тарбиячи ҳам уйига кечикмоқда. Қолаверса, уйигача йўл узоқ.

Кейс саволи. Тарбиячининг ўрнида Сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

Манба: “Мактабгача таълим педагогикаси, “Мактабгача таълим психологияси” фанлари бўйича материаллар.

Таҳлил: Маст ҳолдаги кишига тарбияланувчини топшириб бўлмайди. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам Фарруҳни унинг дадаси билан қолдириб кета олмайди.

Педагогнинг ечими: Фарруҳни боғча жойлашган ҳудудидаги “Қўриқлов таянч бўлими” ёки “Маҳалла фуқаролари Кенгаши” идорасида қолдириши лозим.

5-Кейс баёни. Мактабгача таълим муасассасида бадиий адабиёт билан таништириш машғулотларида ананавий ва ноананавий таълим технолгиялари афзаллик ёки камчиликлари

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа
Мактабгача таълим муасассасида бадий адабиёт билан таништириш машғулотларини сифат ва самарадорлигини	**Анъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ тарбиячи шахсига қаратилган бўлиб,	**Ноанъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида таълим олувчи шахси бўлиб,

оширишда ананавий ва ноананавий таълим технолгиялари афзаллик ёки камчиликлари	машғулотнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир. **Ноанъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида бола шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.	ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришишга йўналтиришдир.

6-Кейс топшириғи:Тарбиячиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш

Гуруҳ бахоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка бахоси	Муомолар ечими
					Машғулот мавзусини белгилаш
					Машғулотнинг режасини тузиш
					Машғулотнинг мақсадини белгилаш
					Машғулотнинг мазмунини танлаш
					Машғулот ўтказиладиган жойни жихозлаш хамда керакли техникани тайёрлаш
					Машғулотни бошлаш йўлини танлаш ва унинг ишланмасини ёзиш
					Машғулотни вақтларга бўлиш
					Бўлажак машғулотнинг энг қизиқарли, таъсирли нуқталарини танлаш
					Ўтказилган машғулотнинг якуний тахлили ва кейинги машғулотга тайёргарлик

7-Кейс баёни. Мажлисда тарбияланувчининг онаси сўз олиб, тарбиячига: “Менинг ўғлим – Шоҳруҳ ҳеч қачон МТМда ташкил этиладиган тадбирларда қатнашмайди, шеърлар ўқимайди, рақс тушмайди. Айтинг-чи, нима учун сиз уни эътибордан четда қолдирасиз?” – деди.

Кейс саволи. Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

Манба: “Педагогика”, “Мулоқот этикаси”, “Нутқ ўстириш методикаси” “Мулоқот психологияси” бўйича манбалар.

Таҳлил: тарбиячи ўз хатти-ҳаракатларини асослай олмаса, ота-оналарнинг олдида обрўси тушади. Қолаверса, ҳақиқатдан ҳам тардбирларда имкон қадар барча болаларнинг иштирокини таъминлаш учун муҳит ярата олиши керак.

Ўқитувчининг ечими: тарбиячи боланинг онасидан узр сўраган ҳолда, **“**Буни Сизларга аввалдан маълум қилмоқчи эдим. Мен шартли равишда гуруҳ тарбияланувчиларини маълум гуруҳларга ажратиб олганман. Маълум вақтда тадбирларда дастлаб 1-гуруҳ, кейин 2-гуруҳ, сўнгра 3-гуруҳнинг аъзолари иштирок этишади. Бизнинг фарзандингиз ...(2 -3)-гуруҳда кейинги тадбирларда унинг иштироки таъминланади”, - дейиши юзага келган ноқулай ҳолатни бартараф этади.

8-Кейс баёни. Эртак ва ҳикояларни болалар кўпинча ўзларининг ижодий ролли ўйинларида саҳналаштирадилар, бу ўйинларда болалар эртакни саҳналаштиришни жуда севадилар.

Кейс саволи. Тулки, сичқон, хўроз, қуён каби персонажларни ўйинларда акс эттирадилар. Болалар билан суҳбатлаша туриб, тарбиячи ҳикоя ёки эртак қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади. Ҳар хил шеър, эртак қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятлари мана шундай ўрганилади.

Манба: «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Тулки, хўроз ва қуён» каби

Таҳлил: Саҳналаштириш ишини қуйдаги босқичлар бўйича ўтказиш мумкин:

1-босқич. Адабиётларни танлаш. Саҳналаштириш учун адабиёт танлаганда қуйдаги талабга риоя қилиш керак:

1. Эртак, ҳикоя ёки шеърда қатнашувчилар кўп бўлиши керак.

2. Асарда мазмун яхши бўлиб қолмасдан, ҳаракатларнинг хили ҳам кўп бўлиши керак..

3. Асар ифодали ўқишга мос келиши шарт.

4. Мазмуни қизиқарли бўлиши керак.

5. Асар болаларнинг ёшига мос келиши керак.

2-босқич. Саҳналаштириши учун танланган ҳикоя, шеър ёки эртакнинг мазмунини ўқиб бериш ёки қўғирчоқ, соя театирида кўрсатиш орқали таништирилади.

3-босқич. Эслаб қолиш. Асарни болалар эслаб қолишлари учун уни қайта ўқиб бериш, постановка кўрсатиш, расмлар номойиш этиш, дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

4-босқич. Ўйин қизиқарли ўтиши ва узоқ давом этиши учун ўйинга керақли материаллар, кийимлар таёрлаб бериш ва шу билан бирга тўғри раҳбарлик қилиш керак.

Ўқитувчининг ечими: Бу ишни тарбиячи бажаради, катта гуруҳда эса тарбиячи ёрдамида у билан биргаликда болалар бажаришади. Тарбиячи бир қанча эртакка доир расмлар кўрсатади.

9-Кейс баёни. Мактабгача таълим муассасасининиг мудири Феруза Маҳмудовна мактабгача катта ёшидаги болалар гуруҳига ташриф буюриб, тарбиячига: “Машғулотни ёмон ўтказмадингиз, бироқ, методик хатолар кўп. Сизни кичик тарбиячи лавозимига ўтказиш керак”, – деб эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди.

Кейс саволи. Сизнинг ҳаракатларингиз қандай бўлади?

Манба: Ўзбекистон Республикасида “Давлат мактабгача Талим муассасаси тўғрисида”ги Низом, “Мактабгача таълим “Болажон” таянч дастури, “Мактабгача таълим педагогикаси”, “Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси”.

Таҳлил: тарбиячининг фаолияти биргина машғулот билан баҳоланмайди. Қолаверса, машғулотнинг сифати бир неча мезонлар асосида, белгиланган тартибда чуқур таҳлил этилиши лозим.

Ўқитувчининг ечими: МТМ раҳбари муомала қоидаларига зид иш тутди. Машғулотнинг ташкил этилиши МТМ жамоаси орасида муҳокама қилиниши, йўл қўйилган хатолар аниқ кўрсатилиши лозим. Лавозимни пасайтириш эса тарбиячининг хатти-ҳаракати асосли бўлганидагина амалга оширилади.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ:

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

1. Нутқ ўстириш методикаси – ўқув фани.

2. Нутқ ўстиришнинг психолингвистик ва таълимий асослари.

3. Шарқ ва ғарб мутафаккирлари ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашга оид қарашлари.

4. Мактабгача тарбия муассасасида нутқини ривожлантиришга доир ишлар тизими.

5. Болаларни диалогик нутққа ўргатиш.

6. Равон нутқини ривожлантириш.

7. Болаларни монологик нутққа ўргатиш.

8. Луғат ишининг метод ва усуллари.

9. Мактабгача ёшдаги болалар билан луғат ишини олиб боришнинг назарий асослари.

10. Болалар луғатига янги сўзлар киритиш.

11. Грамматик қурилишини шакллантириш методикаси.

12. Таълим муасссаларид болаларга нутқ ўстириш жараёнини ташкил этиш.

13. Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш.

14.Товушларнинг тўғри талаффузи юзасидан олиб бориладиган ишлар мазмуни.

15. Болаларни савод ўргатишга тайёрлаш

16.Болаларда нутқини ривожлантиришга доир ишларни режалаштириш ва ҳисобот юритиш.

17. Болаларда нутқини ривожлантиришга доир ишларга методик раҳбарлик.

18. Болалар нутқини ўстиришнинг предмети мақсади ва вазифалари.

19. Кичик, ўрта ва катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг вазифалари, методлари ва воситалари.

20. Болаларни савод ўрганишга тайёрлаш.

21.Суҳбат турлари ва унинг мазмуни.

22. Ҳикоя қилиб бериш турлари ва методлари.

23. Мактабгача таълим муассасалари ва оилада нутқ ўстириш бўйича методик ишлар.

24. Она тилида нутқ ўстириш методикасини ўқитишнинг ташкилий шакллари.

25. Болалар нутқни ривожлантиришга доир ишларга методик рахбарлик қилиш.

26. 10-мақола,10-топишмоқ, 10-шеър, 10-тез айтиш.

27. 20-тест, 4-кросворд, 20-терминлар.

28. 4-(гуруҳлар бўйича) машғулотлар ишланмаси.

29. “Ўзбекистон Республикасида мактабгача ёшдаги болалада нутқни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусида педагогик кенгашни тайёрлаш ва ўтказиш.

30. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида таълим олувчилар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, тажрибалар ўтказиш, мавзулар бўйича кўргазмзли қуроллар тайёрлаш.

Мустақил ўзлаштирилган мавзулар бўйича таълим олувчилар томонидан рефератлар ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

ГЛОССАРИЙ

Мактабгача таълим – боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминловчи, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотувчи, уни мунтазам таълим олишга тайёрловчи ҳамда бола олти-етти ёшга етгунча давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилаларда амалга оширилувчи таълим босқичи.

Мактабгача таълим педагогикаси – мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш масалаларини ўрганади.

Дидактик тизим – (юнонча «система» – яхлит, қисмларда ташкил топган, бирлаштириш) – маълум мезонлари асосида таълим жараёнинг яхлит ҳолатини белгилаш, ажратиб кўрсатиш.

Дидактик ўйин – ўрганилаётган объект, ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш асосида боланинг билишга бўлган қизиқиши ва фаоллик даражасини рағбатлантирувчи ўқув фаолияти тури.

Жамоа – (лотинча «коллективус» сўзининг таржимаси бўлиб, йиғилма, омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ каби маъноларни англатади) – бир неча аъзо (киши)лардан иборат бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ.

Жамоа анъаналари – жамоа аъзолари томонидан бирдек қўллаб-қувватланувчи барқарорлашган одат.

Жисмоний тарбия – болаларда жисмоний ва иродавий сифатларни шакллантириш, уларни ақлий ва жисмоний жиҳатдан меҳнат ҳамда Ватан мудофаасига тайёрлашга йўналтирилган педагогик жараён; ижтимоий тарбия тизимининг муҳим таркибий қисми.

Идрок – аниқ мақсадга йўналтирилган англаш жараёни.

Ижтимоий адаптация (юнонча адапто – мослашиш) – аномал болалар индивидуал ёки гуруҳли хулқларининг ижтимоий қадриятлар ва хулқ-атвор қоидалари тизимига мос келиши.

Ижтимоийлашув – ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши асосида шахснинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш жараёнига мослашуви.

Изоҳлаш – тарбияланувчига ҳиссий-оғзаки таъсир этиш усули.

Индивид (лотинча «индивидиум» бўлинмас, ягона, алоҳида деган маъноларни англатади) – хатти-ҳаракатларини шартли рефлекс ёрдамидагина ташкил эта олувчи биологик мавжудот.

Индивидуаллик – шахснинг ўзига хос хусусиятлари.

Иқтисодий тарбия – болаларга иқтисодий билимларни бериш, уларда иқтисодий фаолият (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар)ни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат педагогик жараён.

Иқтисодий таълим – болаларга хўжалик юритиш тизими (оила бюджетини шакллантириш, хўжаликни юритиш, мавжуд моддий бойликларни асраш, кўпайтириш, савдо-сотиқ муносабатларини тўғри ташкил этиш ва ҳоказолар) тўғрисидаги назарий билимларни беришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ёш хусусиятлари – муайян бир ёш даврига хос бўлган анатомик, физиологик (жисмоний) ва психологик хусусиятлар.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмларнинг ўзаро ҳамкорлиги, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик асосида «юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизими» моҳиятини акс эттирувчи андоза, лойиҳа. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

Узлуксиз таълим – малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизимининг тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи;

Иишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш жараёнининг фаол иштирокчиси.

Коррекция (юнонча «соррестиио» - тузатиш) – педагогик услуб ва тадбирлардан иборат махсус тизими ёрдамида аномал болаларнинг психик ва жисмоний ривожланишидаги камчиликларини қисман ёки тўлиқ тузатиш.

Кўникма – олинган билимларга асосланиб қўйилган вазифалар ва шартларга биноан бажариладиган ҳаракатлар йиғиндиси.

Кўргазмали методлар – предмет, ҳодиса ёки жараёнлар моҳиятини табиий ҳолатда намойиш қилиш, уларнинг макетларини кўрсатишда қўлланилувчи усуллар.

Лойиҳалаштириш (режалаштириш) – болаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш дастурини яратиш.

Маданият («култура» сўзидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради) – ижтимоий тараққиёт давомида инсонларнинг

фаолияти туфайли қўлга киритилиб, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи моддий ва маънавий бойликлар тизими.

Мазмун (таълим (билим олиш) мазмуни) – таълим жараёнида бола томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган илмий билим, амалий кўникма, малака, фикрлаш ҳамда фаолият усуллари тизими.

Малака онгли хатти-ҳаракатнинг автоматлаштирилган таркибий қисми.

Материални оғзаки баён қилиш методлари – ўқув материалинг моҳиятини озғаки (ҳикоя, тушунтириш, мактаб маърузаси каби шаклларда) ёритишда қўлланилувчи усуллар.

Машқ ва ўргатиш (фаолиятда машқлантириш) методлари-_муайян машқ ёрдамида болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ ва ҳар томонлама пухта ташкил қилиш, уларни ахлоқ меъёрлари ва хулқ-атвор қоидаларини бажаришга одатлантириш усуллари.

Маълумот таълим-тарбия натижасида ўзлаштирилган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда таркиб топган дунёқараш мажмуи.

Метод юнонча таржимаси «тадқиқот, усул, мақсадга эришиш йўли» каби маъноларни англатади.

Методика (фан сифатида) – хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент 1997й.
3. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Тошкент 1997й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2016.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. 2017.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги. ПФ-5198-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308 сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори. 2016 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори. 2017 йил.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 19 июльдаги “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 528-сонли Қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 ийл 21 ноябрьдаги “Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 929-сонли Қарори
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 991-сонли Қарори.

17. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

18. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

19. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон. – 2017.

20. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

21. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.

22. Мирзиёев Ш.М. “Конституция– эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

23. “Мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари” Т.: 2017

24. Edited by Mary Rafferty “Abrief review of approaches to oral language developme nt” -USA, 2014.

25. Асқарова М. Кичик ёшдаги болалар нутқини ўстириш. –Т.: Ўзбекистон, 2001.

26. Бабаева Д.Р Нутқ ўстириш методикаси. -Т.: Фан ва технологиялар, 2009.

27. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДПУ, 2017.

28. Бабаева Д.Р. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. Дарслик. –Т.: ТДПУ, 2018.

29. Қодирова Ф.Р. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси руҳий омиллари. -Т.: Истиқлол, 2006.

30. Қодирова Ф.Р. Болаларни чет тилга ўргатиш назарияси ва методикаси. -Т.: Сано-стандарт, 2009.

31. Қодирова Ф.Р. Нутқ ўстириш методикаси. ЎУМ (электрон). -Т., 2012.

32. http://www.edu.uz–Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайти.

33. http:www.uzedu.uz – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сайти.

34. www.mdo.uz – Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги сайти.

35. http://www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти портали.

36. http://www.gov.uz– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.

37. http://www.lex.uz– Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлар миллий базаси сайти.